



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



# СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ  
ОММАБОП ЖУРНАЛ

[www.soliqvahayot.uz](http://www.soliqvahayot.uz)



**“СОЛИҚ ВА ҲАЁТ” ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛИ  
ТАҲРИРИЯТИ ҲАЙЪАТИ ТАРКИБИ**

**Таҳририят кенгаши раиси:** и.ф.д. Юсупов Кахрамон Ахмедович

**Бош муҳаррир:** и.ф.д. проф. Курбанов Зият Ниязович

**Таҳририят аъзолари:**

и.ф.д. Қудбиев Шерзод Давлатович

и.ф.д. проф. Засько Вадим Николаевич ( Россия Федерацияси)

и.ф.д. проф. Роздольская Ирина Владимировна ( Россия Федерацияси)

ю. ф. д. проф. Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович

т.ф.д.доц. Акбаралиев Бахтиёр Бакирович

и.ф.ф.д. PhD Вассилис Полименис (Греция)

и.ф.н. доц. Эргашев Зафар Тоштургунович

и.ф.д. проф. Тошматов Шухрат Аманович

и.ф.д. проф. Ҳотамов Комил Раббимович

и.ф.д. проф. Қўзиева Наргиза Рамазановна

и.ф.д. проф. Худойкулов Садриддин Каримович

и.ф.д. проф. Исманов Иброҳим Набиевич

и.ф.д. проф. Ўрманов Жаҳонгир Жалолиддинович

и.ф.д. проф. Уразов Комил Бахрамович

и.ф.д. доц. Исаев Фахриддин Икромович

**Маъсул муҳаррир:** Назаров Абдукарим Кушарович

**Веб администратор:** Қуйлиев Улуғбек Рашидович





<b>Abdullazoda Sh.E.</b>	<i>Jismoniy shaxslardan olinadigan mol-mulk solig'ini hisoblash mexanizmini takomillashtirishda xorijiy tajriba</i>	<b>5</b>
<b>Basharatov A.</b>	<i>Soliqlar tushumini barqarorligini taminlash uchun asoslar</i>	<b>11</b>
<b>Bozorov A.O.</b>	<i>Yakka tartibda tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanuvchi jismoniy shaxslarni soliqqa tortishning amaldagi holati tahlili</i>	<b>22</b>
<b>Nurullayeva M.M. Pardaeva Z.A.</b>	<i>Xaridorlar bilan shartnomalar bo'yicha tushumlarning buxgalteriya hisobini muhim jihatlari</i>	<b>34</b>
<b>Saidrasulov I.I.</b>	<i>Davlat budjeti daromadlarida jismoniy shaxslardan undiriladigan daromad solig'i tahlili</i>	<b>39</b>
<b>Sotvoldiyev D.M. Tojimatov I.N.</b>	<i>Sanoat korxonlarida katta ma'lumotlar (BIG DATA) texnologiyasi va ularni qo'llash</i>	<b>45</b>
<b>Бабаев Ф.М.</b>	<i>Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигининг ҳуқуқий асослари хусусида</i>	<b>52</b>
<b>Бердиева Д.А.</b>	<i>Замонавий уй-жой фондини самарали ташкил этишнинг эконометрик таҳлили</i>	<b>61</b>
<b>Гафуров У.В.</b>	<i>Маҳалла – тadbirkorликни ривожлантириш турли иқтисодий шароитларини инобатга олувчи самарали моделларнинг марказий бўғини сифатида</i>	<b>74</b>
<b>Исламов К.С.</b>	<i>Жисмоний шахсларни солиқ қарзини ундириш механизми ва уни маъмурчилигини такомиллаштириш масалалари</i>	<b>83</b>
<b>Мамедова Г.К.</b>	<i>Тижорат банклари фаолиятида молиявий солиқларни қўллашнинг асосий йўналишлари</i>	<b>91</b>
<b>Ниёзов А.О.</b>	<i>Махсус иқтисодий зоналарда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиққа тортишнинг механизми</i>	<b>98</b>
<b>Отаниёзов О.О.</b>	<i>Чарм-пойабзал саноати корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми</i>	<b>104</b>



<i>Севинчев С.С.</i>	<i>Жисмоний шахсларнинг мол-мулкларини солиққа тортиш механизмидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари</i>	<b>112</b>
<i>Туляганов А.</i>	<i>Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштириш</i>	<b>118</b>
<i>Туракулов Т.А.</i>	<i>Ўзбекистонда минтақавий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос томонлари</i>	<b>124</b>
<i>Хайдаров Х.Л.</i>	<i>Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари</i>	<b>134</b>



### JISMONIY SHAXSLARDAN OLINADIGAN MOL-MULK SOLIG'INI HISOBLASH МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАСHTIRISHDA ХОРИЈИЙ ТАЈРИБА

**Abdullazoda Sh.E.**

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti mustaqil izlanuvchisi*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada mahalliy budjetni moliyalashtirishda muhim daromad manbaidan biri hisoblangan mol-mulk solig'ining ahamiyati, soliqni hisoblash mexanizmini yanada takomillashtirishda xorijiy tajriba imkoniyatlari tahlil qilinadi.

**Kalit so'zlar:** Ko'chmas mulk, mol-mulk solig'i, kadastr qiymat, sotish qiymati, rezident va norezident, tijorat mulk obyekti.

**Аннотация.** В данной статье анализируется значение налога на имущество, который считается одним из важных источников дохода в финансировании местного бюджета, а также возможности зарубежного опыта в дальнейшем совершенствовании механизма расчета налога.

**Ключевые слова:** Недвижимость, налог на имущество, кадастровая стоимость, продажная стоимость, резидент и нерезидент, коммерческая недвижимость.

**Abstract.** This article analyzes the importance of property tax, which is considered one of the important sources of income in financing the local budget, and the possibilities of foreign experience in further improving the tax calculation mechanism.

**Key words:** Real estate, property tax, cadastral value, sale value, resident and non-resident, commercial property.

#### 1. Kirish.

Mahalliy budjet moliyaviy barqarorligini ta'minlash - mamlakat iqtisodiy rivojlanishining muhim omillaridan biri hisoblanadi. Hozirgi kunda budjet daromadlari manbalarini shakllantiruvchi va tartibga soluvchi soliqlarning o'rne katta. Bu soliqlar mahalliy darajada moliyaviy mustaqillikni ta'minlash bilan birga, mamlakatdagi soliq siyosatning muvozanatini saqlashga xizmat qiladi.

Barchamizga ma'lumki hozirgi kunda mamlakatimizda ko'chmas mulkka bo'lgan talab nafaqat shaharlarda balki tumanlar va qishloq joylarda ham tobora ortib bormoqda. Buning asosiy sabablari sifatida tabiiy iqlimning o'zgarishi va cheklangan yer resurslari, aholining demografik ko'payishi, hududlardagi infratuzilmaning rivojlanishi ya'ni shaharlashuv, ipoteka dasturlarining yaratilishi hamda ushbu dasturdan insonlar ko'chmas mulkdan daromad olish manbai sifatida foydalanishi kabi birqator omillarni ko'rsatib o'tish mumkin.

Hozirda aholining ko'chmas mulkka bo'lgan talabini qondirish, ko'chmas mulk sotib olish bilan bog'liq holda yuzaga kelayotgan muammolarni bartaraf etish hamda ko'chmas

mulk narxlarining ko'tarilishini oldini olishga qaratilgan chora-tadbirlar majmuasini ishlab chiqish mamlakatimiz siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biridir. Shunga ko'ra yurtboshimizning tashabbuslari bilan uy-joy sotib olishda aholi mablag'larini himoya qiluvchi "Escrow" tizimining 2025-yilda amaliyotga joriy etilishining ko'zda tutilganligi ham so'zimizning yaqqol dalili hisoblanadi. Shu qatori soliq siyosatimizda ham ko'chmas mulk bilan bog'liq bo'lgan jarayonlarni zamon talablariga most holda ishlab chiqish va amaliyotga joriy qilish bugungi kunning dolzarb mavzularidan biri sanaladi.

## 2. Adabiyotlar sharhi.

Ilmiy adabiyotlarda ko'chmas mulkni soliqqa tortish va takomillashtirish yuzasidan turli xil yondashuvlar ishlab chiqilgan. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksiga muvofiq mol-mulkning turlari ya'ni ko'chmas mulklar hamda ko'char mulklar ajratib keltirilgan. Qonunchilikka ko'ra ko'chmas mulk jumlasiga yer uchastkalari, yer osti boyliklari, binolar, inshootlar, ko'p yillik dov-daraxtlar va yer bilan uzviy bog'langan boshqa mol-mulk, ya'ni belgilangan maqsadiga nomutanosib zarar yetkazmagan holda joyini o'zgartirish mumkin bo'lmaydigan ob'ektlar kiradi (Fuqarolik kodeksi, 2023).

E.Mustafa (2011) Turkiyada hokim yordamchilari mahaliy byudjet tushumlari bilan birgalikda ta'lim standartlarini oshirishda faol deb hisoblaydi. Hokim yordamchilariga markaziy hukumat shunchaki ta'limga oid umumiy siyosatni belgilashi va ularga ko'proq vakolatlar berilishini ta'kidlagan.

J.M.Theo (2006) fikricha iqtisodiy jihatdan bo'sh turgan ob'ektning zarari to'g'ridan-to'g'ri uning mulkdoriga tushadi. Jamiyat uchun esa, ishonchsizlik va ijtimoiy noaniqlikni keltirib chiqaradi. Bo'sh turgan ob'ektlar jamiyatga bilvosita salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Ye.V.Mixina (2005) zamonaviy mol-mulk va yer uchastkalari uchun soliqlar davlat soliq tizimining ajralmas qismi hisoblanishini hamda ko'chmas mulk solig'ini joriy qilishning mahalliy byudjet daromadlari bazasiga ta'sirini tahlil qilib tegishli tavsiyalarni bergan.

B.Aliev (2012) soliq to'lovchilarning soliq madaniyatini oshirish va ma'suliyatini oshirish maqsadida, ko'chmas mulklarni belgilangan muddatlarda ro'yxatdan o'tkazmaslik va soliq to'lashdan bo'yin tovlagan mulk egalari qonunchilikka javobgarlik masalasini kiritib qo'yish kerakligi ta'kidlangan.

T.Loginova (2018) o'zining ilmiy qarashlarida ko'chmas mulk solig'ini joriy qilish va uni amaliyotga tatbiq etishda aholining ijtimoiy qatlamini inobatga olish lozimligini qayd qilib o'tgan.

O'zbek olimlaridan I.Niyazmetov (2008) ham bu borada fikr yuritib mol-mulk solig'i ob'ekti tarkibida faqat ko'chmas mulk ob'ektlarini qoldirib, uni yer solig'i bilan birlashtirib yuridik va jismoniy shaxslar uchun bir xil tartibda amal qiladigan ko'chmas mulk solig'iga bosqichma-bosqich o'tish taklifini ilgari surgan.

Iqtisodchi olim Paradaev (2018) tomonidan olib borilgan tadqiqotlar natijasida xususiy mulk (uylar)ning kadastr hujjatlaridagi qiymati va bozor bahosi o'rtasidagi tafovutlarni tartibga solish hamda mulkning prognoz ko'rsatkichlariga aniqlik kiritish maqsadida soliq tushumlari, jismoniy shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliq mol-mulkning inventar qiymatidan, belgilangan me'yordan kelib chiqqan holda amalga oshiriladi. eng kam miqdorni belgilash va ushbu me'yoriy qiymatdan kelib chiqib soliqni hisoblash usulini takomillashtirishga urg'u berdi.

Sh.Musalimov (2020) ilmiy tadqiqotida foydalanilmayotgan mulklarga nisbatan bosqichma-bosqich mol-mulk stavkalarini oshirish taklifining amaliyotga joriy etilishi mulkdorlarning ishlab chiqarish ob'ektlaridan maqsadli foydalanish bo'yicha javobgarligini kuchaytirishga xizmat qilganligini bayon qilgan.

Yuqorida aytilgan fikrlarga qo'shilgan holda ko'chmas mulk solig'ini hisoblashda bosqichma-bosqich jismoniy shaxslar uchun kadastr yoki (bozor) narxiga mutanosib holda

belgilash tizimini joriy etish hamda har bir mahallada tashkil etilgan hokim yordamchilari orqali mahalladagi turar va noturar joylarni doimiy nazoratini amalga oshirish uchun vakolat berilishi lozimligini ta'kidlab o'tmoqchimiz.

### **3. Tadqiqot metodologiyasi.**

Tadqiqot jarayonida ko'chmas mulkni ijaraga berishdan olinadigan daromadlar uchun belgilangan soliqlar va ularga beriladigan soliq imtiyozlari aniqlab olishga hamda bu turdagi daromadlarni soliqqa tortish samaradorligi bo'yicha ilmiy tadqiqotlar o'rganildi. Maqolani shakllantirish jarayonida kuzatish va tanlab olish, ilmiy-nazariy, empirik kuzatuv usullardan foydalanilgan. Tadqiqotda ko'chmas mulklar tushunchasi, ularning tarkibi, ko'chmas mulk solig'ini amaliyotga joriy qilish asoslari, jismoniy shaxslarning ko'chmas mulklarini soliqqa tortish borasida amalga oshirilayotgan islohotlar, bu borada yetuk iqtisodchi olimlarning ilmiy qarashlari o'rganilgan va statistik ma'lumotlar asosida natijalarining ishonchligi tadqiqotda qo'llanilgan xorijiy va milliy statistik rasmiy manbalardan foydalanilgani bilan izohlanadi.

### **4. Tahlil va natijalar.**

Bugungi kunda, jahon mamlakatlarining rivojlanganlik darajasi, aholi turmush tarzi, davlatning mintaqada joylashgan o'rni va shu kabi bir qator omillarga bog'liq holda mol-mulk solig'ining hisoblash mexanizmi hamda undirish usullari turlicha. Buyuk Britaniya mol-mulk solig'ining hisoblash mexanizmini takomillashishida o'zining beqiyos o'rniga ega bo'lgan dastlabki davlatlardan biridir. Buyuk Britaniyada mol-mulk solig'ining rivojlanish tarixiga nazar qaratadigan bo'lsak, ushbu soliqning hisoblanish mexanizmi mulk joylashgan ya'ni mulk egallab turgan yer maydoniga bog'liq holda hisoblash g'oyasi ilgari surilganligini ko'rishimiz mumkin. Ya'ni mulk huquqi xususiy mulkka ega bo'lgan mamlakatlarda xususiy mulk huquqi va yer qiymatining kombinatsiyasi ikkita ijtimoiy xarajatlarni keltirib chiqaradi: ishlanmagan yer qiymati (yoki boylik) va bu boylikning teng taqsimlanmaganligi. Ishlanmagan yer qiymatini undirish usullaridan biri soliqdir. Adam Smit "yer qiymatiga solinadigan soliq iqtisodiy faoliyatga zarar keltirmaydi va yer rentasini oshirmaydi" deb ta'kidlagan. Yer qiymatiga takroriy soliq to'lash g'oyasi 19-asrning liberal iqtisodchisi Genri Jorj yer qiymatiga yagona soliq to'lash bo'yicha eng mashhur ishni qilgan paytdan beri ilgari surilmoqda. Biroq, boshqa barcha soliqlar o'rnini bosadigan yagona yer solig'i joriy etilmagan. Buning o'rniga, yer solig'ini yagona yer va mulk solig'i sifatida qabul qilish g'oyasi ilgari surilgan.<sup>1</sup>

Hozirgi kunda ham Buyuk Britaniya soliq qonunchiligiga ko'ra, jismoniy shaxslarning ko'chmas mulkni soliqqa tortish mexanizmini biroz murakkab deb hisoblasak bo'ladi. Sababi, ushbu davlatda ko'chmas mulk egasi 5 ta savolda umumlashtirilishi mumkin bo'lgan ko'plab omillarga bog'liq holda soliqqa tortiladi. Ya'ni bular;

1. Sizning mulkingiz qiymati qancha turadi?
2. Sizning mulkingiz qayerda joylashgan?
3. Mulkingiz bilan nima qilishni rejalashtiryapsiz?
4. Qaysi turdagi mulkni sotib olasiz? Oddiy qilib aytganda, sizning uyingiz joylashgan yer kimga tegishli?
5. Boshqa mulkingiz ya'ni qo'shimcha mulkingiz bormi?

Agar xususiy mulk egasi sifatida mulk sotib olsangiz, mulk solig'i stavkasi sotib olingan mulkning qiymatga, immigratsiya maqomiga va boshqa mulkingiz bor-yo'qligiga qarab 0 % dan 17% gacha o'zgarishi mumkin. Qo'shimcha mulk uchun yuqori stavkalar - Agar xaridor boshqa turar-joy mulkiga ega bo'lsa, qo'shimcha 5% olinadi.

---

<sup>1</sup> Soliq nazariyasi / darslik. Abdukodir Toshkulov, Sadirdin Xudoyqulov - Toshkent: «HISTORY AND PAGE», 2022. - 368 b.

Buyuk Britaniya rezidenti bo'lmaganlar uchun qo'shimcha haq – agar xaridor Buyuk Britaniya rezidenti bo'lmasa, qo'shimcha 2% undiriladi.

Birinchi marta xaridorlar - 425 000 funt sterlinggacha bo'lgan turar-joy mulkini birinchi marta sotib olganlar uchun SDLT(Stamp Duty Land Tax) stavkasi birinchi £ 300 000 uchun 0% va 300 001 funt sterlingdan 500 000 funtgacha bo'lgan qismi uchun 5% (2025 yil 1 apreldan boshlab amal qiladi) o'sha paytda birinchi marta xaridorlar qiymatga ega bo'lgan mulklar bo'yicha imtiyozlardan foydalanadilar £625,000, dastlabki £425,000 uchun 0%, qolganlari uchun esa 5% miqdorida soliqqa tortiladi.<sup>2</sup>

Buyuk Britaniyada mulk solig'i mavjud va bu yagona soliq emas, balki har xil turdagi mulkka egalik qilish hamda bitimlarga nisbatan qo'llaniladigan turli soliqlar yig'indisidan iboratligini ko'rishimiz mumkin. Mol-mulk solig'ining soliq solish bazasi esa mulkning sotib olish qiymati hisoblanadi. Ko'chmas mulkning sotib olish qiymatiga qarab foiz stavkalari ham turlicha qo'llaniladi.

### 1-jadval

#### Buyuk Britaniyada mol-mulk solig'i stavkalari to'g'risida ma'lumot.<sup>3</sup>

Sotib olish qiymati (Britaniya milliy pul birligi funt sterlingda)	Asosiy Stavka(%da)		Qo'shimcha mulk uchun tariflar(%da)	
	Buyuk Britaniya fuqarolari.	Chet ellik fuqarolar.	Buyuk Britaniya fuqarolari.	Chet ellik fuqarolar.
<b>125 000 funt sterlinggacha.</b>	0	2	3	5
<b>£125,001 – £250,000</b>	2	4	5	7
<b>£ 250 001 – £ 925 000</b>	5	7	8	10
<b>£925,001 – £1,500,000</b>	10	12	13	15
<b>1,500,001 funtdan ortiq</b>	12	14	15	17

Yuqoridagi jadval ma'lumotlariga asoslanib, Buyuk Britaniyada mol-mulk solig'i stavkasi mulkdorlarning asosiy hamda qo'shimcha egaligidagi mulkidan kelib chiqib turlicha ya'ni qo'shimcha egaligidagi mulklarga nisbatan yuqori foiz stavkasining qo'llanilishi ushbu soliq turi bo'yicha soliq tushumining mamlakat budjetidagi ulushini ko'payishiga sabab bo'ladi deb aytishimiz mumkin.

Mamlakatimiz qonunchiligiga ko'ra fuqarolarning mulkka egalik qilish huquqiga hech qanday to'siq mavjud emas. Bu konstitutsiyamizning quyidagi moddalarida mustahkamlab qo'yilgan.

Har bir shaxs mulkdor bo'lishga haqli.<sup>4</sup>

Har kim uy-joyli bo'lish huquqiga ega.

Hech kim sudning qarorisiz va qonunga zid tarzda uy-joyidan mahrum etilishi mumkin emas. Uy-joyidan mahrum etilgan mulkdorga uy-joyning qiymati hamda u ko'rgan zararlarning o'rni qonunda nazarda tutilgan hollarda va tartibda oldindan hamda teng qiymatda qoplanishi ta'minlanadi.

Davlat uy-joy qurilishini rag'batlantiradi va uy-joyga bo'lgan huquqning amalga oshirilishi uchun shart-sharoitlar yaratadi.<sup>5</sup>

Aholining ijtimoiy jihatdan ehtiyojmand toifalarini uy-joy bilan ta'minlash tartibi qonun bilan belgilanadi.

Mulkdor o'ziga tegishli bo'lgan mol-mulkka o'z xohishicha egalik qiladi, undan foydalanadi va uni tasarruf etadi. Mol-mulkdan foydalanish atrof-muhitga zarar

<sup>2</sup> <https://www.hilldickinson.com/insights/articles/taxation-uk-real-estate-non-residents>

<sup>3</sup> <https://imperiallegal.com/media/articles/what-taxes-are-paid-by-property-owners-in-the-uk/>

<sup>4</sup> O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 41-modda

<sup>5</sup> O'zbekiston respublikasi Konstitutsiyasi 47-modda



yetkazmasligi, boshqa shaxslarning, jamiyat va davlatning huquqlarini hamda qonuniy manfaatlarini buzmasligi kerak.<sup>6</sup>

Yuqoridagi jumladan mamlakatimizda har bir fuqaroning mol-mulkka bo'lgan huquqi qonun bilan mustahkamlanganligini ko'rishimiz mumkin. Biroq, jamiyatda soliqlarning ijtimoiy qo'llab quvvatlash funksiyasini ham to'g'ri qo'llay olishimiz zarur ya'ni daromadi yuqori qatlamni soliq vositasida jilovlay olishimiz kerak.

Hozirgi kunda insonlar ko'chmas mulkdan jamg'arma vositasi sifatida ham foydalanmoqda. Bu aholi orasida daromadi yuqori fuqarolar tomonidan ko'chmas mulk sotib olinib, so'ng ijaraga berib daromad topishiga olib kelmoqda. Bunday holatlar ko'chmas mulk bozorida talabning oshishiga olib bormoqda. 2024-yilning 1-noyabr holatiga ko'ra soliq organlarida 558 040 ta ko'chmas mulk ijara shartnomasi hisobga qo'yilgan bo'lib, shundan jismoniy shaxslar o'rtasida tuzilgan ijara shartnomasi 400,5 mingtani tashkil etadi. Buning asosida 440,8 mlrd so'm daromad solig'i hisoblanib, o'tgan yilning mos davriga nisbatan ijara shartnomalari soni 17,1 % va hisoblangan daromad solig'i summasi 15,5 %ga oshgan. Talabalar bilan 105,7 ming ta ijara shartnomasi tuzilgan. Ijarada turuvchi talabalar soni 136 859 nafarni tashkil etgan. Soliq to'lovchining uy-joylarni talabalarga ijaraga berishdan olgan daromadlari soliqdan ozod etilgan bo'lib, Ularga daromad solig'idan 53,3 mlrd so'm imtiyoz qo'llanilgan.<sup>7</sup>

Yuqoridagi ma'lumotlarga asosan jismoniy shaxslar o'rtasida tuzilgan 400,5 ming ijara shartnomasining 105,7 mingtasi talabalar bilan tuzilgan shartnoma ekanligini hisobga olsak, shu 105,7 ming mulkdor o'zi ixtiyoridagi bo'sh turgan ko'chmas mulk obyektlaridan daromad topishni maqsad qilib foydalanayotganligini bilishimiz mumkin.

## 5. Xulosa.

Soliq qonunchiligimizga ko'ra jismoniy shaxslarning mol-mulk solig'ini hisoblashda fuqaroning egaligidagi mol-mulkning sonidan qat'iy nazar barcha uchun bir xil me'zondan foydalanilishi belgilangan. Buning natijasida jismoniy shaxslarning turar va noturar joylarning ijara shartnomasi asosida biroz tafovut vujudga kemoqda. Ya'ni har ikki holatda ham fuqaro mol-mulkni daromad topishni maqsad qilib ijaraga beradi. Xuddi noturar joyning mol-mulk solig'i stavkasi yuridik shaxslar singari qo'llanilgani kabi, ijaraga berilgan turar joyning mol-mulk solig'ining soliq stavkasi ham ushbu mol-mulk joylashgan hudud uchun qonunda belgilangan eng yuqori stavkani qo'llashni tavsiya etamiz. Buning natijasida mahalliy soliqlarning davlat budjetidagi salmog'i ko'tariladi deb hisoblaymiz. Natijada ko'chmas mulk bozoridagi talabning keskin ko'tarilishi oldini olishga va ayrim fuqarolarning uy-joyga bo'lgan ehtiyojini qondirishga qisman o'z hissamizni qo'shgan bo'lamiz.

## Adabiyotlar:

Erdem M. (2011) Educational Problems and Solutions in Turkey: The Views of District Governors.

Kodeks (2023) O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi T.: Adolat.

Musalimov Sh. (2022) Mol-mulk solig'ini hisoblash va undirish mexanizmini takomillashtirish, Dissertatsiya.

Niyazmetov I.M. (2008) Soliq yukining tadbirkorlik sub'ektlari moliyaviy faoliyatiga va byudjet daromadlariga ta'siri tahlili. i.f.n. ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan diis. - T.: b. 99 b.

Toshkulov A. (2022) Soliq nazariyasi / darslik. Sadirdin Xudoyqulov - Toshkent: «HISTORY AND PAGE», - 368 b.

<sup>6</sup> O'zbekiston respublikasi Konstitutsiyasi 46-modda

<sup>7</sup> Soliq qo'mitasi ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

Hilde T. Remoy (2006) A new life: transformation of vacant office buildings into housing, Delft University of Technology

Алиев Б.Х. (2012) О проблемах и перспективах введения налога на недвижимость в Российской Федерации // Налогообложение. № 38.

Логина Т.А. (2018) Стратегия развития налогообложения недвижимого имущества в Российской Федерации. i.f.n. ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan diis. avtoreferati. -М.: б. 7.

Михина Е.В. (2005) “Налог на недвижимость и перспективы его развития в регионе” Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук

Пардаев У. (2018) Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштириш. Фалсафа доктори (Phd). дисс.автореф. – Тошкент. 25-26 б.



## SOLIQLAR TUSHUMINI BARQARORLIGINI TAMINLASH UCHUN ASOSLAR

**Basharatov A.**

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti*

**Annotatsiya.** Maqola soliq tizimining boshqaruvini barqarorlashtiruvchi asoslar haqida. Soliq tizimining hozirgi qiyofasi va oldingi qiyofasini solishtirish amalga oshirildi bundan maqsad tarixda soliqlar qanday ehtiyoj asosida yuzaga kelganligi va hozirgi soliq tizimi qanday asoslar bilan tuzilganligini o'rganamiz. Bu tadqiqot bizga soliqdagi islohotlarning to'g'ri boshqaruvini amalga oshirish uchun kerak bo'ladi va bu islohotlar orqali biz soliqdagi tushumlar, xarajatlar, qonundagi o'zgarishlar va bir qancha elementlarni barqarorlashtirishga erishamiz. Sababi soliq tizimi yer yuzidagi davlatlarning barchasida ya'ni 195 tasida ham mavjud, bu davlatlarning 70%ida soliqlar davlat budjetining asosiy manbaasi hisoblanadi. Xususan, Iqtisodiy hamkorlik va rivojlanish tashkilotiga (OECD) a'zo davlatlarning o'rtacha budjet daromadlarining 33% dan ortig'i soliqlardan tushadi. Masalan, Daniya, Shvetsiya va Fransiyada bu ko'rsatkich 40% dan yuqori. Soliqlarning budjetdagi ulushi 33% kam daromadga ega davlatlarning asosiy manbaai bu tabiiy boyliklarning sotuvidan tushgan mablag'lardir va bu mablag'lar evaziga davlat budjeti shakllanadi. Xulosa qilib aytganda soliq tizimini o'rganish bizga davlatdagi ichki va tashqi iqtisodiy muommolarni urganishga ham yordam beradi, sababi soliq tizimi barcha iqtisodiy munosabatlarni nazorat qiluvchi tizim demakdir. Davlat budjetidagi soliqlarning ulushi qanchalik yuqori bo'lsa uning nazorati shunchalik qiyinlashib boradi. O'zbekistonda 2017 yildan buyon budjetdagi soliqlarning o'rtacha ulushi 78% tashkil etmoqda. Shu sababdan ham soliq tizimida ko'plab o'zgarishlar bulmoqda bu esa o'z navbatida soliq tizimidagi beqarorlikni yuzaga keltirmoqda. Beqarorlikning asosiy yechimi sifatida yuqorida aytilgan sabablar keltirildi va yechimlar soliqdagi resurslar sarfini optimallashtirishga qaratildi.

**Kalit so'zlar:** Soliq tizimi, soliqlarning budjetdagi o'rni, OECD (Iqtisodiy hamkorlik va rivojlanish tashkilotiga), soliqdagi resurslar sarfi, soliqdagi barqarorlik, soliqdagi beqarorlik, soliq tizimidagi optimal boshqaruvi, resurslar qayta taqsimoti, Boshqaruv davr

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются основы стабилизации управления налоговой системой. Проведено сравнение современного состояния налоговой системы с её историческим обликом, с целью изучения,

как налоги возникли в ответ на потребности в прошлом и на каких основаниях строится современная налоговая система. Исследование необходимо для правильного управления налоговыми реформами, что позволит стабилизировать налоговые поступления, расходы, изменения в законодательстве и другие элементы. Налоговая система существует во всех 195 странах мира, при этом в 70% из них налоги являются основным источником государственного бюджета. В частности, в странах-членах Организации экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) более 33% среднего дохода бюджета формируется за счёт налогов. Например, в Дании, Швеции и Франции этот показатель превышает 40%. В странах с низким уровнем доходов основной источник бюджета – средства, полученные от продажи природных ресурсов. Изучение налоговой системы помогает понять внутренние и внешние экономические проблемы государства, так как налоговая система контролирует все экономические отношения. Чем выше доля налогов в государственном бюджете, тем сложнее их контролировать. С 2017 года в Узбекистане средняя доля налогов в бюджете составляет 78%, что негативно влияет на стабильность системы. В статье предлагаются решения для достижения стабильности путём оптимизации использования налоговых ресурсов.

**Ключевые слова:** Налоговая система, доходы бюджета, ОЭСР, стабильность налогообложения, нестабильность налогообложения, оптимальное управление, перераспределение ресурсов, экономическое управление.

**Annotation.** This article examines the foundations for stabilizing the management of the tax system. A comparison is made between the current state of the tax system and its historical form to study how taxes emerged in response to past needs and the principles on which the modern tax system is based. The research is essential for the proper management of tax reforms, which will help stabilize tax revenues, expenditures, legislative changes, and other elements. The tax system exists in all 195 countries of the world, with taxes being the primary source of government budgets in 70% of them. In particular, in the member countries of the Organization for Economic Co-operation and Development (OECD), more than 33% of the average budget revenue is generated from taxes. For example, in Denmark, Sweden, and France, this figure exceeds 40%. In low-income countries, the main source of budget revenue is funds derived from the sale of natural resources. Studying the tax system helps to understand the internal and external economic problems of a state, as the tax system controls all economic relations. The higher the share of taxes in the state budget, the more difficult it is to control them. Since 2017, the average share of taxes in Uzbekistan's budget has been 78%, which negatively affects the stability of the system. The article proposes solutions to achieve stability by optimizing the use of tax resources.

***Keywords:** Tax system, budget revenues, OECD, tax stability, tax instability, optimal management, resource redistribution, economic management.*

## **1. Kirish.**

Soliqlar – davlatlardagi ichki iqtisodiy jarayonlar mahsuloti bo‘lib, ular jamiyatdan yig‘iladi va jamiyat ehtiyojlarini qondiruvchi muhim infratuzilmalarni moliyalashtirishga yo‘naltiriladi. Davlat budjetining asosiy daromad manbai sifatida soliqlar insoniyat tarixidagi turli bosqichlarda rivojlanib, davlatchilikning shakllanishi hamda jamiyat tuzumlarining o‘zgarishiga mos ravishda takomillashib borgan. Dastlab, soliqlar davlatning asosiy xarajatlarini qoplash maqsadida majburiy yig‘im shaklida joriy etilgan bo‘lsa, keyinchalik ularning tuzilishi, yig‘ilish usullari va vazifalari davlat tizimi hamda turli ijtimoiy qatlamlar o‘zgarishi sabab doimiy ravishda takomillashtirilib kelgan.

Soliqlarning paydo bo‘lishi jamiyatda muhim ehtiyojlar vujudga kelishi bilan chambarchas bog‘liq. Ularni ilmiy jihatdan o‘rganish uchun soliq amaliyoti shakllangan dastlabki davrlardan tortib hozirgi zamonagacha bo‘lgan jarayonlarni kuzatish talab etiladi. Zero, hozirgi kunda soliq kodekslari, stavkalar, to‘lov muddati, to‘lovchilar, qonuniy hujjatlar, hisobotlar va boshqa ko‘plab elementlar yaxlit va mukammal tizim holiga kelgan. Shu bois, soliq tarixini bilish orqali bugungi soliqlarning asosiy vazifasi va mohiyatini aniq tushunish mumkin.

Soliqlarning kelib chiqishi miloddan avvalgi 3-mingyillikka borib taqaladi. Bu davrda Misrda don hosilining 20 foizigacha bo‘lgan qismi soliq sifatida yig‘ilishi ilk soliq munosabatlarining kelib chiqishidan dalolat. Tarixiy kelib chiqishidagi faktlarga ko‘ra soliqlar xosil va mehnat kurinishida tatbiq etilgan. Sababi soliq deb qaralishi mumkin bulgan pul munosabatlari bu davrlarda rivojlanmagan va shuning uchun g‘alla jamiyat bo‘ylab osongina yig‘ish, sotish va qayta taqsimlash mumkin bo‘lgan moddiy qiymat zaxirasini ifodalagan va likvidligi ya‘ni almashinuvi osson bo‘lgan xosillar soliq sifatida qaralgan.

Keyingi soliq munosabatlarining rivojlanishi yunon va rimliklar bilan bog‘liq. Qadimgi Yunon va Rim imperiyalari soliqlar rivojlanishining asosiy sababchilaridir, ular ko‘chmas mulk, savdo, meros va harbiy xizmatdan daromad olishni o‘z ichiga olgan yangi soliq tizimini yaratishgan.

Miloddan avvalgi birinchi asrda Rimda Yuliy Tsezar birinchi umumiy savdo solig‘ini joriy qilgan, Avgust esa daromad solig‘i tizimini ishga tushirgan. Qadimgi Rim uz sarhadlarini kengaytirgach egallangan maydonlarda yuzaga keladigan savdo munosabatlarni nazoratini amalga oshirish bir muncha qiyinchilik tug‘dirdi va Rim Empiriyasi savdo solig‘i orqali shu kabi muommolar ustidan nazoratni o‘rnatdi. Yuliy Tsezar birinchi bo‘lib savdo solig‘ini joriy qildi va soliq solishdan asosiy maqsad nazorat va resurslarni qayta taqsimlash edi, butun imperiya bo‘ylab qro‘llaniladigan savdo solig‘i 1 foizli stavkada joriy etilgandi. Sezar Avgust davrida soliqlar buyicha yangi strategiya ishlab chiqildi va maqsadli yunaltirish strategiyaning asosiy maqsadi etib belgilandi. Unga asosan urushdagi harbiylarning ta‘minoti va pensiya jamg‘armasi uchun meros solig‘i joriy etildi va u 5% stavkada belgilandi, budjetni yanada kengaytirish maqsadida savdo solig‘i savdogarlar uchun 4 % fuqorolar uchun 1 % miqdorda qayta belgilandi.

Soliqlarning yig'ilishi buyicha ajralib turuvchi Yunonlar ham soliq solish maqsadida aholi uchun "eisfora" solig'ini joriy qildi. Ularning ajralib turuvchi jihati shundaki: bu soliq turi faqatgina urush vaqtida harbiylarning ta'minotini qoplash maqsadida yig'ilgan, urush tugagach esa eisfora bekor qilingan. Yunonlar yana bir soliq turini joriy qilgan u chet el fuqorolari uchun Afinada yashash imkonini beruvchi soliq edi, agarda ularning otasi yoki onasi Afinalik bulmasa erkaklar 1 dirham, ayollar 1,5 dirham miqdorida soliqga tortilgan.

Umuman olganda tarixda soliqlarng kelib chiqishi bilan bog'liq minglagan faktlar va ularning taxlili asosida yozilgan maqolalar talaygina, ammo tarixda ham hozirgi davrda ham soliqlarning yig'ilish mohiyatiga ko'ra uzgarmas kurinishlari mavjud. Bu ko'rinishlarni biz tahlillar asosida kurib chiqamiz.

## **2. Adabiyotlar sharhi.**

Lair Listokin (2012) tomonidan yozilgan "Adolat, samaradorlik va barqarorlik: daromad solig'i siyosatini baholashda makroiqtisodiyotning ahamiyati." Maqolada soliq siyosatiga quyidagicha izoh berilgan: So'nggi yillarda, Qo'shma Shtatlar "Buyuk Inqiroz"ni yumshatish maqsadida sarf-xarajatlarni oshirish va daromad solig'ini qisqartirishga harakat qildi. Keynesning ta'limotiga mos ravishda, federal hukumat iqtisodiyotni barqarorlashtirishga harakat qilgan, bunda jamoat xarajatlarini ko'paytirish orqali xususiy talabning kamayishini qoplashga intilgan. Biroq, federal hukumat iqtisodiyotni barqarorlashtirish uchun fiskal stimulyatsiya olib borayotgan bo'lsa-da, uning uzoq muddatli soliq siyosatlari aynan teskarisi ta'sir ko'rsatdi. Ko'zdan nishonlanmagan holda, bu siyosatlar tabiatan barqarorlashtirmaydi—ular yaxshi yillarda agregat talabni oshiradi va yomon yillarda kamaytiradi. Xullas, bizning Soliq Kodeksimizning katta qismi fiskal siyosatimizga qarshi kurashmoqda. Ammo hech kim bu haqiqatga e'tibor bermayapti. Soliqlar doim yig'iladi va budjetda shakllanadi, ammo soliqlarning yig'ilish shakli va sarfi doim uzgaruvchandir bu yerda mavjud tendinsiyalar orqali biz soliqdagi barqarorlikni ta'minlaymiz.

Zamonaviy soliqda ham shu kabi keskinliklarni tahlil qilgan. Andrew Berg va uning jamoasi (2021) quyidagicha fikrlarni beradi: "C. Avtomatlashtirishning savdosi (trade-off) bilan bog'liq siyosat ta'siri: Miqdoriy modellar orqali tahlil"

Tezkor avtomatlashtirish sharoitida texnologik taraqqiyotdan olinadigan daromadlarni adolatli taqsimlash uchun fiskal siyosat zarurati va imkoniyati haqida bahslar davom etmoqda. Adolat va samaradorlik savdosi nuqtai nazaridan muhokamalar quyidagi uch guruhga bo'linadi:

1. Diamond-Mirrlees (1971) modeli asosidagi optimal soliq nazariyasi: Ushbu modelda statik tahlillarga tayaniladi.

2. Texnologiya optimizmi: Kapital/avtomatlashtirishga soliq solish uzoq muddatda katta xarajatlarga olib kelishini ta'kidlaydi.

3. Dinamik umumiy muvozanat (DGE) modellarida eski va yangi muvozanat orasidagi o'tish dinamikasiga e'tibor qaratiladi.

Bu guruhlar avtomatlashtirishdan kelib chiqadigan savdoning turli jihatlarini aks ettiradi (masalan, taqsimot foydalari va ishlab chiqarishga xalaqit beruvchi ta'sirlar, qisqa muddatli va uzoq muddatli buzilishlar).

Yuqoridagi 3 ta tahlildan so'ng Lahcen Bounader, Nikolay Gueorguiev, Hiroaki Miyamoto, Kenji Moriyama, Ryota Nakatani, and Luis-Felipe Zannalar quyidagi to'rtta asosiy yondashuvlar davlatning soliq siyosati uchun muhumliligini aniqlashadi.

Birinchi, avtomatlashtirish orqali texnologik taraqqiyot amalga oshganda, inklyuziv o'sish o'z-o'zidan ta'minlanmaydi va siyosiy aralashuvlarsiz ro'y berishi ehtimoldan yiroqdir. Fiskal siyosatlar taqsimotdagi salbiy ta'sirni yumshatishi mumkin, lekin bu uzoq muddatda ba'zi ishlab chiqarish yo'qotishlari hisobiga amalga oshadi. Siyosatchilar siyosiy va ijtimoiy afzalliklarni hisobga olgan holda adolatli muvozanatni izlashlari kerak.

Ikkinchi, siyosatchilar siyosatlarning qisqa muddatli va uzoq muddatli foydalari va xarajatlarini hisobga olishlari kerak. Qisqa muddatda samarali ko'ringan siyosatlar uzoq muddatda zararli bo'lishi mumkin. Xususan, kapital daromadiga soliq solish resurslarni taqsimlashda vaqt o'tishi bilan turlicha ta'sir ko'rsatadi: qisqa muddatda xarajatlar juda kam bo'ladi, bu esa ayrim dasturlarni daromadni kamaytirmasdan tengsizlikni qisqartirish imkonini beradi. Ammo uzoq muddatda bunday xarajatlar juda katta bo'ladi.

Uchinchi, kapital va kapitaldan olingan daromadga haddan tashqari soliq solish o'rta/uzoq muddatda qimmatga tushishi mumkin. Bu investitsiya va kapitalga ortiqcha yuklamalarsiz fiskal makonni yaratish muhimligini ko'rsatadi (ya'ni, "tilla tuxum qo'yuvchi g'ozni o'ldirmaslik" lozim).

To'rtinchi, fiskal siyosat o'zining an'anaviy kanallaridan tashqari, adolat va samaradorlik o'rtasidagi muvozanatga ta'sir ko'rsatishi mumkin. Korporatsiyalarning narx belgilash qudrati ularning avtomatlashtirish darajasiga bog'liq bo'lgan iqtisodiyotda fiskal siyosat qo'shimcha uzatilish kanalidan foydalanishi mumkin. Xususan, avtomatlashtirishga soliq solishning zararli ta'siri narx ustamalarining kamayishi hisobiga iqtisodiy samaradorlikning yaxshilanishi orqali yumshatiladi, bu esa iqtisodiy rentaning pasayishini anglatadi. Bu fiskal siyosatga tengsizlikni kamaytirish maqsadiga kamroq samaradorlik yo'qotishlari hisobiga erishish imkonini beradi (yoki, aksincha, ma'lum iqtisodiy o'sish maqsadiga ega bo'lgan holatda tengsizlikni yanada chuqurroq kamaytirishga erishish mumkin). Bu adolat va samaradorlik o'rtasidagi muvozanat masalasi bilan shug'ullanayotgan siyosatchilar uchun muhim maqsaddir.

Bunday holatlar keskinlik orqali yuzaga keladi har bir tahlil uzoq yilliklarda beqarordir.

Evi Pappa(2019) tomonidan yozilgan ""Evrohududda fiskal qoidalar, siyosat va makroiqtisodiy barqarorlik" maqolasida Yevropa fiskal tizimini va uning so'nggi yillardagi rivojlanishini qayta ko'rib chiqadi. Yevropa Valyuta Ittifoqida fiskal qoidalar murakkab va doimiy ravishda rivojlanib bormoqda. Ushbu qoidalarning qat'iyligi va vaqti-vaqti bilan buzilishi Yevropada siyosiy noaniqlikni oshirdi. Shu bois soliqdagi uzgarishlarning asosiy sababi noaniq va aniq yillardagi siyosiy qarorlar ekanligini ta'kidlagan. Soliqdagi qoidalarning vaqti-vaqti bilan buzilishi, maqsadlarining noaniq belgilanishi Yevropada siyosiy noaniqlikni oshirdi.

### 3. Tadqiqot metodologiyasi.

Bu tahlilda tarixiy va solishtirma tahlil metodlaridan foydalanilgan bo‘lib, soliq tizimining hozirgi va oldingi shakllari o‘rganilib, ularning evolyutsiyasi va asosiy funksiyalari tahlil qilindi. Soliqlarning boshqaruvi va sarfini tahlil qilishda funksional yondashuv qo‘llanilib, soliqlarning davlat budjetiga ta’siri, iqtisodiy barqarorlik va resurslarning to‘g‘ri taqsimlanishi o‘rganildi.

### 4. Tahlil va natijalar.

Tadqiqotda, avvalo, yaqin tarixda soliqlar qanday maqsadlar uchun yig‘ilgani, shuningdek, soliqlarning davlatchilikdagi o‘rni aniqlashtirilgan. Davlat uchun soliqlarning ahamiyatini chuqurroq o‘rganish maqsadida hozirgi zamon soliq tizimi bilan oldingi davrlardagi soliq tuzilmalari o‘zaro solishtirilib, doimo mavjud bo‘lgan asosiy ehtiyojlar ajratib ko‘rsatildi. Mazkur ehtiyojlarga bevosita ta’sir o‘tkazish orqali soliq tizimini barqarorlashtirish masalalari ilmiy tahlil qilindi.

Davrlar almashinishi bilan soliqlar ahamiyatining o‘zgarishi ham tabiiy jarayon sifatida qaraladi. Har bir tarixiy davrda shakllangan soliq tizimining o‘ziga xos xususiyatlari keyingi bosqichlarga ta’sir ko‘rsatgani ko‘plab misollar bilan isbotlanadi. Maqolada turli davrlarda faoliyat yuritgan soliqshunos olimlar tomonidan bildirilgan ilmiy mulohazalarga e’tibor qaratilishi, o‘sha davrlarning siyosiy-iqtisodiy sharoitlarida soliqlar qaysi maqsadlar uchun yig‘ilganini aniqlashga xizmat qiladi. Shu tariqa, vaqt kesimida soliq tizimining o‘zgarishi va barqarorlashtirish omillari haqida yanada aniq xulosa qilish imkoniyati yaratiladi.

#### 1-jadval

#### Soliqlar haqida olimlarning fikrlari

Olim	Yashagan davri	Boshqaruv davr	Soliqlar maqsadi va fikri
Aristotel	M.A. 384–322	Qadimgi Yunoniston davri	Soliqlar davlatni himoya qilish va jamoat farovonligini oshirish uchun ishlatilishi kerak. Aristotel adolat tamoyillariga e’tibor qaratgan. Uning fikricha soliqlar davlatning asosiy ehtiyojlari uchun yig‘ilishi kerak.
Adam Smit	1723–1790	Ma’rifat davri, Yevropada iqtisodiy yuksalish davri.	Soliqlar davlat boshqaruvi va infratuzilmasini moliyalashtirish uchun asosiy vosita bo‘lib, ular adolatli, qulay va aniq bo‘lishi kerak. Smit shu prinsiplar asosida soliqlar yig‘ilishi kerakligini ta’kidlagan.
David Ricardo	1772–1823	Sanoat inqilobi davri	Resurslarni optimal taqsimlashga yo‘naltirish va iqtisodiy samaradorlikni oshirish uchun soliqlar davlat uchun muhim. Soliqdagi boshqaruv tizimi shu kurinishda bulishi kerak.
Karl Marks	1818–1883	Sanoat inqilobi davri	Soliqlar sinfiy kurashning vositasi sifatida boylikni qayta taqsimlash va ijtimoiy adolatni ta’minlashda muhimdir. Soliqdagi tabaqalashtirish bu muhim.



Henry George	1839–1897	Amerika iqtisodiy yuksalishi davri	Yer resurslaridan samarali foydalanish va iqtisodiy tenglikni ta'minlash uchun soliqlar asosiy vosita bo'lishi kerak. Umaman olganda resurslar sarfini soliq nazorat qilishi kerak.
John Maynard Keynes	1883–1946	Buyuk Depressiya va Ikkinchi Jahon urushi davri	Iqtisodiy sikllarni boshqarish, talabni tartibga solish va iqtisodiy barqarorlikni ta'minlash uchun soliqlar zarur.
Joseph Schumpeter	1883–1950	Kapitalizmning rivojlanish davri	Soliqlar davlat iqtisodiy siyosatini shakllantiruvchi asosiy vosita sifatida xizmat qiladi.
Richard A. Musgrave	1910–2007	Ikkinchi Jahon urushi va keyingi iqtisodiy davr	Davlat xarajatlari, resurslarni taqsimlash va ijtimoiy adolatni ta'minlashda soliqlarning muhim roli bor.
Milton Fridman	1912–2006	XX asr bozor iqtisodiyoti	Soliqlar minimal bo'lib, davlatning iqtisodiyotdagi rolini cheklash va bozor erkinligini ta'minlash zarur.
Thomas Piketty	1971–hozirgi vaqt	Global iqtisodiy tengsizlik davri	Progressiv soliqlar orqali iqtisodiy tengsizlikni kamaytirish va adolatni targ'ib qilish lozim.

Bu jadvalda keskin qarama qarshi fikrlar mavjud emas ba'zi olimlarning individual yondashivu soliqlarning umumiy maqsadini o'zgacha kurinishga keltirgan. Ammo soliqlarning yig'ilishidan asosiy maqsad nima?

## 2- jadval

### Hozirda soliqlarning yig'ilishidan asosiy maqsadlar bo'yicha yondashuvlar

MAQSADI	IZOH
<b>Daromadlarni taqsimlash</b>	Ijtimoiy tengsizlikni kamaytirish uchun yuqori daromadli shaxslardan ko'proq soliq undirish va resurslarni qayta taqsimlash.
<b>Davlat xarajatlarini moliyalashtirish</b>	Davlatning mudofaa, ta'lim, sog'liqni saqlash, asosiy infratuzilmalarni va boshqa ijtimoiy xizmatlarini ta'minlash uchun moddiy resurslar yaratish.
<b>Iqtisodiy barqarorlikni ta'minlash</b>	Inflatsiyani boshqarish, talab va taklifni tartibga solish hamda iqtisodiy o'sishni rag'batlantirish. Bozor iqtisodiyotini barqarorlashtirish.
<b>Bozor iqtisodiyotidagi uzgarishlar yuzaga kelgan muommolarni nazorat qilish</b>	Atrof-muhitni himoya qilish yoki salbiy tashqi ta'sirlarni kamaytirish maqsadida maxsus soliqlar joriy etish.
<b>Investitsiyalarni rag'batlantirish</b>	Biznes va korxonalarni rivojlantirish uchun soliq imtiyozlari kabi moddiy rag'batlarni iqtisodiyotga taqdim etish.
<b>Tashqi savdoni boshqarish</b>	Eksportni rag'batlantirish va importni cheklash uchun soliq stavkalarini belgilash orqali milliy bozor iqtisodiyotini himoya qilish.
<b>Davlat qarzini kamaytirish</b>	Soliqdagi profesitni ta'minlash va soliq tushumlari orqali davlat qarzlarini qoplash, moliyaviy barqarorlikni ta'minlash.
<b>Ijtimoiy ta'minot</b>	Qashshoqlikni kamaytirish va aholining zaif qatlamlariga yordam berish uchun soliq tushumlarini yo'naltirish.
<b>Xususiy sektorni tartibga solish</b>	Soliq siyosati orqali iqtisodiyotning ma'lum tarmoqlarini rag'batlantirish yoki cheklash.
<b>Davlat boshqaruvini qo'llab-quvvatlash</b>	Hukumat organlari va davlat boshqaruv tizimining samarali ishlashi uchun moliyaviy resurslar yaratish.

Jadvallarda aks etgan tarixiy va zamonaviy soliq ko'rsatkichlarini o'rganish natijasida, soliq yig'ilishining turli davrlarda turli shakl va mexanizmlarga ega bo'lganiga qaramasdan, ular ichida doimo umumiy bo'lib qoladigan asosiy maqsad aniqlandi. Mazkur maqsad – davlatning moliyaviy mustahkamligini ta'minlash va jamiyat ehtiyojlarini qondirishdir. Boshqacha aytganda, soliq tizimi qanday davrda, qanday shaklda yoki qanday nominal stavkalar bilan faoliyat yuritishidan qat'i nazar, uning tub negizida davlat funksiyalarini barqaror moliyalashtirish, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni qo'llab-quvvatlash hamda xavfsizlik va farovonlikni ta'minlash yotadi.

Jadvallardagi soliq tushumlarining samaradorligi, ulardan foydalanish yo'nalishlari va davrlar kesimida o'zgarib borgan tavsiflarini taqqoslash shuni ko'rsatadiki, soliq amaliyotining asosiy vazifasi – doimiy ehtiyojlar va jamiyat barqarorligiga xizmat qilishdan iborat bo'lib, vaqt o'tishi bilan u faqat shakl va tartibda o'zgarib borgan. Mazkur kuzatuv natijalari, ushbu maqolada keltirilgan nazariy xulosalar bilan uyg'un holda, har qanday sharoitda soliq tizimini modernizatsiya qilishda uning fundamental vazifasini inobatga olish zarurligini ta'kidlaydi.

### 3-jadval

#### Soliqlarning yig'ilishidan asosiy maqsadlar bo'yicha olimlarning fikrlari

Soliqlarning maqsadi	Olimlarning fikrlari (Umumiy qismlar)
Daromadlarni taqsimlash	Adam Smit, Karl Marks, va Thomas Piketty soliqlarni iqtisodiy tengsizlikni kamaytirish uchun qayta taqsimlash vositasi sifatida ta'riflagan. Marx va Piketty, soliqlarning boylikni adolatli taqsimlashda rolini alohida ta'kidlagan.
Davlat xarajatlarini moliyalashtirish	Adam Smit, John Maynard Keynes, va Joseph Schumpeter soliqlarni davlatning iqtisodiy faoliyatini qo'llab-quvvatlash, infratuzilma va ijtimoiy xizmatlarni moliyalashtirish uchun zarur deb bilgan.
Iqtisodiy barqarorlikni ta'minlash	John Maynard Keynes va Milton Fridman soliqlarning iqtisodiy sikllarni boshqarish va iqtisodiy barqarorlikni saqlashdagi rolini e'tirof etgan. Keynes iqtisodiy inqirozda soliqlarni kamaytirishni, Fridman esa minimal darajada soliqlarni qo'llashni tavsiya qilgan.
Bozor iqtisodiyotidagi uzgarishlar asosida yuzaga kelgan muommolarni nazorat qilish	Karl Marks va Henry George soliqlarni atrof-muhitni himoya qilish va bozor xatolarini tuzatish vositasi sifatida tavsiya qilgan. Henry George yer resurslari soliqlari orqali iqtisodiy adolatni ta'minlashga urg'u bergan.
Investitsiyalarni rag'batlantirish	Milton Fridman, Richard A. Musgrave, va Joseph Schumpeter soliqlarni investitsiyalarni rag'batlantirish va iqtisodiy o'sishni ta'minlash uchun ishlatishni tavsiya qilgan. Fridman soliqlarni minimal darajada saqlashni, Schumpeter esa innovatsiyalarni qo'llab-quvvatlashni ma'qullagan.

Tashqi savdo tizimini boshqarish	David Ricardo soliqlarning tashqi savdo va global iqtisodiyotni boshqarishdagi rolini e'tirof etgan, ayniqsa bojxona solig'iga asoslangan nazariyalarni ilgari surgan.
Davlat qarzini kamaytirish	John Maynard Keynes soliqlarning davlat qarzlarini kamaytirishdagi rolini ta'kidlagan, davlatning iqtisodiy barqarorligini saqlashda soliqlarni samarali ishlatish zarur deb hisoblagan.

Soliqlar boshqaruvining natijadorligi bevosita ularning sarflanish jarayoniga bog'liqdir. 3-jadvalda qayd etilgan soliqlarning asosiy funksiyalari bo'yicha soliq mablag'larini tegishli yo'nalishlarga taqsimlash – soliq tizimining barqarorligini ta'minlashda muhim omil sanaladi. Agar undirilgan soliq mablag'lari mo'ljallangan maqsadlarga to'g'ri yo'naltirilmasa, iqtisodiyotda turli defitsitlar, bo'shliqlar vujudga kelishi ehtimoli ortadi. Shu bilan birga, soliq mablag'larining etarli darajada ajratilmasligi yoki aksincha ortiqcha miqdorda sarflanishi ham iqtisodiy muvozanatga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Davlatning rivojlanish jarayonini barqaror olib borish uchun soliq mablag'larining har bir soha yoki dasturga yo'naltirilishi shaffof, aniq va maqsadli bo'lishi zarur. Aks holda, paydo bo'lgan bo'shliqlar va noaniq rejalar natijasida iqtisodiyotning o'sishi sekinlashishi, ayrim hollarda esa umuman to'xtab qolishi mumkin. Shuning uchun ham soliqlarning sarflanish strategiyasi puxta ishlab chiqilgan, qonuniy asoslangan va jamoatchilikka ochiq bo'lishi, davlatning uzoq muddatli ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyoti garovidir.

## 5. Xulosa.

Soliqlar – davlat va fuqarolar o'rtasidagi eng muhim iqtisodiy munosabatlardan biri hisoblanadi. Soliqdagi barqarorlik ikki tomonlama ahamiyatga ega bo'lib, davlatning ham, jamiyatning ham uzviy manfaatlariga ta'sir ko'rsatadi. Har bir davrda soliq siyosati bo'yicha qabul qilinadigan qarorlar uzoq muddatli istiqbolda iqtisodiy beqarorlikni keltirib chiqarishi ehtimoli mavjudligi sababli, soliqlarni boshqarish jarayoni uzluksiz rivojlanish jarayoniga moslashtirilishi zarur.

Mamlakat soliq siyosatini muvozanatda ushlab turish uchun, har bir bosqichga xos bo'lgan iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy sharoitlarni hisobga olgan holda strategik rejalashtirish amalga oshiriladi. Bunday jarayon maqsadli va aniq tamoyillar asosida olib borilishi, uzoq muddatli iqtisodiy barqarorlik va barqaror o'sishni ta'minlaydi. Shu bilan birga, mukammal boshqaruv tamoyillarini qo'llash, qarorlar qabul qilishda keng ko'lamlilarga asoslanish va jamoatchilik manfaatlarini inobatga olish soliq tizimining barqarorligi uchun muhimdir.

Natijada, soliq tizimida qabul qilinadigan har qanday islohot yoki yangilanish davlat va jamiyat o'rtasidagi ishonchni mustahkamlash hamda iqtisodiy taraqqiyotga xizmat qilishga qaratilishi lozim. Aks holda, qisqa muddatli foyda olishga qaratilgan qarorlar yoki noto'g'ri strategiyalar iqtisodiyotda beqarorlik va resurslarning o'z vaqtida taqsimlanmasligiga olib kelishi mumkin. Maqsadli, reja

asosida va ma'lumotlarga suyanigan holda boshqarilgan soliq tizimi esa jamiyat farovonligi hamda davlat mustahkamligining muhim garovidir.

**Adabiyotlar:**

Alesina, A., & Tabellini, G. (2005). Why Is Fiscal Policy Often Procyclical?. *Journal of the European Economic Association*.

Afonso, A., & Sousa, R. M. (2012). The Macroeconomic Effects of Fiscal Policy. *Applied Economics*, 44(34), 4439-4454.

Baunsgaard, T., & Symansky, S. (2009). Automatic Fiscal Stabilizers: How Can They Be Enhanced? <https://www.imf.org/external/pubs/ft/spn/2009/spn0910.pdf>

Blanchard, O., & Perotti, R. (2002). An Empirical Characterization of the Dynamic Effects of Changes in Government Spending and Taxes on Output. *Quarterly Journal of Economics*, 117(4), 1329-1368.

Blinder, A. S., & Solow, R. M. (1974). Analytical Foundations of Fiscal Policy.

Spilimbergo, A., Symansky, S., & Schindler, M. (2009). Fiscal Multipliers and the Effectiveness of Fiscal Policy.

Bova, E., Medas, P., & Poghosyan, T. (2016). Macroeconomic Stability in Resource-Rich Countries: The Role of Fiscal Policy. <https://www.imf.org/en/Publications/WP/Issues/2016/12/31/Macroeconomic-Stability-in-Resource-Rich-Countries-The-Role-of-Fiscal-Policy-43758>

Corsetti, G., Kuester, K., Meier, A., & Mueller, G. J. (2012). Sovereign Risk, Fiscal Policy, and Macroeconomic Stability. <https://www.imf.org/en/Publications/WP/Issues/2016/12/31/Sovereign-Risk-Fiscal-Policy-and-Macroeconomic-Stability-25741>

Debrun, X., Pisani-Ferry, J., & Sapir, A. (2008). Automatic Stabilizers and Fiscal Policy Effectiveness. <https://www.imf.org/en/Publications/WP/Issues/2016/12/31/Automatic-Stabilizers-and-Fiscal-Policy-Effectiveness-25808>

Galí, J., & Perotti, R. (2003). Fiscal Policy and Monetary Integration in Europe. *Economic Policy*, 18(37), 533-572.

Gupta, S., Clements, B., Baldacci, E., & Mulas-Granados, C. (2005). Fiscal Policy, Expenditure Composition, and Growth in Low-Income Countries.

Fatás, A., & Mihov, I. (2003). The Case for Restricting Fiscal Policy Discretion. *Economic Policy*, 18(36), 467-510.

Ilzetzki, E., Mendoza, E. G., & Végh, C. A. (2013). How Big (Small?) Are Fiscal Multipliers?. *Journal of Monetary Economics*, 60(2), 239-254.

IMF (2013). Fiscal Adjustment in Advanced Economies: How Early and How Fast? <https://www.imf.org/en/Publications>

IMF (2016). Tax Policy, Leverage and Macroeconomic Stability. <https://www.imf.org/en/Publications/Policy-Papers/Issues/2016/12/31/Tax-Policy-Leverage-and-Macroeconomic-Stability-PP5079>

IMF Fiscal Monitor (2020). Policies for the Recovery. <https://www.imf.org/en/Publications/FM>

World Bank (2021). Macroeconomic Stabilization and Tax Policy in Developing Economies. <https://documents1.worldbank.org/curated/en/>

Romer, C. D., & Romer, D. H. (2010). The Macroeconomic Effects of Tax Changes: Estimates Based on a New Measure of Fiscal Shocks. *American Economic Review*, 100(3), 763-801.

OECD (2012). Fiscal Consolidation: How Much, How Fast and by What Means? <https://www.oecd-ilibrary.org/>

OECD (2014). Growth Policies and Macroeconomic Stability. [https://www.oecd-ilibrary.org/economics/growth-policies-and-macroeconomic-stability\\_5jz5m5m4jfcv-en](https://www.oecd-ilibrary.org/economics/growth-policies-and-macroeconomic-stability_5jz5m5m4jfcv-en)



## YAKKA TARTIBDA TADBIRKORLIK FAOLIYATI BILAN SHUG'ULLANUVCHI JISMONIY SHAXSLARNI SOLIQQA TORTISHNING AMALDAGI HOLATI TAHLILI

**Bozorov A.O.**

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada mamlakatimizda bugungi kunda tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish borasida amalga oshirilayotgan islohotlar, tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanuvchi jismoniy shaxslar hamda ularni soliqqa tortishga oid adabiyotlar o'rganilgan, shuningdek ushbu maqolada yakka tartibdagi tadbirkorlarni soliqqa tortish xususiyatlari tadqiq etilib, ularni soliqqa tortish amaliyotini takomillashtirish bo'yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** tadbirkor, soliq, tadbirkorlik, yakka tartibdagi tadbirkor, hunarmand, oilaviy tadbirkor, daromad solig'i, aylanmadan olinadigan soliq.

**Аннотация.** В данной статье речь идет об осуществляемых на сегодняшний день в нашей стране реформах по развитию предпринимательской деятельности. Изучена литература по налогообложению физических лиц, занимающихся предпринимательской деятельностью, исследованы особенности налогообложения предпринимателей в индивидуальном порядке, а также разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию практики их налогообложения.

**Ключевые слова:** предприниматель, налоги, предпринимательство, индивидуальный предприниматель, ремесленник, семейный предприниматель, подоходный налог, налог с оборота.

**Abstract.** This article deals with the ongoing reforms in our country to develop entrepreneurial activity. In this paper we studied the literature on the taxation of individuals engaged in entrepreneurial activities, as well as the features of the taxation of entrepreneurs on an individual basis, and developed proposals and recommendations for improving the practice of their taxation.

**Keywords:** entrepreneur, taxes, entrepreneurship, individual entrepreneur, craftsman, family entrepreneur, income tax, turnover tax.

### 1. Kirish.

So'nggi yillarda mamlakatimizda tadbirkorlikni rivojlantirish va biznesni yuritish uchun qulay muhit yaratish, tadbirkorlarning qonuniy manfaatlarini himoya qilishning huquqiy kafolatlarini mustahkamlash sohasida keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda.

Bu borada mamlakatimiz Prezidenti Sh.Mirziyoyevning mamlakatimizni 2020-yil va kelgusi 5 yilda rivojlantirish bo'yicha Oliy Majlisga Murojaatnomasida "Tadbirkorlikni keng rivojlantirish va bu soha uchun yangi sharoitlar yaratishga barcha imkoniyatlarimizni

safarbar etyapmiz” deb ta’kidlaganlari buning yaqqol dalili hisoblanadi.

Respublikada tadbirkorlik faoliyati bilan shug’ullanuvchi jismoniy shaxslarni soliqqa tortishning nazariy va amaliy jihatlarini iqtisodchi olimlar va amaliyotchilar tomonidan soliq tizimining nisbatan kam tadqiq qilingan sohalaridan biri hisoblanadi. Tadqiqot natijalari buning sabablari quyidagilardan iborat ekanligini ko’rsatdi:

jismoniy shaxslarning muayyan faoliyatlari natijasida olgan daromadlarini tadbirkorlik faoliyatidan olingan daromadlar sifatida e’tirof etilishi va ularni soliqqa tortish tizimining yangi bo’lganligi;

tadbirkorlik faoliyati bilan shug’ullanuvchi jismoniy shaxslarni soliqqa tortish tizimi ko’p yillar davomida deyarli o’zgarmaganligi (qat’iy belgilangan soliq stavkalaridan tashqari);

tadbirkorlik faoliyati bilan shug’ullanuvchi jismoniy shaxslar tomonidan to’langan qat’iy belgilangan soliqning davlat byudjeti daromadlari tarkibidagi ulushining kamligi va boshqalar.

Shunga qaramasdan, soliq qonunchiligi va amaliyotida tadbirkorlik faoliyati bilan shug’ullanuvchi jismoniy shaxslarni soliqqa tortishning o’ziga xos tizimi yaratilib, yillar davomida qo’llanilib kelindi. Lekin ularni soliqqa tortishga doir bu yondashuv oxir-oqibat soliqqa tortishning jahon amaliyotida sinalgan tamoyillarini buzilishiga olib keldi. Tadbirkorlik faoliyati bilan shug’ullanuvchi jismoniy shaxslarni soliqqa tortishning soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi qabul qilingunga qadar amalda bo’lgan tizimi o’z oldiga qo’yilgan vazifalarni deyarli bajara olmay qoldi. Natijada, ularni soliqqa tortish tizimini tubdan qayta tashkil qilish zarurati yuzaga keldi.

## **2. Adabiyotlar sharhi.**

Yakka tartibdagi tadbirkorlik faoliyati bilan shug’ullanuvchi jismoniy shaxslarni soliqqa tortish bilan bog’liq bo’lgan masalalar ko’plab xorijlik va mahalliy iqtisodchi olimlar tomonidan tadqiq etilgan bo’lib ularning ayrimlariga e’tibor qaratishni lozim topdik.

Iqtisodchi olim Ya.Yu.Mitryushkin (2002) yakka tartibdagi tadbirkorlar jismoniy shaxslar faoliyatini soliqqa tortishni tadqiq etib, “Soddalashtirilgan soliq tizimining mukammal emasligini, patent narxi yakka tartibdagi tadbirkor uchun belgilangan barcha soliqlar yig’indisining o’rnini bosmasligi, faqatgina daromad solig’ini to’lash o’rnini bosishini, bu holat soliqqa tortishning zamonaviy xorijiy tajribasi va tadbirkorlik faoliyatidan olinadigan daromadlarni soliqqa tortish tamoyillariga to’g’ri kelmasligini qayd etgan”.

Rus iqtisodchi olimi I.L.Zolotereva (2007) o’z tadqiqotlarida “yakka tartibdagi tadbirkorlar daromadlarini soliqqa tortishni tadqiq etib, soliqlarni tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish ta’siriga baho bergan va soliqlar vositasida ularni rag’batlantirish zarurligini ta’kidlaydi”.

Iqtisodchi olim S.R.Shaxbanova (2014) tadqiqot ishlarida “Yakka tartibdagi tadbirkorlarni soliqlar vositasida tartibga solish mexanizmini, ularni soliqqa tortishda muqobil soliq rejimlarini ilmiy-metodologik jihatlarini tadqiq etib, afzalliklari va kamchiliklarini ko’rsatib bergan”.

Jismoniy shaxslarning tadbirkorlik faoliyati va ularni soliqqa tortishga doir xorij iqtisodchilari fikr-mulohazalarining tahlili shuni ko’rsatmoqdaki, bu borada bir biriga o’xshash tizim va yondashuv mavjud emas.

Mahalliy iqtisodchi olimlarning tadbirkorlik faoliyati bilan shug’ullanuvchi jismoniy shaxslarni soliqqa tortishga oid tadqiqotlariga to’xtaladigan bo’lsak:

tadbirkorlik faoliyati bilan shug’ullanuvchi jismoniy shaxslarni soliqqa tortish bo’yicha iqtisodchi olim Sh.X.Dusiyarov (2022) tomonidan:

- aholini tadbirkorlik faoliyatiga yanada keng jalb qilish va qonuniy mehnat faoliyatini amalga oshirish uchun qo’shimcha shart-sharoitlarni yaratish maqsadida o’zini o’zi band

qilgan shaxslar shug'ullanishi mumkin bo'lgan faoliyat (ishlar, xizmatlar) turlarini ishlab chiqish hamda soliqqa tortishni soddalashtirish;

- bir nechta faoliyat turi bilan shug'ullanuvchi yakka tartibdagi tadbirkorlik subyekti har bir faoliyat turi uchun alohida-alohida qat'iy belgilangan miqdordagi soliqni to'lashi, faoliyat bilan ikki va undan ortiq aholi punktlarida shug'ullanganida esa, faoliyat amalga oshirilgan joy uchun o'rnatilgan soliqni to'lash masalasi;

- tadbirkorlik faoliyatini amalga oshiruvchi nogironligi bo'lgan shaxslarni soliqqa tortish mexanizmini takomillashtirish bo'yicha tadqiqotlar olib borilgan.

Iqtisodchi olim J.Urmonov (2018) tadbirkorlik subyektlari faoliyatini soliq mexanizmi vositasida tartibga solish masalalarini tadqiq etib, "Ta'lim muassasalari bitiruvchilarini tadbirkorlikka keng jalb etish maqsadida, yakka tartibda tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanuvchi tadbirkorlarga xodimlarni shartnoma asosida ishga yollash huquqini berish va ularga soliqlarni to'lashda imtiyozlar joriy etish"ni taklif etgan.

Iqtisodchi olim I.Niyazmetov o'z tadqiqotlarida qat'iy belgilangan soliq bo'yicha quyidagi fikrlarni keltirib o'tgan: "Daromadni soliqqa tortishning progressiv mexanizmi faqat yollanib ishlovchilarga amal qiladi. Ya'ni, bunday fuqarolar daromadi ko'paygani sayin soliq yuki ortib boradi. Yakka tartibdagi tadbirkorlar daromadini soliqqa tortish va qat'iy belgilangan soliq hisobiga regressiv tus olib, ularning daromadi qanchalik ko'payib borsa, soliq yuki shunchalik kamayib boradi".

O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksining (2024) 31-moddasida yakka tartibdagi tadbirkor tushunchasiga quyidagicha ta'rif berilgan. "Belgilangan tartibda ro'yxatdan o'tgan va yuridik shaxs tashkil etmagan holda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshiradigan jismoniy shaxs yakka tartibdagi tadbirkor hisoblanadi".

Mamlakatimiz Prezidenti tashabbusi bilan aholining bandligini ta'minlash, ularni tadbirkorlik faoliyatiga jalb qilish maqsadida fuqarolarning o'zini o'zi band qilishi ularning faoliyat yo'nalishlari qonunchilikda belgilandi (Qaror, 2018).

### **3. Tadqiqot metodologiyasi.**

Ushbu maqolada O'zbekiston va xorijiy mamlakatlar iqtisodchi olimlarining tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanuvchi jismoniy shaxslarni soliqqa tortish bo'yicha ilmiy asarlari hamda fikr mulohazalari o'rganilgan. Tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanuvchi jismoniy shaxslarni soliqqa tortishning yaxlit xususiyatlari hamda yakka tartibdagi tadbirkorlar tomonidan qat'iy belgilangan miqdorda daromad solig'ini to'lashga xos bo'lgan holatlar tadqiq etilgan. Bundan tashqari, tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanuvchi jismoniy shaxslarga ta'rif berilishida hamda kelgusi davr uchun tegishli taklif va tavsiyalar ishlab chiqilishi bo'yicha tadqiqotlar olib borilgan.

### **4. Tahlil va natijalar.**

Jahon tajribasidan ma'lumki, mamlakatda tadbirkorlik subyektlari faoliyati taraqqiy etishi uchun soliqlar dastagidan oqilona foydalanish muhim hisoblanadi.

Soliq tizimida u yoki bu soliqlardan samarali foydalanish uchun ularning hozirgi kundagi ahamiyatini, soliqlar turkumlanishini kengroq o'rganish maqsadga muvofiqdir. Shu o'rinda yuridik shaxs maqomiga ega bo'lmagan yakka tartibdagi tadbirkorlarning tadbirkorlik faoliyatidan olingan daromadlarini soliqqa tortish masalalarini tadqiq etish va ushbu subyektlar faoliyatini soliqlar ta'sirida rivojlantirish ahamiyatlidir.

Soliq qonunchiligida belgilangan o'zgarish va qo'shimchalardan kelib chiqqan holda yakka tartibdagi tadbirkor (YaTT) lar quyidagi tartiblar bo'yicha soliqlarni to'laydi:

I. Tovarlar (xizmatlar) realizatsiyasidan daromadi kalendar yilida yuz million so'mdan oshmaydigan yakka tartibdagi tadbirkorlar olgan daromadlari bo'yicha daromad solig'ini qat'iy belgilangan summada yoki soliq organiga deklaratsiya taqdim etish yo'li



bilan jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'ini (12 % stavkada) to'lashni tanlashi mumkin.

Ya'ni, endi yakka tartibdagi tadbirkor tadbirkorlik faoliyatidan daromad olsa yoki olmasa ham bir xil summadagi qat'iy belgilangan soliqni to'lamasdan haqiqiy olgan daromadi miqdoridan kelib chiqib, soliq organiga deklaratsiya topshirish orqali daromad solig'ini to'lashi mumkin.

II. Soliq davrida tovarlarni (xizmatlarni) realizatsiya qilishdan olingan daromadi yuz million so'mdan oshgan, lekin bir milliard so'mgacha bo'lgan yakka tartibdagi tadbirkorlar aylanmadan olinadigan soliqni to'laydi.

Yakka tartibdagi tadbirkor ixtiyoriy ravishda foyda solig'i va qo'shilgan qiymat solig'i (QQS)ni to'lashga o'tishga haqli. QQS va foyda solig'ini to'lashga ixtiyoriy ravishda o'tgan YaTTlar, joriy soliq davri yakunlari bo'yicha tovarlarni (xizmatlarni) realizatsiya qilishdan olgan jami daromadlari **1 mlrd. so'mdan** oshmagan bo'lsa, aylanmadan olinadigan soliqni to'lashga kamida 12 oydan keyin qayta o'tishga haqli.

III. Soliq davri davomida tovarlarni (xizmatlarni) realizatsiya qilishdan olgan jami daromadi **1 mlrd. so'mdan** oshgan YaTT lar, shu jumladan yangi ro'yxatdan o'tgan YaTT lar bunday oshish ro'y bergan oydan keyingi oyning 1-sanasidan boshlab QQS va foyda solig'ini to'lashga o'tadi.

Shuni alohida ta'kidlash mumkinki, soliq qonunchiligiga asosan yakka tartibdagi tadbirkorlar deklaratsiya asosida daromad solig'ini ham to'lashi mumkin. **Deklaratsiya asosida daromad solig'ini to'lash** - daromad olsa yoki olmasa ham bir xil summadagi qat'iy belgilangan soliqni to'lamasdan haqiqiy olgan daromadi miqdoridan kelib chiqib, xarajatlarini chegirgan holda soliqlarini to'lashdir.

**1-javdal**

**Tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanuvchi jismoniy shaxslarni soliqqa tortishning yaxlit xususiyatlari**

T/r	Realizatsiya tushumlari miqdori	Soliq turi	Soliq stavkasi	Soliqlarni to'lash tartibi
1.	100 mln. so'mgacha	Daromad solig'i	12 % <i>yoki</i> qat'iy miqdordagi summada	Soliqlarni yillik daromadi to'g'risidagi deklaratsiya asosida <i>yoki</i> qat'iy belgilangan miqdordagi summada to'lashni tanlashi mumkin.
2.	100 mln. so'mdan 1 mlrd. so'mgacha	Aylanmadan soliq <i>yoki</i> QQS va Foyda solig'i	4 % <i>yoki</i> 15 %	100 mln.so'mdan oshgan summadan aylanmadan soliqni to'lashga o'tadi <i>yoki</i> QQS va foyda solig'ini to'lashga ixtiyoriy o'tishi mumkin
3.	1 mlrd. so'mdan ortiq	QQS va Foyda solig'i	15 %	QQS va foyda solig'ini to'lashga o'tadi <i>yoki</i> foyda solig'ini soddalashtirilgan tartibda to'lashni tanlashi mumkin.

Yuqorida ta'kidlanganidek 2020-yildan boshlab YaTT lar deklaratsiya asosida jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'ini to'lashlari mumkin.

Yakka tartibdagi tadbirkorlar tomonidan qat'iy belgilangan miqdorda jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'ini to'lash xususiyatlariga e'tibor qaratadigan bo'lsak (2-jadval).

**2-jadval.**

**Yakka tartibdagi tadbirkorlar tomonidan qat'iy belgilangan miqdorda daromad solig'ini to'lash xususiyatlari<sup>1</sup>:**

<b>№</b>	<b>Yakka tartibdagi tadbirkor:</b>	<b>Soliq to'lanadi:</b>
1.	Bir nechta faoliyat turi bilan shug'ullangan taqdirda	Har bir faoliyat turi uchun alohida-alohida
2.	Davlat ro'yxatidan o'tkazilmagan joyda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirgan taqdirda	Ikkita stavkadan eng yuqori stavka bo'yicha: - ro'yxatdan o'tkazilgan joyda; - faoliyatni haqiqatda amalga oshirayotgan joyda
3.	I yoki II guruh nogironi bo'lgan taqdirda	Faoliyat turi va uni amalga oshirish joyidan qat'iy nazar, qat'iy belgilangan summaning 50 % ini, biroq bazaviy hisoblash miqdorining 50 % zidan ko'p bo'lmagan miqdorda amalda to'laydi
4.	Hunarmandchilik faoliyati mahsulotlari (tovarlar, xizmatlar)ni ishlab chiqarish va realizatsiya qilish bilan shug'ullangan taqdirda ("Hunarmand" uyushmasi a'zosi bo'lganda)	Mazkur faoliyat turi bo'yicha soliq to'lamaydi
5.	Mol-mulki ijaraga berganda	Soliq kodeksining 380-moddasiga asosan soliq imtiyozlari va ularni qo'llash tartibini inobatga olgan holda 12% stavka bo'yicha jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i

Yakka tartibdagi tadbirkorlar tomonidan qat'iy belgilangan miqdorda jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i shakllangan daromad manbaiga qarab undiriladi.

Yakka tartibdagi tadbirkorlikning boshqa daromad turlari bo'yicha: alohida hisob yuritiladi va jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i jami yillik daromadlar to'g'risidagi deklaratsiya asosida belgilangan. Mamlakatimiz qonunchiligiga ko'ra tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanuvchi jismoniy shaxslar bir vaqtning o'zida bir nechta faoliyat turi bilan shug'ullanishi mumkin.

Xalqaro amaliyotdan ma'lumki, mamlakatda tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish uchun o'sha faoliyat subyektlariga yengilliklar va faoliyati uchun shart-sharoitlar yaratib berilishi lozim. Bu borada mamlakatimizda tadbirkorlik, jumladan yakka tartibdagi tadbirkorlik faoliyatini yanada rivojlantirish maqsadida soliqlardan ko'pgina imtiyoz va yengilliklar belgilangan (3-jadval).

**3-jadval**

**Tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanuvchi jismoniy shaxslardan olinadigan soliqlar bo'yicha imtiyozlar**

<b>t/r</b>	<b>Tadbirkorlar toifasi</b>	<b>Imtiyoz turi</b>	<b>Imtiyoz qo'llanishi uchun asos</b>
<b>I. Qat'iy belgilangan miqdordagi soliq bo'yicha</b>			
1.	Yangi davlat ro'yxatidan o'tgan yakka tartibdagi tadbirkor (YaTT)	Yakka tartibdagi tadbirkor qat'iy belgilangan miqdorda soliq to'lashni u tadbirkorlik subyekti sifatida davlat ro'yxatidan o'tkazilgan oydan yoki yakka tartibdagi tadbirkor yoxud oilaviy tadbirkorlik subyekti bilan mehnat shartnomasi tuzilgan oydan keyingi oydan e'tiboran amalga oshiradi.	O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksining 392-moddasi
2.	"Hunarmand" uyushmasining a'zosi bo'lgan YaTT	"Hunarmand" uyushmasining a'zolari hunarmandchilik faoliyati mahsulotlarini (tovar, ish, xizmatlarni) ishlab chiqarish va sotishda qat'iy belgilangan soliqdan ozod etiladi.	O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 17 noyabrda PF-5242-son Farmoni
3.	I va II guruh nogironi bo'lgan	Faoliyat ko'rsatish turi va uni amalga oshirish joyidan qat'iy nazar I va II guruh nogironligi bo'lgan	O'zbekiston Respublikasi

<sup>1</sup> O'zbekiston Respublikasi Soliq qonunchiligi me'yoriy-huquqiy hujjatlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan.

	YaTT	shaxs hisoblangan yakka tartibdagi tadbirkorlar qat'iy belgilangan miqdordagi soliqni bazaviy hisoblash miqdorining 50 foizi miqdorida to'laydi.	Prezidentining 2017-yil 1 dekabrda PF-5270-son Farmoni
4.	Sartaroshlik, tikuvchilik, hammom, poyabzal ta'mirlash xizmatlarini ko'rsatuvchi YaTT	Qishloq tumanlarida, (bundan aholi soni 5 ming kishidan ko'p bo'lgan aholi punktlari mustasno) sartaroshxona xizmatlarini, yakka tartibdagi buyurtmalar bo'yicha kiyim tikish xizmatlarini, poyabzal ta'mirlash xizmatlarini ko'rsatish bo'yicha faoliyatni, jamoat hammomlarini tashkil etgan yakka tartibdagi tadbirkorlar 2023-yil 1-iyulgacha barcha turdagi soliqlarni to'lashdan ozod etilgan.	O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 14-iyuldagi PQ-3856-son qarori Qarori
5.	Ayrim hududlarda faoliyat yurituvchi YaTT	Qoraqalpog'iston Respublikasining Mo'ynoq tumanida davlat ro'yxatidan o'tgan va faoliyat yuritayotgan yakka tartibdagi tadbirkorlar 2027-yilning 1-yanvariga qadar qat'iy belgilangan miqdordagi soliqni to'lashdan ozod etilgan.	O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 28 fevraldagi PQ-2803-son qarori
6.	Ayrim hududlarda faoliyat yurituvchi YaTT	Navoiy viloyatining Tomdi, Uchquduq, Konimex tumanlari, Nurota tumanidagi Deqibaland, Sentob, Temirkovuk, Qizilcha, Gum va Choya aholi punktlari hamda Zarafshon shahri hududida ro'yxatga olingan va faoliyat yuritayotgan yakka tartibdagi tadbirkorlar qat'iy belgilangan miqdordagi soliq to'lashdan 2028-yilning 1-yanvariga qadar ozod etilgan.	O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 29 sentyabrdagi PQ-3301-son qarori
7.	Maktabgacha ta'lim muassasasini tashkil etgan YaTT	Maktabgacha ta'lim nodavlat muassasasini tashkil etgan yakka tartibdagi tadbirkor o'z faoliyatini amalga oshira boshlaganidan keyin 10 yil mobaynida barcha turdagi soliqlar va majburiy ajratmalar to'lashdan ozod qilinadi.	O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 5-apreldagi PQ-3651-son qarori
8.	Ayrim hududlarda faoliyat yurituvchi YaTT	Qoraqalpog'iston Respublikasida sharoiti og'ir 45 ta mahalla va ovulda yangidan tashkil etiladigan xizmat ko'rsatish yo'nalishidagi tadbirkorlik subyektlari 2026-yil 1-yanvarga qadar, yakka tartibdagi tadbirkorlarning qat'iy miqdordagi daromad solig'ini to'lashdan ozod qilinadi;	O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 11 noyabrdagi PQ-4889-son qarori
10.	Ayrim hududlarda faoliyat yurituvchi YaTT	Farg'ona viloyatining So'x tumani, Rishton tumanining Cho'ng'ara mahallasi, shuningdek Farg'ona tumanining Shohimardon, Yordon mahallalari va Hosilot mahallasining Toshtepa - 2 ko'chasida faoliyatini amalga oshirayotgan soliq to'lovchilar uchun qat'iy belgilangan miqdordagi jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i har chorakda yigirma besh ming so'm miqdorida to'lanadi.	Soliq kodeksining 480-1-moddasi
<b>II. Deklaratsiya asosidagi daromad solig'i bo'yicha</b>			
12.	Deklaratsiya asosida daromad solig'ini to'lovchi YaTT	Soliqni jami yillik daromadi to'g'risidagi deklaratsiya asosida to'lovchi yakka tartibdagi tadbirkorlarga O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksining 378 va 380-moddalarida belgilangan imtiyozlar qo'llaniladi.	O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksining 378 va 380-moddalari
<b>III. Aylanmadan olinadigan soliq bo'yicha</b>			
13.	Milliy katalog va Reestrda kiritilgan hunarmandlar	2023-yil 1-yanvarga qadar Milliy katalog va Reestrda kiritilgan hunarmandlar uchun kalendar yili davomida hunarmandchilik mahsulotlarini (ishlar, xizmatlar) sotishdan tushgan tushumi 100 mln.so'mdan oshgan, biroq 1 mlrd.so'mdan ko'p bo'lmagan miqdori uchun yakka tartibdagi tadbirkorlar tomonidan aylanmadan olinadigan soliq (avvalgi yagona soliq to'lovi) stavkasi 2 foiz miqdorida to'lanadi.	O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 28-noyabrdagi PQ-4539-son qarori


IV. Ijtimoiy soliq bo'yicha			
14.	Yangi davlat ro'yxatidan o'tgan YaTT	Yangi ro'yxatdan o'tgan yakka tartibdagi tadbirkorlar (shuningdek, oilaviy tadbirkorlik subyekti azolari) tomonidan ijtimoiy soliqni to'lash ular yakka tartibdagi tadbirkor sifatida davlat ro'yxatidan o'tkazilgan oydan keyingi oydan etiboran amalga oshiriladi.	O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksining 408- moddasi
15.	Nafaqaxo'r, I va II guruh nogironligi bo'lgan YaTT	Yoshga doir pensiya olish huquqiga ega bo'lgan shaxslar, shuningdek I va II guruh nogironligi bo'lgan shaxslar uchun ijtimoiy soliq miqdori uning belgilangan eng kam miqdorining kamida 50 foizini tashkil etishi kerak.	
16.	"Hunarmand" uyushmasining a'zosi bo'lgan YaTT	Yoshga doir pensiya va nafaqa oluvchi hunarmandchilik faoliyati subyektlari bo'lgan "Hunarmand" uyushmasining a'zolari ijtimoiy soliq to'lashdan ozod etiladi.	
17.	"Hunarmand" uyushmasining a'zosi bo'lgan YaTT	Hunarmandchilik faoliyati subyektlari bo'lgan "Hunarmand" uyushmasining azolari yiliga bir marta ijtimoiy soliqni bazaviy hisoblash miqdorida to'laydi	
18.	Ayrim hududlarda faoliyat yurituvchi YaTT	Farg'ona viloyatining So'x tumani, Rishton tumanining Cho'ng'ara mahallasi, shuningdek Farg'ona tumanining Shohimardon, Yordon mahallalari va Hosilot mahallasining Toshtepa - 2 ko'chasida faoliyatini amalga oshirayotgan yakka tartibdagi tadbirkorlar uchun — yiliga bazaviy hisoblash miqdorining kamida bir baravari miqdorida.	Soliq kodeksining 480-2-moddasi

Bir nechta faoliyat turi bilan shug'ullanuvchi har xil hududdagi yakka tartibdagi tadbirkorlar va ularga soliq stavkasining yuqori stavkasi qo'llanilishi natijasida undirilgan soliq summasi bo'yicha tahliliy ma'lumotlarni quyidagi rasm orqali ko'rishimiz mumkin (1-rasm).

1-rasm ma'lumotlaridan ko'rish mumkinki, mamlakatimizda bir vaqtning o'zida bir nechta faoliyat turi bilan shug'ullanuvchi har xil hududdagi YaTT lar soni va ularga nisbatan hisoblangan soliq miqdori kamayish tendensiyasiga ega. Jumladan, 2016-yilda mazkur toifadagi soliq to'lovchilar soni 29 063 tani tashkil etib, ular tomonidan to'langan qat'iy belgilangan soliq 8 008,4 mln. so'mni tashkil etgan bo'lsa, bu ko'rsatkich 2019-yilda 24 804 taga 7 608,0 mln. so'mni, 2020-yilda 23 160 taga 7 376,3 mln. so'mni, 2021-yilda 21 866 taga 7 060,3 mln. so'mni hamda 2022-yilda 11 232 taga 5 638,3 mln. so'mni tashkil etgan. Soliq qonunchiligiga ko'ra ikki va undan ortiq faoliyat turlari bilan har xil hududda faoliyat ko'rsatuvchi YaTTlar sonining kamayish sabablaridan biri ushbu shaxslarga soliq stavkasining yuqori miqdori bilan undirilish tartibi belgilanganligidir.

Tahliliy raqamlardan anglash mumkinki, 2022-yilda ikki va undan ortiq, ya'ni bir nechta faoliyat turi bilan shug'ullanuvchi har xil hududdagi YaTTlar 2021-yildagiga nisbatan deyarli ikki barobar kamayib ketgan. Ushbu holatni 2022-yildan amaliyotga joriy qilingan yangi tahrirdagi Soliq kodeksi talablari doirasida tadbirkorlik subyektlarini soliqqa tortish rejimlaridagi o'zgarishlar bilan asoslash mumkin.

Har xil hududlarda faoliyatini amalga oshiruvchi YaTTlarning eng yuqori ko'rsatkichi Toshkent shahri va Farg'ona viloyatiga to'g'ri kelmoqda. Ushbu holatni mazkur hududda infratuzilmaning yaxshi ta'minlanganligi aholi sonining ko'pligi bilan izohlash mumkin.



**1-rasm. Bir nechta faoliyat turi bilan shug'ullanuvchi har xil hududdagi YaTT lar va ularga yuqori stavkani qo'llanilishi natijasida undirilgan soliq summasi<sup>2</sup> (mln.so'm).**

<sup>2</sup> O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo'mitasi ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan.


Amaldagi qonunchilikka ya'ni O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksining 383-moddasiga asosan keltirilgan soliq stavkalariga izohlar qismida belgilangan me'yorlarga ko'ra yakka tartibdagi tadbirkor faoliyat bilan ikki va undan ortiq aholi punktlarida shug'ullanganida, ushbu aholi punktlari uchun o'rnatilgan yuqori stavkada soliq to'lanadi. Misol uchun, yakka tartibdagi tadbirkor Surxondaryo viloyatida davlat ro'yxatidan o'tib Toshkent shahrida faoliyat ko'rsatsa Toshkent shahrida qo'llaniladigan soliq stavkasi bo'yicha, aksincha Toshkent shahrida davlat ro'yxatidan o'tgan yakka tartibdagi tadbirkor Surxondaryo viloyatida tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirsa ham Toshkent shahrida qo'llaniladigan soliq stavkasi qo'llaniladi. Fikrimizchi ushbu holatda viloyatlardan Toshkent shahriga kelib faoliyat ko'rsatayotgan yakka tartibdagi tadbirkorga Toshkent shahrining soliq stavkasi qo'llanilishi adolatli, lekin teskari holatda Toshkent shahridan viloyatlarga borib tadbirkorlik faoliyatini amalga oshiruvchi yakka tartibdagi tadbirkorga Toshkent shahrida qo'llaniladigan soliq stavkasi tatbiq qilinishi adolatlilik prinsipiga muvofiq deyish qiyinroq.

Ushbu holatga yakka tartibdagi tadbirkorlikni yanada rivojlantirishga qulay shart-sharoitlar yaratish maqsadida, soliq qonunchiligiga yakka tartibdagi tadbirkor tomonidan qat'iy belgilangan soliqni faoliyat amalga oshirilgan joy uchun belgilangan stavkalari bo'yicha to'lash tartibini qo'llashga qaratilgan tegishli o'zgartirish kiritish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Ma'lumki, xalqaro amaliyotda ham mamlakatimizda ham ijtimoiy ahamiyatga ega bo'lgan soliq imtiyozlari keng qo'llaniladi. Shuni inobatga olgan holda qat'iy belgilangan daromad solig'i bo'yicha nogironligi bo'lgan yakka tartibdagi tadbirkorlarga pasaytiruvchi soliq stavkalarini qo'llash nazarda tutilgan.

Soliq qonunchiligiga asosan, yakka tartibdagi tadbirkorlar I yoki II guruh nogironligi bo'lgan shaxs hisoblanganida faoliyat turidan va uni amalga oshirish joyidan qat'iy nazar, oyiga qat'iy belgilangan miqdordagi soliqning 50 foizini, biroq bazaviy hisoblash miqdorining 50 foizidan ko'p bo'lmagan miqdorda to'laydi (Kodeks, 2024).

Nogironligi bo'lgan yakka tartibdagi tadbirkorlar va ularga qat'iy belgilangan daromad solig'i bo'yicha qo'llanilgan imtiyoz summasi to'g'risidagi ma'lumotlarni quyidagi rasm orqali tahlil qilishimiz mumkin (2-rasm).



**2-rasm. Nogironligi bo'lgan YaTTlar va ularga qat'iy belgilangan soliq bo'yicha qo'llanilgan imtiyoz summasi dinamikasi<sup>3</sup> (mln.so'm).**

<sup>3</sup> O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasi ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan.

Yuqoridagi 2-rasm ma'lumotlaridan ko'rish mumkinki, Nogironligi bo'lgan yakka tartibdagi tadbirkorlar soni 3791 nafarni tashkil etib keyingi yillarda ortish tendensiyasiga ega. Ya'ni 2020-yil yakunlariga ko'ra 20 088 nafar yakka tartibdagi tadbirkorlarga imtiyoz qo'llanilib 2016-yildagiga nisbatan 5,3 barobar ko'paygan. Tadbirkorlik subyektlari faoliyatiga nisbatan qo'llanilgan soliq imtiyozi summasiga e'tibor qaratsak, ushbu ko'rsatkich ham imtiyozlan foydalanuvchilar soniga to'g'ri proorsional ravishda ortish ko'rsatkichiga ega. Qo'llanilgan soliq imtiyozi summasi 2016-yilda 3791 nafar tadbirkorlik subyektiga nisbatan 5 676,7 mln. so'mni tashkil etgan bo'lsa, bu ko'rsatkich 2020-yilda 20088 nafar tadbirkorga nisbatan 30 011,3 mln. so'mni tashkil qilgan. Hisob-kitoblar natijasiga ko'rsa subyektlar soni va ularga qo'llanilgan imtiyoz summasidagi tafovutga qaramasdan 2016-yilda ham 2020-yilda ham bir nafar tadbirkorga nisbatan o'rtacha 1,5 mln. so'mga to'g'ri kelgan.

Tahliliy ko'rsatkichlar 2020-yilda keskin ortib ketgan, ya'ni 2019-yildagiga nisbatan o'rtacha 3 barobarga ko'paygan. Ushbu o'zgarish holatni yildan-yilga soliq to'lovchilarning huquqiy ongi rivojlanishi hamda soliq qonunchiligining takomillashuvi ya'ni ushbu me'yorlarning bevosita Soliq kodeksiga kiritilishi natijasida soliq stavkalari kamroq qo'llaniladigan hududlar ya'ni viloyatlar va tumanlarda faoliyat ko'rsatuvchi tadbirkorlik subyektlari sonining ortib ketishi bilan izohlash mumkin.

## **5. Xulosa.**

Bugungi kunda tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanuvchi jismoniy shaxslarni soliqqa tortish borasida ko'pgina ijobiy islohotlar amalga oshirilishi bilan bir qatorda ushbu sohada e'tibor qaratilishi lozim bo'lgan quyidagi holatlarni kuzatishimiz mumkin:

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yildagi PF-5270-sonli Farmoni [3]ga asosan, 2018-yil 1-yanvardan boshlab faoliyat ko'rsatish turi va uni amalga oshirish joyidan qat'i nazar I va II guruh nogironligi bo'lgan shaxs hisoblangan yakka tartibdagi tadbirkorlar uchun bir oyda bazaviy hisoblash miqdorining 50 foizi miqdorida qat'iy belgilangan soliq stavkasi qo'llanilishi belgilangan. Vaholangki, qonunchilikka muvofiq maishiy xizmatlar va boshqa ayrim faoliyat turlari bilan shug'ullanuvchi yakka tartibdagi tadbirkorlar 50 000 so'm ya'ni bazaviy hisoblash miqdorining 50 foizidan kam soliq stavkasi qo'llanilishi belgilanganligi mantiqan salbiy holat hisoblanadi. Fikrimizcha ushbu me'yorni I va II guruh nogironligi bo'lgan shaxs hisoblangan yakka tartibdagi tadbirkorlar faoliyat turiga va faoliyat joyiga nisbatan qo'llaniladigan soliq stavkasining 50 foizi miqdorida qat'iy belgilangan soliq to'lashi tarzida o'zgartirish ijobiy hisoblanadi.

Shu bilan birgalikda mazkur hujjatga asosan, yakka tartibdagi tadbirkor tomonidan I va II guruh nogironligi bo'lgan shaxslar hisobidan ishga yollangan har bir ishchi uchun — bir oyda eng kam ish haqining 15 foizi miqdorida qat'iy belgilangan soliq stavkasi qo'llanilishi belgilangan. Vaholangki, bugungi kunda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 14-iyuldagi PQ-3856-son qarorining 7-bandi 2-xatboshiga muvofiq 2018-yil 1-avgustdan boshlab yakka tartibdagi tadbirkorlar tomonidan yollangan barcha ishchi qat'iy belgilangan soliqni to'lashdan ozod qilingan.

Demak, yuqoridagi holatlar O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 1-dekabrda PF-5270-sonli Farmoniga tegishli o'zgartirish kiritish ya'ni O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 14-iyuldagi PQ-3856-son hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining 2021-yil 22-noyabrda 707-sonli qarorlari bilan muvofiqlashtirish lozimligini taqazo etadi.

Bugungi kunda elektron dasturlar, jumladan telegram dasturi orqali har xil guruhlarini shakllantirgan holda tovarlar savdosini yo'lga qo'yib xufyona daromad olayotgan norasmiy tadbirkorlik subyektlarini soliqqa tortishning aniq mexanizmi mavjud emas. Kelgusida shunday faoliyatni amalga oshirayotgan tadbirkorlik subyektlarining

daromadlarini qonuniylashtirish va soliqqa tortish mexanizmini ishlab chiqish fikrimizcha o'zining ijobiy natijasini beradi.

Amaldagi qonunchilikka ko'ra yakka tartibdagi tadbirkor faoliyatini amalga oshiradigan joy uchun qat'iy belgilangan soliq stavkalari davlat ro'yxatidan o'tkazilgan joy uchun belgilangan stavkalardan farq qilsa, qat'iy belgilangan soliq eng yuqori stavka bo'yicha to'lanadi. Misol uchun, yakka tartibdagi tadbirkor Qashqadaryo viloyatida davlat ro'yxatidan o'tib Toshkent shahrida faoliyat ko'rsatsa Toshkent shahrida qo'llaniladigan soliq stavkasi bo'yicha, aksincha Toshkent shahrida davlat ro'yxatidan o'tgan yakka tartibdagi tadbirkor Qashqadaryo viloyatida tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirsa ham Toshkent shahrida qo'llaniladigan soliq stavkasi qo'llaniladi. Fikrimizchi ushbu holatda viloyatlardan Toshkent shahriga kelib faoliyat ko'rsatayotgan yakka tartibdagi tadbirkorga Toshkent shahrining soliq stavkasi qo'llanilishi adolatli, lekin teskari holatda Toshkent shahridan viloyatlarga borib tadbirkorlik faoliyatini amalga oshiruvchi yakka tartibdagi tadbirkorga Toshkent shahrida qo'llaniladigan soliq stavkasi tatbiq qilinishi adolatlilik prinsipiga muvofiq deyish qiyinroq.

Ushbu holatga yakka tartibdagi tadbirkorlikni yanada rivojlantirishga qulay shart-sharoitlar yaratish maqsadida, soliq qonunchiligiga tegishli o'zgartirish kiritib yakka tartibdagi tadbirkor tomonidan qat'iy belgilangan soliqni faoliyat amalga oshirilgan joy uchun belgilangan stavkalari bo'yicha to'lanish tartibini joriy qilish maqsadga muvofiq bo'ladi.

#### **Adabiyotlar:**

Dusiyarov Sh.X. (2022) "Kichik tadbirkorlik subyektlarini soliqqa tortish mexanizmini takomillashtirish" mavzusida iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiya ishi avtoreferati. 5-b. Toshkent.

Farmon (2017) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 1-dekabrda "Nogironligi bo'lgan shaxslarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5270-sonli.

Farmon (2017) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 2017-yil 17-noyabrda "Hunarmandchilikni yanada rivojlantirish va hunarmandlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5242-son.

Kodeks (2024) O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksi. Adolat: T.:

Murojaatnoma (2020) O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning Oliy Majlisga yo'llagan Murojaatnomasi (29.12.2020-yil).

Niyazmetov I.M. (2018) Soliqqa tortish mexanizmlarini takomillashtirish orqali soliq tizimi barqarorligini ta'minlash. Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati. -T.: BMA, - 20 b.

Urmonov J.J. (2018) Tadbirkorlik subyektlari faoliyatini soliq mexanizmi vositasida tartibga solishni takomillashtirish masalalari: iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati. -T.: BMA, - 70 b.

Qaror (2020) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 11-noyabrda "2020-2023-yillarda Qoraqalpog'iston Respublikasini kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4889-son.

Qaror (2019) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 28-noyabrda "Hunarmandchilikni yanada rivojlantirish va hunarmandlarni qo'llab-quvvatlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4539-son.

Qaror (2018) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 14-iyulda "Aholi bandligini ta'minlash borasidagi ishlarni takomillashtirish va samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3856-son.



Qaror (2018) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 5-apreldagi "Maktabgacha ta'lim tizimini yanada rag'batlantirish va rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3651-son.

Qaror (2017) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 29-sentyabrdagi "Navoiy viloyatining Tomdi, Uchquduq, Konimex, Nurota tumanlari va Zarafshon shahrini kompleks rivojlantirish hamda aholisi bandligini ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-3301-son qarori.

Qaror (2017) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 28-fevraldagi "2017-2018-yillarda Qoraqalpog'iston Respublikasi Mo'ynoq tumani iqtisodiyotini rivojlantirish va aholini ish bilan ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-2803-son.

Зотиков Н.З. (2020) Особенности налогообложения физических лиц в Германии. //Вестник Евразийской науки, №4, <https://esj.today/PDF/61ECVN420.pdf>

Митрюшкин Я.Ю. (2002) Совершенствование налогообложения индивидуальных предпринимателей в РФ. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва.

Шахбанова С.Р. (2014) Совершенствование механизма налогового регулирования индивидуального предпринимательства. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. - Махачкала.



#### XARIDORLAR BILAN SHARTNOMALAR BO'YICHA TUSHUMLARNING BUXGALTERIYA HISOBINI MUHIM JIHLTLARI

**Nurullayeva M.M., Pardaeva Z.A.**

Toshkent davlat iqtisodiyot Universiteti

**Annotatsiya.** Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari (MHXS)ning tatbiq etilishi hisobning yagona usularini qo'llash orqali kompaniyalarni ichki boshqaruv tizimini takomillashtirish, maanfaatdor tomonlarga korxonaning moliyaviy holati to'g'risida malumot berish va kompaniyaning raqobatbardoshligini oshirish imkonini beradi. Shu bois, mamlakatimizda 15-son MHXSning qo'llanilishi yuzasidan uslubiy tartib qoidalarni ishlab chiqish dolzarb ahamiyat kasb etadi. Ushbu maqolada tushumni tavsiflashning xalqaro standartlar va xarajatlar to'g'risidagi Nizomga muvofiq yoritilishi o'rtasidagi tafovutl masalalari ko'rib chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** daromadlar, tushumlar, MHXS, tovarlarni sotishdan daromad, odatdagi faoliyatdan olingan asosiy daromadlar, boshqa daromadlar

**Абстрактный.** Внедрение Международных стандартов финансовой отчетности (МСФО) позволяет компаниям совершенствовать внутренние системы управления за счет использования единых методов учета, предоставлять заинтересованным сторонам информацию о финансовом состоянии предприятия, а также повышать конкурентоспособность компании. Поэтому разработка методических указаний по применению МСФО № 15 в нашей стране имеет актуальное значение. В данной статье рассматриваются различия между описанием доходов по международным стандартам и раскрытием расходов согласно Положению.

**Ключевые слова:** доход, выручка, МСФО, выручка от продажи товаров, основной доход от обычной деятельности, прочий доход

**Abstract.** The implementation of International Financial Reporting Standards (IFRS) allows companies to improve their internal management systems through the use of uniform accounting methods, provide stakeholders with information about the financial condition of the enterprise, and increase the competitiveness of the company. Therefore, the development of methodological guidelines for the application of IFRS No. 15 in our country is of urgent importance. This article examines the differences between the description of revenue in accordance with international standards and the disclosure of expenses in accordance with the Regulation on Expenses.

**Keywords:** income, revenue, IFRS, revenue from the sale of goods, basic income from ordinary activities, other income

## **1. Kirish.**

Dunyo mamlakatlari iqtisodiyotining integratsiyalashuvi va mamlakatlar tomonidan faol investitsiya siyosati qo'llanilishi, ishonchli, real va hamma uchun birdek tushunarli bo'lgan moliyaviy axborotlarga bo'lgan talabning yuqoriligini qo'rsatadi. Bugungi kunda kompaniyalarda moliyaviy hisobotlarini Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari (MHXS) asosida tuzishiga obektiv zarurat mavjud. Moliyaviy Hisobotning Xalqaro Standartlari (MHXS)ning tatbiq etilishi hisobning yagona usularini qo'llash orqali kompaniyalarni ichki boshqaruv tizimini takomillashtirish, maanfaatdor tomonlarga korxonaning moliyaviy holati to'g'risida malumot berish va kompaniyaning raqobatbardoshligini oshirish imkonini beradi.

Demak biz buxgalteriya hisobining xalqaro modellarini o'rganar ekanmiz va xalqaro standartlarga o'tar ekanmiz, birinchi navbatda buxgalteriya hisobini to'g'ri tashkil etish aniq belgilab olishimiz kerak bo'ladi.

15-son MHXSning talablariga muvofiq hisob-kitoblarni tashkil etish, moliyaviy hisobotlarda daromadlar va foyda to'g'risida shaffof axborotlarni aks ettirish, xalqaro investorlarga ularga tushunarli bo'lgan vositalarda, ya'ni eng sinalgan va samarali usul hamda uslublar, tan olish va baholash mezonlari, xalqaro qoida va prinsiplardan foydalangan holda kompaniyaning daromadlari, foydasi va uning taqsimoti hamda foydadagi ulushi to'g'risidagi ishonchli, uyg'un va taqqoslanuvchi moliyaviy axborotlarni taqdim etish metodologiyasini joriy etish barcha mamlakatlar, ayniqsa moliyaviy hisobotning xalqaro standart (MHXS)larni birinchi marta qo'llayotgan mamlakatlar uchun o'ta dolzarb masaladir.

## **2. Adabiyotlar sharhi.**

Mamlakatimiz olimlarining ishlarida daromadlarni tan olish, baholash, foyda yoki zararlarni aniqlash va hisobotda aks ettirishning uslubiy masalalari tadqiq etilgan. Misol uchun, S.N.Tashnazarov (2018) tomonidan foyda va zararlar hamda boshqa to'plam daromadlar to'g'risidagi hisobotning xalqaro standartlarga muvofiq keladigan shakli taklif etilgan.

Ushbu standartni O'zbekistonlik olimlardan A.A.Karimov va boshqalar (2021) "Xalqaro moliyaviy hisobot standartlari" nomli darslikda atroflicha ma'lumotlarni yoritib berishgan.

## **3. Tadqiqot metodologiyasi.**

Ushbu maqolada moliyaviy hisobotning xalqaro standartlaridan foydalanishning ahamiyati va zarurligi bo'yicha xorijiy va mahalliy olimlarning ishlari o'rganildi va tahlil qilindi. Tahlil jarayonida kuzatish, tahlil qilish usullaridan foydalanildi. Shuningdek, bu sohada amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar va bunda amalga oshirilishi lozim bo'lgan ishlar haqida taklif va xulosalar keltirib o'tilgan.

## **4. Tahlil va natijalar.**

Tushum – moliyaviy hisobot foydalanuvchilari uchun kompaniyaning moliyaviy holati va moliyaviy natijalarini baholash uchun muhim ko'rsatkich hisoblanadi. 18-son BHXS "Tushum" va 11-son BHXS "Qurilishdagi shartnomalar" standartlarini murakkab operatsiyalarga qo'llanilishidagi qiyinchiliklar va chegaralangan tavsiyalar MHXS va GAAP talablarini birlashtirish asosida yangi standart ishlab chiqishni taqozo etdi.<sup>1</sup> Natijada, uzoq vaqt izlanishlar va tadqiqotlardan so'ng 2014 yil 28 mayda MHXS bo'yicha Kengash Pravleniyasi va AQSh moliyaviy buxgalteriya hisobi standartlari bo'yicha Kengash MHXSlar

---

<sup>1</sup> ©2016 PricewaterhouseCoopers. Vse prava защищены. Etot material podgotovlen Akademiey PwC dlya ekzamenov DipIFR v 2016 godu. Ushbu mavzuni yoritishda mazkur kitobdagi qoidalar va misollardan bevosita foydalanildi.

va AQSh GAAPlari uchun tushumni tan olish prinsiplarini belgilovchi yagona 15-son MHXS "Xaridorlar bilan shartnomalar bo'yicha tushum" standartini ishlab chiqdi. Ushbu standart 2018-yil 1-yanvardan e'tiboran moliyaviy hisobotlarni tuzishda qo'llanilishi shartligi belgilab qo'yilgan.

15-son MHXSning maqsadi - moliyaviy hisobot foydalanuvchilari uchun xaridorlar bilan shartnomalarga muvofiq yuzaga keladigan tushum va pul oqimlarining xususiyati, miqdori, vaqtdagi taqsimoti va olinishidagi noaniqliklarga nisbatan foydali axborotlarni aks ettirishda qo'llaniladigan prinsiplarni belgilash bo'lib hisoblanadi. Tovar yoki xizmatni sotuvchi, xaridor bilan shartnoma tuzgandan so'ng, shartnoma aktiviga ega bo'lishi mumkin (A.A.Karimov va boshqalar, 2021).

Shunday qilib, yangi standart shartnomaga asoslangan yondashuvdan foydalanadi, unga ko'ra xaridorlar bilan tuzilgan shartnomalar bo'yicha daromadlarni tan olish korxonalar shartnoma tarafiga aylanganda va u bo'yicha majburiyatlarni bajarishni boshlaganda yuzaga keladigan aktivlar va majburiyatlardagi o'zgarishlarga asoslanadi. Boshqacha qilib aytganda, daromad keltiruvchi shartnomalarning aksariyati (agar hammasi bo'lmasa ham) u yoki bu shakldagi shartnoma munosabatlaridir. Daromad hisobot beruvchi tashkilot shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarganida olinadi va tan olinadi.

Shartnomalar bo'yicha tushumni tan olishda, MHXS va BHMS o'rtasidagi daromad tushunchasida farqlarni aniqlab olamiz (1-jadval).

### 1-jadval

#### MHXS va O'zbekistonning buxgalteriya hisobi standartlarida daromad va uning tarkibiga berilgan ta'riflarning solishtirilishi<sup>2</sup>

MHXS asosida	Xarajatlar tarkibi to'g'risidagi Nizom asosida
Daromad – bu hisobot davri davomida aktivlarning kelib tushishi yoki sifatining yaxshilanishi yoki majburiyatlar miqdorining kamayishi ko'rinishida iqtisodiy nafning ko'payishi, qaysiki uning natijasida tashkilotning xususiy kapitaligi nisbatan talabnoma huquqi egalari tomonidan badal kiritish bilan bog'liq bo'lmagan holda xususiy kapitalning ko'payishi yuz beradi. Moliyaviy hisobning konseptual asosida daromad quyidagicha ajratilgan:	Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar tomonidan ularning xo'jalik faoliyatini amalga oshirishi natijasida olinadigan daromadlari hisobotga quyidagi asosiy bo'limlar bo'yicha kiritiladi: i. Sotishdan olingan sof tushum ii. Asosiy faoliyatdan olingan boshqa daromadlar
i. Tushumlar ii. Asosiy bo'lmagan boshqa daromadlarga	iii. Moliyaviy faoliyatdan olingan daromadlar iv. Favqulotdagi foyda

Keltirilgan ta'riflarning eng muhim xususiyati, unda daromadlarga moliyaviy hisobotning elementi sifatida ta'rif keltirilgan. Unga ko'ra bir vaqtning o'zida quyidagi shartlar bajarilishi talab etiladi: birinchi sharti daromad sifatida tan olinadi, qachonki xususiy kapitalning ta'sischilar tomonidan qo'shimcha kapitalning kiritilishidan tashqari ko'payishiga olib kelsa, ikkinchi sharti daromadlarni yuzaga keltiruvchi hodisalar aktivlar (pul mablag'lari yoki boshqa aktivlar)ning ko'payishi yoki uning holatining yaxshilanishi yoki majburiyatlarining so'ndirilishiga olib kelishi kerak. Ushbu ikkita shartning bir vaqtida bajarilishini ta'minlovchi hodisa va jarayonlarning summadagi miqdori daromad sifatida tan olinadi

<sup>2</sup> Me'yoriy-huquqiy hujjatlar asosida muallif ishlanmasi

Tushumlar hisobi 15-son MHXS “Xaridorlar bilan shartnomalardan olingan tushum”ga muvofiq amalga oshiriladi. Tushum deganda tashkilotning odatiy faoliyatidan yuzaga keladigan daromad tushuniladi.<sup>3</sup>

MHXS asosida tushum bu korxonaning odatiy faoliyati davomida yuzaga keladi va bular:

1. Sotishdan tushgan tushum;
2. Xizmatlar uchun rag`batlantirishlar;
3. Foizlar;
4. Dividendlar;
5. Royalti;
6. Ijara daromadlari.

Asosiy bo`lmagan tushumlar, ya`ni naflar tushumlar tavsifiga (aniqlanishiga) javob beradigan va u korxonaning odatdagi faoliyati natijasida yuzaga kelishi yoki yuzaga kelmasligi mumkin bo`lgan boshqa moddalardir. Bunday foyda iqtisodiy nafning oshishishiga olib keladi va ushbu xususiyati bilan tushumdan farq qilmaydi. Shu bois, ular kontseptsiyaning alohida elementi sifatida qaralmaydi.

O`zbekistonda “Moliyaviy hisobotning konseptual asoslari”da daromadlarning tarkibi to`g`ri tasniflangan va u xalqaro standartlar talablariga muvofiq keladi. Lekin, standartda boshqa daromadlar tarkibi to`liq shakllantirilmagan. Bunda amalda bo`lib turgan “Xarajatlar tarkibi to`g`risidagi” Nizom daromadlarni tansifi ayrim jihatlari bo`yicha xalqaro standartlarga muvofiq kelmaydi. Mazkur Nizomga muvofiq xo`jalik yurituvchi sub'ektlar tomonidan ularning xo`jalik faoliyatini amalga oshirishi natijasida olinadigan daromadlari hisobotga quyidagi asosiy bo`limlar bo`yicha kiritiladi:

- 1) Sotishdan olingan sof tushum;
- 2) Asosiy faoliyatdan olingan boshqa daromadlar (operatsiya daromadlari);
- 3) Moliyaviy faoliyatdan olingan daromadlar;
- 4) Favqulodda daromadlar.

Buni tahlil qiladigan bo`lsak, sotishdan olingan sof tushum asosiy faoliyatdan olingan asosiy daromadlarga kiradi.

“Asosiy faoliyatdan olingan boshqa daromadlar” deb nomlanishi mazmunan to`g`ri emas. Uni “Moliyaviy hisobotni tayyorlash va taqdim etish uchun konseptual asoslar” standartida nomlanganidek, “Asosiy bo`lmagan faoliyatidan olingan daromadlar” yoki “boshqa daromadlar” deb nomlash maqsadga muvofiq hisoblanadi. Moliyaviy faoliyatdan olingan daromadlarning ayrim moddalari, jumladan moliyaviy ijara, royalti, dividendlar va foizlar asosiy tushumlar tarkibiga kiritilishi kerak bo`ladi. Valyuta kursi farqlari korxonada tomonidan yuritiladigan moliyaviy faoliyat siyosatiga bog`liq emas. Shu sababli, bu daromad boshqa daromadlar tarkibida aks ettirilishi maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.<sup>4</sup>

Demak biz buxgalteriya hisobining xalqaro modellarini o`rganar ekanmiz va xalqaro standartlarga o`tar ekanmiz, birinchi navbatda buxgalteriya hisobini to`g`ri tashkil etish va uni yuritish uslubiyatini aniq belgilab olishimiz kerak bo`ladi

## 5. Xulosa.

Xulosa qilib aytadigan bo`lsak, xaridorlar bilan tuzilgan shartnomalar bo`yicha tushumlarni buxgalteriya hisobida aks ettirishda, albatta MHXSning talablarini hisobga olish, shuningdek xorijiy tajribani hisobga olish, xalqaro qoidalarga rioya qilish va xalqaro biznes amaliyotini chuqur tushunishni talab qiladi. To`g`ri buxgalteriya amaliyotini joriy qilish va transchegaraviy operatsiyalarning murakkabligiga moslashish orqali tashkilotlar

<sup>3</sup> ©2021 PricewaterhouseCoopers. Все права защищены. Этот материал подготовлен Академией ПwC для экзаменов DipIFR в 2021 году. Ушбу mavzuni yoritishda mazkur kitobdagi qoidalar va misollardan bevosita foydalanildi.

<sup>4</sup> Tadqiqotlar asosida muallif ishlanmasi

moliyaviy operatsiyalarni samarali boshqarishi va xorijiy xaridorlar bilan muvaffaqiyatli biznes aloqalarini rivojlantirishi mumkin.

**Adabiyotlar:**

Tashnazarov S.N. (2018) Moliyaviy hisobotning nazariy va metodologik asoslarini takomillashtirish. Monografiya. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing, GlobeEdit Publishing house. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050

Karimov A.A., Ibragimov A.K., Rizaev N.K., Imamova N.M. (2021) "Xalqaro Moliyaviy Hisobot Standartlari" darslik.Toshkent.



#### DAVLAT BUDJETI DAROMADLARIDA JISMONIY SHAXSLARDAN UNDIRILADIGAN DAROMAD SOLIG'I TAHLILI

**Saidrasulov I.I.**

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti*

**Annotatsiya.** *Mazkur maqolada davlat budjeti daromadlarida jismoniy shaxslardan undiriladigan soliqlar tahlili bayon qilingan. Xususan, jismoniy shaxslardan undiriladigan soliqlarni nazariy-huquqiy asoslari to'g'risida va ular to'g'risida ma'lumotlarni yoritib berish va davlat budjeti daromadlarida solmog'ini oshirish taklif etilgan va hamda xulosalar shakllantirilgan.*

**Kalit so'zlar.** *Davlat budjeti, jismoniy shaxs, soliqlar, yakka tartibdagi tadbirkor, soliq majburiyati, daromad solig'i.*

**Аннотация.** *В данной статье представлен анализ налогов, взимаемых с физических лиц в доходах государственного бюджета. В частности, предложены и сформулированы выводы о теоретико-правовом обосновании налогов, взимаемых с физических лиц, и освещении информации о них и повышении налога на доходы государственного бюджета.*

**Ключевые слова.** *Государственный бюджет, физическое лицо, налоги, ИП, налоговое обязательство, налог на прибыль.*

**Annotation.** *This article describes the analysis of taxes levied on individuals in the revenues of the state budget. In particular, it was proposed to highlight information about and about the theoretical and legal basis of taxes levied on individuals and to increase their yield in the revenues of the state budget, and conclusions were formed.*

**Keywords.** *State budget, individual, taxes, individual entrepreneur, tax liability, income tax.*

#### **1. Kirish.**

So'nggi yillarda respublikamizda barcha sohalarda bo'lgani kabi byudjet-soliq siyosatida ham chuqur o'zgarishlarni amalga oshirilmog'ida. Bu islohotlarning samarasi o'laroq mamlakatimizda yildan yilga iqtisodiy o'sish ko'rsatkichlari hajmi oshib bormog'ida. O'tkazilayotgan soliq islohotlarining amaliy natijasi asosan amaldagi soliqlarni soddalashtirish va unifikatsiya qilish, xususan jismoniy shaxslarning davlat byudjeti bilan hisob-kitoblari mexanizmini takomillashtirish, jismoniy shaxslarning tadbirkorlik faoliyatida soliq hisobotlarini taqdim etish holatlarini kamaytirishga qaratilgan. Respublikamiz hukumati tomonidan olib borilayotgan soliq siyosatining asosiy yo'nalishlari yuridik va jismoniy shaxslar zimmasidagi soliq yukini kamaytirishga, soliqqa tortish tizimini soddalashtirishga, soliqqa tortiladigan obyektlarni maqbul darajada kamaytirishga qaratilganligi bilan ahamiyatli hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev soliq-byudjet siyosati haqida to'xtalib shunday deydi: "Soliq-byudjet siyosatiga qat'iy amal qilish, davlatning ijtimoiy majburiyatlarini bajarish, ish haqi, pensiya, nafaqa va stipendiyalar hajmi, yirik investitsiya loyihalari va mamlakat mudofaa qobiliyatini mustahkamlashni moliyalashtirish –ushbu eng muhim vazifalarni amalga oshirish, avvalo, Moliya vazirligi hozirda, mamlakatimiz soliq tizimi oldida bozor munosabatlarini to'laqonli shakllantirish uchun shart-sharoit yaratish bilan bir qatorda, davlat byudjetini mablag'lar bilan ta'minlash hamda ustivor yo'nalishdagi iqtisodiy faoliyatni soliqlar vositasida qo'llab-quvvatlashni talab etiladi".

O'z navbatida davlat budjeti daromadlarida jismoniy shaxslardan undiriladigan soliqlar salmog'ini oshirishda soliq-budjet siyosatida raqamli texnologiyalardan keng foydalanishda zarur o'zgarishlarni talab etmoqda. Soliqlarni undirish budjetga to'lovlarni amalga oshirishda amaliyotda o'zgarishlarning tahlili uni tashkil ananaviy usuldan intellektual usulga o'tayotganligini ko'rsatmoqda. Fikrimizcha, soliq yig'uvchanligida jismoniy shaxslardan undiriladigan soliqlarni davlat budjetiga tushushida xam yuqori darajadagi texnologiyalarga asoslanmog'i zarur.

## **2. Adabiyotlar sharhi.**

Mazkur mavzu yuzasidan bir qator mahalliy va xorijiy olimlar ilmiy tadqiqot va izlanish ishlari olib borishgan va borishmoqda, ular mazkur yo'nalish rivojlanishiga o'z hissalarini qo'shishmoqda. Demak xorijiy olimlardan Y.N.Belmesovaning (2023) fikricha shaxsiy daromad solig'i-bu ish haqining foizini ushlab qolish.Ushbu turdagi soliq daromadlarning katta qismini mamlakat byudjetiga olib keladi va umuman iqtisodiyotni rivojlantirishga yordam beradi.

Yurtimiz olimlardan E.Gadoev (2015) fikricha Jismoniy shaxslar daromadlaridan soliq-fuqarolarning har qanday qonuniy faoliyati manbalari asosida oladigan shaxsiy daromadlaridan davlat foydasiga o'tkazadigan ekvivalentsiz majburiy to'lovdir.

A.Jo'rayev, M.Usmonovalar (2015) "Ma'lumki, jismoniy shaxslar to'laydigan soliqlar budjet daromadlari tizimida katta ulush egallamaydi, ammo, soliq tizimida munosib ahamiyatga egadir. Jismoniy shaxslar to'laydigan soliqlarni nazariy jihatdan tadqiq etish va ushbu soliqdami budjet-soliq tizimidagi rolini oshirishga xizmat qilsa, ikkinchi tomondan aholining soliqlar xususidagi fikrlarini ijobiy tarzda bo'lishini ta'minlaydi".

M.Sabirov, A.Jo'rayev (2019) "Jismoniy shaxslar to'laydigan umumdavlat va mahalliy soliqlar hamda boshqa majburiy to'lovlar O'zbekiston Respublikasi davlat budjeti tizimida respublika budjeti asosiy o'rinni egallaydi. U umumdavlat resurslarining bir qismini bevosita davlat hokimiyatining ijro etuvshi va farmoyish beruvshi oliy organi – O'zbekiston Respublikasi hukumatida markazlashuvni ta'minlaydi".

E.Gadoyev, N.Kuziyeva (2011) "Mamlakatlat iqtisodiyotida davom etayotgan iqtisodiy islohatlar davrida soliqlarni iqtisodiy barqarorligini ta'minlovchi muhim vosita sifatida ularni doimiy isloh qilib borishni talab qiladi. Hozirgi kunda aholi daromadlarining salmoqli hissasi xususiy sektorda shakllanmoqda. Davlat tomonidan bu daromadlarni boshqarish imkoniyatlari cheklangan, bu daromadlarni ma'muriy tarzda davlat xarajatlariga yo 'naltirish bozor iqtisodiyoti prinsiplariga zid. Faqatgina soliqlar orqali aholi daromadlarini budjet daromadlariga jalb qilish mumkin".

## **3. Tadqiqot metodologiyasi.**

Ushbu maqola davlat budjeti daromadlarida jismoniy shaxslardan undiriladigan daromad solig'i tahlili shakllantirishda soliq tahlilining (iqtisodiy tahlil) metodikasida mavjud bo'lgan metodlardan foydalanilgan. Jumladan, analiz, sintez, induksiya, deduksiya va ilmiy abstraksiya metodlariga tayanilgan holda tadqiqot olib borilgan va yakuni bo'yicha hulosha shakllantirilgan.



#### 4. Tahlil va natijalar.

O'zbekiston Respublikasi Budget kodeksining 3-moddasida davlat budjeti tushunchasiga ta'rif berilgan bo'lib, unga ko'ra davlat budjeti – davlatning davlat vazifalari va funksiyalarini moliyaviy jihatdan ta'minlash uchun mo'ljallangan markazlashtirilgan pul jamg'armasi. Demak, budget iqtisodiy kategoriya sifatida o'zida davlatning bir yilga mo'ljallangan daromadlari va xarajatlarini ifodalaydi. Moliya yiliga mo'ljallangan daromadlar va xarajatlar rejalashtirilib, tasdiqlanadi. Ularni amalga oshirish esa budget munosabatlari hisoblanadi. Budget orqali iqtisodiyotga quyidagi jihatlarda ta'sir ko'rsatish mumkin: soliqlar, yig'imlar va turli majburiy to'lovlar vositasida; to'gridan to'g'ri budjetdan moliyalashtirish vositasida; subsidiyalash vositasida; foizsiz va imtiyozli kreditlar berish vositasida; budget mablag'lari hisobiga maxsus jamg'armalar va zahiralari yaratish vositasida ta'sir ko'rsatiladi. Davlat budjeti daromadlari manbalarini quyidagi jadvaldan ko'rishimiz mumkin.



**1-rasm. Davlat budjeti daromadlari manbalari<sup>1</sup>**

Iqtisodiyotda tubdan tarkibiy o'zgarishlarni amalga oshirish, modernizatsiyalash va diversifikatsiyalash sharoitida budjeti daromadlari tarkibida soliqlarning mohiyati, soliq munosabatlarining ahamiyati, soliq tizimida va davlat budjetining daromadlaridagi salmog'ini nazariy va amaliy ma'lumotlarga tayangan holda tahlil etish va o'rganish bugungi kun talabi hisoblanadi.


Soliq tizimida mavjud soliqlar iqtisodiy mazmunimohiyatiga ko'ra bevosita va bilvosita soliqlarga bo'linadi. Bevosita soliqlarni soliq to'lovchilarning o'zlari to'gridan-to'g'ri to'laydi, soliqning huquqiy va haqiqiy to'lovchisi ham bitta shaxs bo'ladi. Bu soliqlarga daromaddan va mulklardan to'lanadigan barcha soliqlar kiradi. Bilvosita soliqlar yuridik jihatdan to'lovchilari mahsulot, ish va xizmatlarni yuklab yuboruvchilar bo'lib, soliqning haqiqiy og'irligi yakuniy iste'molchiga tushadi, soliq summasi tovar, ish va xizmatlar narxi ustiga ustama tarzda o'rnatiladi.

O'zbekiston Respublikasi Davlat budjetining 2023-yillardagi ijrosini tahlilini qiladigan bo'lsak. Unga ko'ra, 2023 yilda O'zbekiston budjetining daromadlarini 44 foizini Bevosita soliqlar tashkil qilmoqda, 29 foiz qismini Bilvosita soliqlar tashkil qilgan. 17 foizi Resurs to'lovlari va mol-mulk solig'i bo'lsa qolgan, 3 foizi Davlat boji va jarimalar va 7 foizini boshqa tushumlar va yig'imlar tashkil qilmoqda. Soliqli daromadlar tarkibida eng salmoqli ulushga ega bo'lgan soliq turi bevosita(to'g'ri) soliqlar egallamoqda. Shuningdek aytib o'tishimiz kerakki Resurs to'lovlari va mol-mulk va yer solig'i ham yillar davomida o'sish tendensiyasiga ega bo'lmoqda. Buni albatta mamlakatimizda mulkdorlar safini

<sup>1</sup> Muallif tomonidan mustaqil qilingan

kengayishi bilan izohlashimiz mumkin. Yuqorida tahlillardan ko'rinib turibdiki davlat budjeti solikli daromadlar eng katta salmoqni egallaydi. Davlat budjetida solikli daromadlar yuqori bo'lishiga asosiy omillar sifatida bu soliq to'lovchilardir. Soliq to'lovchilar iqtisodiy mohiyatiga ko'ra ikkiga bo'linadi.

### 2023-yil davomida budjetga tushumlar ulushi (foizda)



### 2-rasm. Davlat budjeti daromadlari 2023 yillardagi tarkibi va dinamikasi Soliq Qo'mitasi tomonidan taqdim etilgan ma'lumot<sup>2</sup>

O'zbekiston Respublikasi Davlat budjetining 2023-yillardagi ijrosini tahlilini qiladigan bo'lsak. Unga ko'ra 2023 yilda O'zbekiston budjetining daromadlarini 40 779 mlrd so'mni foyda solig'i, 33 983 mlrd so'mni qo'shilgan qiymat solig'i, 29 518 mlrd so'mni Jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i, 15 300 mlrd so'mni yer qa'ridan foydalanganlik uchun soliq, 15 133 mlrd so'mni aksiz solig'i va qolgan soliq turlari bo'yicha ham tushunlar keltirib o'tilgan. Umumiy miqdorda soliq to'lovchi bo'lgan jismoniy va yuridik shaxslar jami 2023-yilda davlat budjetiga 165 918 mlrd so'm va bu ko'rsatgich o'tgan 2022-yilda 148 388 mlrd so'mni tashkil qilgan bo'lsa bu ko'rsatgich 2023-yilda davlat budjetining solikli daromadlar ulushini 12 foizga o'sganini ko'rsatadi. Yuqoridagi tahlillarga e'tibor qaratadigan bo'lsak budjetga tushgan tushumlar soliq to'lovchi yuridik va jismoniy shaxslar bo'yicha umumiy lashtirilib ko'rsatilgan. Mamlakatimizda aholi daromadi oshishi, aholining kichik tadbirkorlik subektlariga davlat tomonidan berilayotgan yengilliklar va shaxsiy mulk obektlari ortishi bu davlat budjeti daromadlarida jismoniy shaxslarning soliq tushumlarini oshishiga ta'sir ko'rsatmasdan qolmaydi.

<sup>2</sup> <https://gov.uz/oz/soliq>



### 3-rasm. Soliq turlari bo'yicha 2023-yil davomida budjetga tushgan tushumlari Soliq Qo'mitasi tomonidan taqdim etilgan ma'lumot.<sup>3</sup>

Amaldagi vaziyatga e'tibor qaratadigan bo'lsak jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i 2022-yilda 24 285 mlrd so'mni jami ulushning 16.4 foizini tashkil qilgan bo'lsa 2023-yilda 29 518 mlrd so'm jami ulushining 17.8 foizini o'tgan yilga nisbatan 21 foizga o'sganini ko'rishimiz mumkin. Jismoniy shaxslarning olinadigan daromad solig'ining jami daromad tarkibidagi mulkiy daromadlarini tahlil qiladigan bo'lsak "E-IJARA" axborot tizimi orqali soliq organlarida hisobga qo'yilgan ko'chmas mulk ijara shartnomalari umumiy soni 325 513 tani tashkil qilgan bo'lsa shundan 223 515 tasi jismoniy shaxslarga to'g'ri keladi va hisoblangan soliqning umumiy summasi 159.3 mlrd soni tashkil qilgan bo'lsa bu ko'rsatgich 2023-yilda jami ijara shartnomalar soni 531 757 tani tashkil qilgan bo'lsa shundan 386 802 tasi jismoniy shaxslarga to'g'ri keladi va hisoblangan soliqning umumiy summasi 194.8 mlrd so'mni o'tgan yilga mos ravishda 21 foizga oshganini ko'rishimiz mumkin.

Mamlakatimizda tadbirkorlik subektlariga berilayotgan keng ko'lamlı davlat tomonidan berilayotgan yengilliklar jismoniy shaxslarning tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanishiga keng yo'llar ochib berilmoqda. Jismoniy shaxslar tadbirkorlik faoliyatini yuridik shaxs tashkil qilmasdan yakka tartibdagi tadbirkor sifatida o'z tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirishi mumkin. Jismoniy shaxslar tadbirkorlik faoliyatidan olgan daromadlarini qat'iy belgilangan miqdorda soliq to'lash hohishini bildirishi mumkin va tanlagan faoliyat turiga qarab soliqni qat'iy belgilangan miqdordalarda to'lovchi soliq to'lovchilar uchun belgilangan tartibda davlat budjetiga o'tqazadi. Yakka tartibdagi tadbirkorlar 2022 yilda 217 646 tani tashkil qilgan bo'lsa, 2023-yilda 238 188 tani tashkil qilmoqda va bu ko'rsatgich 2022 yilga qaraganda 9.4 foizga o'sganini ko'rishimiz mumkin,

<sup>3</sup> <https://gov.uz/oz/soliq>

buning natijasida mamlakatimizda jismoniy shaxslardan undiriladigan daromad soligining davlat budjeti salmog'i oshishiga olib kelmoqda.

## **5. Xulosa.**

Jismoniy shaxslarni daromadlarini soliqqa tortish orqali davlat budjeti daromadlarini isloh qilish borasida yuqoridagilarga asoslangan holda xulosa qiladigan bo'lsak davlat budjetida salmog'ini oshirishda jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'ida yuqori daromadlardan yuqori soliq undirib yuqoridaromadli guruhlarini daromadlarini kam taminlanganlarga qayta taqsimlaydi.

Yuqoridagi tahlillar, xulosalarni umumlashtirgan holda, O'zbekistonda aholi daromadlarini isloh qilish, shu jumladan jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'ini davlat budjeti daromadlarida yanada salmog'ini oshirish borasida quydagilar taklif etiladi:

1.Mamlakatimizda aholi daromadlarini soliqqa tortish tizimini isloh qilishda mamlakatning o'ziga xos xususiyatlarini, axoli mentalitetini, daromadlarini shakllanish manbalari, ijtimoiy qatlamdagi daromatlardagi tengsizliklar xisobga olgan holda xorijiy mamlakatlar tajribasini qo'llash lozim.

2.Soliq ma'muriyatchiligini yanada takomillashtirish orqali ish o'rinlarini va daromadlarni soliqdan yashirish amaliyotiga qarshi kurashni yanada kuchaytirish lozim.

3.Aholi daromadlarini soliqqa tortishda soliq solinmaydigan minumum joriy etish hisobiga soliq stavkasini progressiv shkalaga soliqqa tortish tartibiga o'tish tavsiya etiladi.

## **Adabiyotlar:**

Aliyev B.X., Musayeva X.M. (2013) *Налоговые системы: учебник*. М.: ЮНИТИ-ДАНА,

Gadoyev.E, Kuziyeva N. (2012) *Jismoniy shaxslarni soliqqa tortish. O'quv qo'llanma*, T.: "EL PRESS", 240 b.

Jo'rayev, M.Usmonovalar (2015) *Jismoniy shaxslarni soliqqa tortish. O'quv qo'llanma*, T.: «Sano-standart» nashriyoti 3 b.

Farmon (2018) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 29.06.2018 yildagi "O'zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi to'g'risi" dagi PF-5468-son

Sabirov M, Jo'rayev A. (2019) *Jismoniy shaxslarni soliqqa tortish. O'quv uslubiy majmua*, Toshkent -2019 y. 13 b

Qiyosov Sh. (2019) *Jismoniy shaxslar daromadlarini soliqqa tortish takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dis.avtoref.*-T.:TMI , 10 b

Qonun (2019) O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksi.Yangi taxrirda. <https://lex.uz/docs/-4674902> 30; 32 moddalar

Qonun (2014) O'zbekiston Respublikasi Budget kodeksi. <https://lex.uz/docs/-2304138> : 3 modda



## SANOAT KORXONLARIDA KATTA MA'LUMOTLAR (BIG DATA) TEXNOLOGIYASI VA ULARNI QO'LLASH

**Sotvoldiyev D.M.**

Ma'mun universiteti

**Tojimatov I.N.**

Farg'ona davlat universiteti

**Annotasiya.** Ayni vaqda katta ma'lumotlar, yani Big Data texnologiyalarining rivojlanishi va ularni jamiyat hayotiga tadbiiq qilish sanoat korxonlari misolida tahlil qilindi. Big Data texnologiyalarini qo'llash zaruriyati va kelajakda foydalanish istiqbollari haqida ma'lumotlar berildi. Big Data texnologiyalari va ularni analoglari, shuningdek O'zbekiston va chet eldagi sanoat korxonalarida Big Data texnologiyalarining hozirgi holati va rivojlanish tendensiyalari o'rganildi.

**Kalit so'zlar:** Big Data (katta ma'lumotlar), bashoratlash, dasturiy ta'minot, Hadoop, Spark, MapReduce.

**Аннотация.** В статье проанализированы развитие технологий Big Data (больших данных) и их применение в жизни общества на примере промышленных предприятий. Рассмотрены необходимость применения технологий Big Data и перспективы их использования в будущем. Изучены технологии Big Data и их аналоги, а также текущее состояние и тенденции развития технологий Big Data в промышленных предприятиях Узбекистана и зарубежных стран.

**Ключевые слова:** большие данные, прогнозирование, программное обеспечение, Hadoop, Spark, MapReduce.

**Abstract.** The article analyzes the development of Big Data technologies and their application in societal life, using industrial enterprises as an example. The necessity of implementing Big Data technologies and their future prospects are discussed. The paper examines Big Data technologies and their analogs, as well as the current state and development trends of Big Data technologies in industrial enterprises in Uzbekistan and abroad.

**Keywords:** Big Data, forecasting, software, Hadoop, Spark, MapReduce.

### 1. Kirish.

Big Data texnologiyalari - bu katta hajmdagi turli xil tarkiblangan hamda tarkiblanmagan ma'lumotlarni tezlik bilan qayta ishlash uchun qo'llaniladigan yondashuvlar, vositalar va metodlarning birlashiruvchi zamonaviy sun'iy intellekt asosida tashkil etilgan tuzilmadir. Ushbu texnologiyalar inson tomonidan seziladigan obe'kt,

jarayon va xodisalar haqidagi signallar asosida natijalarni (ma'lumotlar) olish uchun qo'llaniladi. Bu natijalar esa doimiy ravishda o'sib borayotgan ma'lumotlarni ko'plab hisoblash tarmoqlarini tugunlarida samarali tarqatish imkonini beradi.

Katta ma'lumotlar texnologiyasi XX asrning oxirlarida an'anaviy ma'lumotlar bazasini boshqarish tizimlari hamda Business Intelligence sinifi yechimlarga o'rin bosuvchi sifatida paydo bo'ldi. Hozirda yirik axborot texnologiyalari maxsulotlarini yetkazib beruvchilari o'z biznes strategiyalarida Big data tushunchasidan foydalanmoqdalar. Shuningdek, axborot texnologiyalari bozorining asosiy tahlilchilari ushbu texnologiyaning ta'moillarni o'rganish bo'yicha keng ko'lamli ilmiy izlanishlar olib bormoqdalar.

Big Data ma'lumotlar to'plamlariga tegishli bo'lib, ularning hajmi odatiy ma'lumotlar bazalarining saqlash, boshqarish va tahlil qilish imkoniyatlarini tubdan o'zgartirib yuboradi. Yani juda katta hajim v-volume, xilma-xillik v- variety va juda katta tezlik v-velocity ma'lumotlarni qayta ishlashda o'zaro mujjasamlashib Big Dataning VVV belgilab beradi. Hozirgi vaqtda ko'plab biznes ishtirokchilari, jumladan sanoat korxonalarini Big Data texnologiyalarining rivojlanishini kuzatib bormoqdalar hamda o'z faoliyatida qo'llamoqdalar. Chunki bu ma'lumotlarni kun sayin ortib borishi, ularni paydo bo'lish manbalarini turli xilligi ularni ishlab chiqaruvchi va iste'molchilarga tezlik bilan yetkazib berishni taqozo etadi va uni amalga oshirish Big Data texnologiyalarisiz mutlaqo imkonsizdir.

Masalan, tadqiqotchilarning o'rganishlariga ko'ra 1960 yillarda kompyuterlarda saqlanayotgan elektron axborotlar 250 MB ni tashkil qilgan bo'lsa, 2015 yilga kelib bu ko'rsatgiz ZB larga yetib keldi. 2020 yilda esa 40 ZB ni tashkil qilgan bo'lsa hozirda taxminan 60 ZB atrofida baholanmoqda. 2025 yilning so'ngida esa bu ko'rsatgich 175 ZB yetishi mumkin deb bashorat qilinmoqda. Ma'lumotlar hajmining hayotiy misol bilan solishtiradigan bo'lsak, dunyo yaratilgandan to shu kunga qadar 130 milliondan ziyod kitoblar yozilgan bo'lib, ularni electron shakilga o'tkazilsa taxminan 30 PB ni tashkil etadi. Bu degani 1ZB = 1024 PB ga teng. Demak, bugungi kundagi mavjud axborotlar inson aqli bir ko'rishda idrok etolmaydigan darajada katta hajmga egadir. Agar, yuqoridagi bashorat amalga oshsa, 2025 yilda dunyodagi ma'lumotlar miqdori 175 yoki 200 ZB ga ( $1 \text{ ZB} = 10^{21}$  bayt) yetadi, bu esa har bir yer yuzidagi aholi sonig o'rtacha 20 000 GB ma'lumot to'g'ri kelishini anglatadi. Demak, ushbu statistika albatta sanoat korxonalarini Big Data texnologiyalari bilan ta'minlashni talab qiladi.

## **2. Adabiyotlar sharhi.**

Mazkur tadqiqot mavzusida taniqlo iqtisodchi va texnik olimlar hamda muxandislar samlmoqli izlanishlar olib borishgan bo'lib, ulardan xorijlik Silen Devi, Meysman Arno, Ali Moxamed, I.A.Radchenko, I.N.Nikolaev kabi qator olim va muhandislar katta ma'lumotlarning texik va dasturiy jihatlarini o'rganagan.

Manyika James, Chui Michael, Brad Brown, Bughin Jacques, Dobbs Richard, Roxburgh Charles, Hung Byers Angela, Artemov Sergey, P.D. Ivanov, V.J. Vampilova kabi olimlar katta ma'lumotlarni texnik va iqtisodiy tomonlarini chuqur o'rganib o'z asarlarida taqdim etishgan.


Shuningdek mavzu bo'yicha o'zbek olimlari ham bugungi kunda ilg'or izlanishlar olib borishmoqda. Jumladan akaemiklar S.G'ulomov, Z.Bektoshov, professorlar M.Bo'taboev, A.A.Abdullaev, A.Raxmonov, I.M.Mamadaevlar ham o'zlarining darsliklari, o'quv qo'llanmalarida, tezis va maqolalarida mavzuga doir ilmiy izlanishlar olib borganlar.

Ilmiy maqolani yozishda mazkur mavzu doirasida yaratilgan ilmiy ishlar, respulika va dunyo miqyosida amalga oshirilayotgan hamda joriy etilayotgan amaliy ishlar haqidagi ma'lumotlarni umumlashtirish, taqqoslash va tahlil qilish metodlaridan foydalanilgan.

### 3. Tahlil va natijalar

Zamonaviy iqtisodiyot sharoitida sanoat korxonalarini matnli hujjatlar, rasmlar, videolar, mashina kodlari, jadvallar hamda boshqa ko'rinishdagi katta hajmli turli xil tuzilmagan ma'lumotlarni yaratadilar va ularni qayta ishlashga majbur bo'ladilar. Bu ma'lumotlarning barchasi bir nechta ma'lumot omborlarida, ba'zan sanoat tashkilot hududidan tashqarida bulut va serverlarda saqlanadi. Bu ma'lumotlar hajmi yillar davomida o'sib boradi, bugungi kunda ushbu halat juda ham tez sur'atlarda amalga oshmoqda (1-rasm).

Natijada korxonalar o'zlarining katta hajmdagi ma'lumotlariga ega bo'lishi mumkin va bu ma'lumotlar o'rtasida aloqalarni o'rnatish hamda ulardan mazmunli xulosalar chiqarish uchun zarur vositalarga ega bo'lmaslik sanoat korxonasini dolzarb muammolaridan hisoblanadi. Axborotni tahlil qilishning an'anaviy usullari doimiy ravishda o'sib borayotgan hamda yangilanib turadigan katta hajmdagi ma'lumotlarga mos kela olmaydi va ularni qo'llab quvvatlay olmaydi. Bu esa alal oqibat Big Data texnologiyalariga murojat qilishga sabab bo'ladi.



**1-rasm. International Data Corporationning tahlillariga ko'ra raqamli a'lumotlar hajmini o'sib borish ko'rsatgichi.**

Har qanday korxonalar yoki shaxs uchun Big Data texnologiyalarining quyidagi muhim xususiyatlarini ko'rsatish mumkin:

- katta hajmli va xilma-xil tarkibdagi ma'lumotlar bilan tez ishlash (VVV);
- ma'lumotlar tez-tez yangilanadi hamda turli xil manbalardan olinadi;
- sifat jihatidan farq qiladigan to'g'ridan-to'g'ri daromadga aylantiriladigan amaliy bilimlarni aniqlashning qulay tahlil qilish usuli;
- hisobotlarni vizual ko'rish hamda jarayonlarni tahlil qilish imkoniyatlarini berilgan shartlarga asosan kengligi;
- Big Data texnologiyalaridan foydalanishdan amaliy samaradorlikni oshirish, yangi mahsulotlarni yaratish va raqobatbardoshlikni oshirishda muhim omilga aylanadi.

Sanoat korxonalarida axborot hajmini o'lchash va uni aniqlash aqlli qurilmalardan olingan ma'lumotlar hisobiga barqaror o'sib bormoqda. Eng ilg'or aqlli qurilmalar real vaqt rejimida ma'lumotlarni uzata oladigan datchiklar hisoblanadi. Korxonadagi barcha

qurilmalar bunday datchiklar yordamida tarmoqqa ulanishi mumkin va Big Data texnologiyalari ulardan olingan ma'lumotlarni qayta ishlash hamda ular ustida kerakli amallarni avtomatik ravishda amalga oshirish imkonini beradi. Masalan, korxonalar o'z jihozlarining sozligi haqida daqiqama-daqiqa ma'lumotlarini olish uchun datchiklardan foydalanishi va bu ma'lumotlarga asoslanib, extiyot qismlarini almashtirish va texnik xizmat ko'rsatish uchun optimal vaqtni taxmin qilishlari mumkin. Bundan tashqari qurilma qancha maxsulot chiqirishi, uning sifati va shu kabi ko'plab ma'lumotlar doimiy tahlil qilinib borilishiga zamin yaratiladi.

Shundan kelib chiqib Big Data texnologiyalari quyidagi muammolarni hal qilishda sanoat korxonasi uchun foydali bo'lishi mumkin:

- bozorni vaziatini bashorat qilish;
- marketing va sotishni optimallashtirish;
- mijozlarni samarali segmentatsiyalash;
- tovarlar va xizmatlarni takomillashtirish;
- katta ma'lumotlarni tahlil qilish asosida ko'proq ma'lumotga ega boshqaruv qarorlarini qabul qilish;
- investitsiya jarayonlarini optimallashtirish;
- mehnat unumdorligini oshirish;
- samarali logistikani tashkillash;
- asosiy fondlar holatini monitoring qilish.

Tarkiblangan ma'lumotlar bilan ishlash usullari va vositalari uzoq vaqtdan beri mavjud bo'lib, ular an'anaviy relyatsion ma'lumotlar modeliga asoslangan ma'lumotlar bazasini boshqarish tizimlarida olib borilgan. Ammo zamonaviy sharoitda korxonalar har xil turdagi tuzilmagan ma'lumotlarning katta hajmlarini qayta ishlashlari talab qilina boshlashdi. Bu an'anaviy usullar bilan ma'lumotlarni qayta ishlash uchun mutlaqo mos kelmay qolishiga sabab bo'ldi. Ma'lumotlar bilan ishlashning yangi usullari talab qilina boshlandi. Bu katta ma'lumotlar bilan ishlashni yana bir bor tasdiqlaydi. Shuning uchun hozirgi vaqtda Apache Hadoop loyihasida amalga oshirilgan Big Data bilan ishlash modeli tobora sanoat korxonalari o'rtasida ommalashib bormoqda.

Sohalar	Axborot turlari				
	Matn	Raqam	Tasvir	Video	Ovoz
Ta'lim	Green	Green	Grey	Red	Red
Sog'liqni saqlash	Red	Red	Grey	Green	Green
Ishlab chiqarish	Red	Red	Grey	Grey	Grey
Bank sektori	Red	Red	Grey	Grey	Grey
Sug'urta	Red	Red	Green	Green	Green
Qimmatli qog'ozlar va investitsya	Red	Red	Green	Green	Green
Ulgurji savdo	Red	Red	Grey	Grey	Grey
Shakana savdo	Red	Red	Grey	Grey	Green
Kommunal xizmatlar	Red	Red	Grey	Grey	Grey
Professional xizmatlar	Red	Red	Grey	Grey	Grey
Ko'ngilochar xizmatlar	Grey	Grey	Green	Grey	Grey
Transport xizmatlar	Red	Red	Grey	Grey	Green
Qurilish	Grey	Grey	Red	Grey	Green
OAV	Red	Red	Grey	Red	Red
Boshqaruv	Red	White	Grey	Red	Red

Foydalanish darajasi:

-past

-o'rta

-yuqori

**2-rasm. Turli faoliyat sohalari uchun ma'lumotlardan foydalanish darajasi**



Masalan, tarkiblanmagan ma'lumotlar sifatida quydagilarni olishimiz mumkin: video tasvirlar, tasvirlar, ovoz, raqam, matnlarni turli xil manba hamda shakillarda kelishi ularni qayta ishlashni jiddiy tarzda murakkablashtiradi. Agar korxonada xodimi xom ashyodan tayyor maxsulotgacha bo'lgan jarayonda yuqoridagi kabi ma'lumotlarni turli xil manbalardan olgan bo'lsa, bu yanda qiyinlashishiga olib keladi. Shuningdek sanoat korxonalarini sohalar bo'yicha taqsimlanishi esa muammoni globallashtirishga olib kelishi mumkin (2-rasm).

Shuning uchun katta ma'lumotlar bilan ishlash mahsulot ishlab chiqarishda aksariyati katta hajmdagi ma'lumotlarni qayta ishlash va ularni real vaqt rejimida tahlil qilish uchun yuqori samarali tizimlarni beradi. Katta ma'lumotlarni amalga oshirishdan kutilayotgan samara ma'lum bir korxonaning faoliyat turiga va amalga oshirilayotgan siyosatiga qarab farq qilishi mumkin. Katta ma'lumotlar bilan ishlashda bilimlarni manipulyatsiya qilish usullari qo'llaniladi: tanib olish va tasniflash nazariyasining turli usullari, intellektual tahlil qilish va ma'lumotlarni umumlashtirish usullari, genetic algoritmlar, neyron tarmoqlar va sun'iy intellekt kabi aqlli yondashuvlar shular jumlasidandir. Demak, katta hajmli ma'lumotlarni qayta ishlashda ham texnik ham iqtisodiy jihatdan qulay va samarali bo'lgan platforma hamda texnologik vositalardan foydalanish kerak. Shunday texnologiyalardan biri Hadoop texnologiyasidir. Hadoop platformasining asosiy vazifasi katta hajmli turli xil ma'lumotlarni saqlash, tez qayta ishlash va boshqarishdir. Hadoop platformasining asosiy tarkibi quyidagilardan tashkil topgan:

HDFS (Hadoop Distributed File System) - saqlash uchun ishlatiladigan nosozliklarga chidamli taqsimlangan fayl tizimi;

Map Reduce - minglab mashinalardan iborat klasterda katta hajmdagi tarkiblangan va tarkiblanmagan ma'lumotlarni parallel ravishda qayta ishlash uchun asos bo'lgan dasturlash interfeysi;

Apache Hadoop YARN - ma'lumotlarni boshqarish funksiyasini bajarish texnologiyasi.

2023 yilda 92,7 milliard dollarga baholangan global Hadoop bozori 2030 yilga kelib 813 milliard dollarga yetishi kutilmoqda. 2023 yildan 2030 yilgacha o'rtacha yillik o'sish tezligi 36,4 foizga o'sishi kutilmoqda. Tahlil natijasi shuni ko'rsatmoqdaki Hadoop xizmatlarining o'rta darajasi 38,1% ga o'sishi va tahlil qilingan davr oxiriga kelib 423,6 milliard AQSh dollariga yetishi kutilmoqda. Hadoop dasturiy ta'minot segmentining o'rtacha yillik ko'rsatkichi tahlil davrida 36,2% ga baholanmoqda. Bu tahlil shuni ko'rsatmoqdaki katta ma'lumotlarni qayta ishlashda sanoat korxonalarining naqadar Hadoop platformasini o'zlashtirishga zarurat yuqoriligini belgilab beradi.

Hadoop platformasi ma'lumotlarni qayta ishlash va tayyorlash vaqtini qisqartirish imkonini berib, tahlil qilish imkoniyatlarini kengaytiradi va yangi ma'lumotlar hamda tarkiblanmagan ma'lumotlar bilan ishlashga sharoit yaratadi Hadoop texnologiyasi asosida yaratilgan yechimlar sanoat korxonalarini uchun bir qator muhim afzalliklarga ega (3-rasm).

O'zbekistonda yetakchi ishlab chiqaruvchilarning Big Data texnologiyalaridan foydalanadigan sanoat korxonalarini mavjud. Ular asosan Cisco, HP, IBM, Microsoft, Oracle, Apache kabilarni maxsulotlaridan foydalanishmoqda. Biroq amalga Big Data loyihalari hali yetarli emas. Korxonalar Big Data sohasida O'zbekiston ichki bozorining boshlang'ich nuqtasida turibdi, ammo barcha dunyo va mahalliy tahlilchilarning fikrlariga ko'ra Big Data texnologiyalarining portlovchi o'sish nuqtasi hali oldinda ekanligi aytilmoqda.

Ma'lumotlarni qayta ishlash muddatini qisqarishi	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Klasterda ma'lumotlarni qayta ishlash vaqtini siz kutgan vaqtdan ancha sezilarli darajada qisqartirish mumkin</li> </ul>
Uskunalar xarajatlarini kamaytirish	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Hadoop texnologiyasidan foydalanish ma'lumotlarni saqlash va qayta ishlash uchun zarur bo'lgan uskunalar narxini o'nlab marta kamaytirish imkonini beradi.</li> </ul>
Xatolarga chidamlilikning ortishi va texnologik nosozliklarga chidamli yechim yaratish imkoniyati	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Bir yoki bir nechta klaster tugunlarining ishdan chiqishi faqat tizimning ishlab chiqarish qobiliyatiga ta'sir qiladi, shu bilan birga tizim ishlashda va oxirgi foydalanuvchilarga xizmat ko'rsatishda davom etadi.</li> </ul>
Chiziqli masshtablilik	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Yechim yangi klaster tugunlarini qo'shish orqali maxsuldorlikni oshirish imkonini beradi. Shu bilan birga, klasterning ishlashi chiziqli ravishda oshadi.</li> </ul>
Tarkiblanmagan ma'lumotlar bilan ishlash	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Texnologiya har qanday fayllarni, shu jumladan tarkiblanmagan fayllarni kompleks qayta ishlashga imkon beradi, shuning uchun bunday ma'lumotlarni samarali qayta ishlash va ulardan foydalanish mumkin.</li> </ul>

**3-rasm. Sanoat korxonalarini uchun Hadoop yechimlarning afzalliklari.**

#### 4. Xulosa

Demak, axborot tez-tez yangilanib turadigan hamda turli manbalardan keladigan zamonaviy, mutlaqo o'zgacha dunyoda, ya'ni raqamli makonda korxonalar katta hajmdagi ma'lumotlar bilan ishlashga majburdirlar. Katta ma'lumotlar texnologiyalari korxonalariga katta hajmdagi ma'lumotlarni saqlash, tuzish va tahlil qilish imkonini beradi. Bu korxonalar boshqaruvchilariga turli omillar o'rtasidagi bog'liqliklarni topishga yordam beraib, korxonaning iqtisodiy-ijtimoiy faoliyati ijobiy samaraga erishish uchun yordam beradi.

Sanoat korxonalarini uchun optimallashtirilgan Big Data bilan ishlash eng istiqbolli va ilg'or dasturlaridan biri kompaniya tomonidan ishlab chiqilgan Hadoop platformasidir. Katta ma'lumotlar IT bozoridagi navbatdagi shunchaki yana bir shov-shuvga sabab bo'lgan hodisa emas, balki bu bilimga asoslangan qiymat zanjirlarini yaratishga tizimli hamda sifatli o'tishdir. Bundan kelib chiqib, Big Data texnologiyalarini sanoat korxonalarini faoliyatiga joriy etishning quyidagi muhim mezonlarini aytib o'tish kerak:

- XX asrning oxirida arzon kompyuter texnologiyalarining paydo bo'lishi bilan sanoat korxonalarini faoliyatini qay darajada o'zgarganligini ko'rish hamda buni bugungi kundagi Big Data texnologiyasiga solishtirish;
- Big Data texnologiyasi investorlar toppish yoki investitsiya kiritish;
- Kelgusi 5 yil ichida texnologiyaning joriy etishni tashkil qilish va 2030 yilga kelib undan keng foydalanila boshlash;
- Milliy Big Data texnologiyalarini yaratish uchun izlanishlar boshlash.

Xulosa shuni ko'rsatmoqdaki uzoqni ko'ra bilmaydigan boshqaruvchilar eskirgan yondashuvlardan foydalanishni davom etirsa xatto kun o'tkazish masalasi qiyinlashadi. Big Data texnologiyalaridan foydalanayotgan korxonalar kelajakda yetakchi mavqega ega bo'lishib, yuqori iqtisodiy yutuqlarga erishadilar.

**Adabiyotlar:**

БўтабоевМ., ЎриновА., МулайдиновФ., ТожимамтовИ. (2021) “Рақамли иқтисодиёт” ОТМ талабалари дарслик, Самарқанд.

ВайлП., (2018) Цифровая трансформация бизнеса / П. Вайл — «Альпина Диджитал», 23-30 стр.

Иванов П.Д., Вампиловв В.Ж. (2014) Технологии Big Data и их применение на современном промышленном предприятии. Инженерный журнал: наука и инновации, вып. 8. URL: <http://engjournal.ru/catalog/it/asu/1228.html>

Тиндал Сьюзен (2012) Большие данные: все, что вам необходимо знать. PC Week/RE, № 25 (810). URL: <http://www.pcweek.ru/idea/article/detail.php?ID=141962> (дата обращения 10.07.2014).

ТожимаматовИ. (2021) Рақамли иқтисодиётда big data технологияси, Андижон машинасозлик институти “Рақамли технологиялар, инновацион ғоялар ва уларни ишлаб чиқариш соҳасида қўллаш истиқболлари” мавзусида халқаро илмий анжумани, Андижон.



## ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ХУСУСИДА

**Бабаев Ф.М.**

*ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг  
илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази*

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигининг ҳуқуқий асослари муҳокама қилинган. Тадқиқот доирасида фаолият олиб борган хорижлик иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари таҳлил қилинган. Солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўрганилиб, мавзу якунида хулоса шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** солиқ, солиқ маъмуриятчилиги, даромад, бюджет, солиқдан қочиш, самарадорлик.

**Аннотация.** В статье рассматриваются правовые основы налогового администрирования в Узбекистане. Проанализированы исследования зарубежных экономистов, работавших в рамках исследования. Изучаются права и обязанности между налогоплательщиками и налоговыми органами, а в конце темы формулируется вывод.

**Ключевые слова:** налог, налоговое администрирование, доходы, бюджет, уклонение от уплаты налогов, эффективность.

**Annotation.** The article discusses the legal foundations of tax administration in Uzbekistan. The research of foreign economists who worked in the field was analyzed. The rights and obligations between taxpayers and tax authorities were studied, and a conclusion was drawn at the end of the topic.

**Keywords:** tax, tax administration, income, budget, tax evasion, efficiency.

### 1. Кириш.

Солиқ маъмуриятчилиги ўз моҳиятига кўра солиқ сиёсатини амалга ошириш, солиқларни йиғиш ва солиқ қонунчилигининг бажарилишини таъминлашни ўз ичига олади. У солиқ тўловчиларни рўйхатга олиш, солиқ мажбуриятларини баҳолаш, бажарилишини назорат қилиш ва солиқларни ундириш, шунингдек, солиқ низоларини ҳал қилиш ва ҳуқуқий ҳимоя воситаларини осонлаштириш каби кенг кўламли фаолиятни ўз ичига олади.

Солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлиги давлат молиясининг барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш, давлат ва фуқаролар ўртасида ишончни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Солиқ маъмуриятчилигининг тўғри йўлга қўйилган тизими солиқ тўловчиларнинг ўз

мажбуриятларини бажаришини таъминлайди, мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигига ҳисса қўшади ва давлат ресурсларини адолатли тақсимлашга ёрдам беради.

Солиқ маъмуриятчилигининг ҳуқуқий асослари тизимнинг тўғри ишлашини таъминлаш учун зарур бўлган қоидалар, тузилмалар ва тартибларни таъминлайди. Солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатлар ҳар икки томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи қонунлар, қоидалар ва маъмурий тартибларнинг мураккаб тармоғи билан тартибга солинади. Ушбу қонунчилик асослари солиқ тизимларининг асоси бўлиб хизмат қилади, солиқ йиғишнинг қонунийлигини белгилаб беради ҳамда бу жараёнда адолат, шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлайди.

Қонун устуворлиги, тенглик, камситилмаслик ва ошкоралик каби ҳуқуқий тамойиллар солиқ маъмуриятчилигига раҳбарлик қилувчи ҳуқуқий базага киритилган. Бу тамойиллар нафақат солиқ тизимининг самарали фаолият юритишини кафолатлайди, балки солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, солиқ органлари томонидан ўзбошимчалик билан қарорлар қабул қилиш хавфини камайтиради, солиқ низоларини ҳал этиш тартибини белгилайди.

Солиқ тизимлари тобора мураккаблашиб бораётган ва солиқ органлари глобал иқтисодий ўзгаришлар, технологик тараққиёт ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг трансчегаравий ўсиши билан курашишда қийинчиликларга дуч келаётган даврда мустаҳкам ҳуқуқий асос айниқса муҳимдир. Солиқ маъмуриятчилиги муваффақиятли бўлиши учун қонунчилик базаси мослашувчан бўлиши ва пайдо бўлаётган муаммолар ва имкониятларга жавоб бера оладиган бўлиши керак.

## **2. Адабиётлар шарҳи.**

Самарали солиқ маъмурияти иқтисодий барқарорлик учун жуда муҳим, чунки у башорат қилинадиган даромадларни таъминлайди, қонунчиликка риоя қилишни рағбатлантиради ва иқтисодий бузилишларни минималлаштиради. Ушбу тадқиқот мавзуси бўйича Кўплаб олимларнинг изланишларини кўриб чиқишимиз ва у бйўича мулоҳаза қилишимиз мумкин.

А.Пеллечо (1995) фикрича, “Самарали солиқ маъмурияти бузилишларни камайтириш ва ресурсларни тақсимлашни кучайтириш орқали солиқ тизимининг самарадорлигига бевосита таъсир қилади. Нотўғри маъмурият макроиқтисодий барқарорликка таъсир кўрсатадиган талабларга риоя қилмаслик ва даромад йўқотишларига олиб келиши мумкин”.

Солиқ маъмуриятчилиги ва миллий иқтисодий ривожланиш ўртасидаги муносабатлар жуда муҳим, чунки самарали солиқ тизимлари фискал барқарорликни таъминлайди ва ҳукуматларга ижтимоий-иқтисодий ташаббусларни молиялаштириш имконини беради. Жумладан, самарали солиқ маъмурияти, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда бюджет тақчиллигини барқарорлаштириш ва давлат хизматларини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган ишончли даромадларни йиғишни таъминлайди (Мансфилд, 1987).

В.Коровий (2020) фикрича, “Солиқни тартибга солиш ва самарали бошқарув фискал барқарорлик ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Улар ҳукуматларга ривожланиш мақсадларига эришиш ва ресурсларнинг адолатли тақсимланишини таъминлаш имконини беради”. Корпоратив ва нефть солиқлари каби солиққа тортиш механизмлари миллий ривожланиш кўрсаткичларига, жумладан, Инсон тараққиёти индексини яхшилашга сезиларли ҳисса қўшиши кўрсатилган (Нваканма & Ннамди, 2013).

С.Сулъзхенко ва С.Сулъзхенко (2022) замонга мослаб келтирган фикрича, “башоратли таҳлил, блокчейн ва сунъий интеллект каби инновациялар солиқ қонунчилигига риоя қилиш ва рискларни бошқаришни кучайтирди, бу эса даромадлар барқарорлигини оширишга олиб келди”. Р.Бирд ва Э.Золт, (2008) Рақамли трансформация бир дастаги сифатида: автоматлаштириш ва башоратли таҳлил каби технологиялардаги ютуқлар солиқ маъмуриятининг самарадорлигини оширади, бу эса миллий ривожланиш учун яхшироқ мувофиқлик ва ресурсларни кўпроқ сафарбар этишга олиб келади.

С.Веллер & М.Рао, (2010) фикрича, “Самарали солиқ тизимлари адолатли тарғиб қилиш ва самарасизликни камайтириш орқали иқтисодий хатти-ҳаракатларга ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, прогрессив солиққа тортиш талабни барқарорлаштириши ва даромадлар тенглигини ошириши мумкин”. М.Закарян ва З.Закарянларнинг (2023) фикрича, “Яхши тузилган солиқ тизими иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш ва ресурсларнинг адолатли тақсимланишини таъминлаш орқали иқтисодий ўсишга ёрдам беради. Самарали солиқ маъмурияти ушбу имтиёزلарни максимал даражада оширишнинг ажралмас қисмидир”.

М.Мардан (2019) Солиқ сиёсатини оптималлаштириш, шу жумладан солиқ ставкалари ва маъмурий имкониятларни мувозанатлаш, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий фаолликни рағбатлантириш учун жуда муҳимдир. Ушбу мувозанатни нотўғри бошқариш ўсишга путур этказиши мумкин.

Самарали солиқ маъмурияти даромадларнинг барқарор йиғилишини таъминлаш, қонунчиликка риоя қилишни рағбатлантириш ва ҳукуматларга ўз фискал ва ривожланиш мақсадларига эришиш имконини бериш орқали иқтисодий барқарорликни таъминлайди. Бусиз иқтисодий режалаштириш ва ўсиш жиддий равишда бузилади.

Эътибор бериладиган бўлса, самарали солиқ маъмуриятчилигида асосий урғу қонунчиликка қаратилмоқда. Демак, солиқ маъмурчилигининг ҳуқуқий асослари мустақкам бўлмас экан, самарали тизимни яратиш мавҳум эканлиги аёнлашади.

### **3. Таҳлил ва натижалар.**

Солиқ маъмуриятчилигининг ҳуқуқий асослари ҳар қандай самарали солиқ тизимининг асоси бўлиб хизмат қилади. У солиқларни адолатли йиғиш учун зарур бўлган қоидалар, тамойиллар ва тузилмаларни ўрнатади ва уларга риоя қилиш, ҳисобдорлик ва шаффофликни таъминлаш механизмларини тақдим этади. Ушбу бобда солиқ маъмуриятчилигини тартибга солувчи ҳуқуқий базанинг асосий таркибий қисмлари, унинг асосий тамойиллари, асосий қонунлари ва халқаро ўлчовларига эътибор қаратилади.

Солиқ маъмуриятчилигининг ҳуқуқий базаси солиқ тизимининг самарадорлиги ва адолатлилигини таъминлайдиган бир қанча асосий тамойилларга асосланади:

Қонунийлик (қонун устуворлиги), яъни солиқ маъмуриятчилиги қатъий қонун доирасида ҳаракат қилиши керак. Бу тамойил солиқларни фақат қонун чиқарувчи орган томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган қонунларга мувофиқ белгилаш, ундириш ва бошқариш мумкинлигини белгилайди.

Ҳуқуқий база солиққа тортишнинг адолатли бўлишини таъминлаши керак, яъни шунга ўхшаш ҳолатларга эга бўлган солиқ тўловчиларга нисбатан тенг муносабатда бўлиши ва тўлов қобилияти ҳисобга олинган ҳолларда прогрессив бўлиши керак.

Солиқ тўловчилар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан хабардор бўлишлари, солиқ органлари эса ишонч ва қонунчиликка риоя этишни мустаҳкамлаш учун шаффоф фаолият юритиши керак. Солиқ қоидалари, қарорлар ва тартибларни ошкор қилишнинг ҳуқуқий қоидалари муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқий база солиқ маъмуриятчилиги тизимининг самарали ишлашини таъминлаши, давлат ва солиқ тўловчилар учун харажатларни минималлаштириш ва даромадларнинг максимал йиғишини таъминлаши керак.

Дискриминацияга йўл қўймаслик, яъни ҳуқуқий база ирқи, миллати, жинси ёки бошқа аҳамиятсиз мезонлар асосида камситишни тақиқлаб, солиқ қонунчилигида тенг муносабатни таъминлаши керак.

Миллий солиқ қонунчилиги — бу давлат ҳудудида солиқларни белгилаш, тўплаш, ҳисоб-китоб қилиш ва назорат қилишга қаратилган қонунлар тизими. У солиқлар орқали давлат бюджетига даромад келтириш, ижтимоий хизматларни молиялаштириш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадларига хизмат қилади.

Миллий солиқ қонунчилиги солиқ маъмуриятчилиги учун ҳуқуқий асос яратиб, унинг самарали ишлашини таъминлайди. У солиқ жараёнларини назорат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ва давлат даромадларини бошқаришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Олиб борилган тадқиқотларга таяниладиган бўлса, солиқ маъмуриятчилигининг ҳуқуқий асослари қуйидаги элементларни ўз ичига олади (1-жадвал):

#### 1-жадвал

#### Солиқ маъмуриятчилигининг ҳуқуқий асослари<sup>1</sup>

Ҳужжат тури	Асоси
<b>Конституция</b>	Давлатнинг асосий қонуни солиқ маъмуриятчилигининг ҳуқуқий асосини белгилайди. Унда солиқ тўлаш давлат ва фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбурият сифатида белгиланади.
<b>Солиқ кодекси</b>	солиқ ва йиғимларни белгилаш, ҳисоблаш, тўлаш ва назорат қилиш қоидаларини белгилайдиган асосий ҳуқуқий ҳужжат. У орқали солиқ турлари ва уларнинг ставкалари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Солиқ органларининг ваколатлари ва фаолият тамойиллари тартибга солинади.
<b>Ижро ҳокимияти органлари ҳақидаги қонунлар</b>	Солиқ органларининг ваколатлари, ташкил этилиши ва иш тартиби давлатнинг ижро ҳокимияти ҳақидаги қонунлар орқали тартибга солинади.
<b>Халқаро шартномалар</b>	Халқаро солиққа оид келишувлар (қўшалок солиқ солишни олдини олиш шартномалари) ҳам ҳуқуқий асосларнинг бир қисми ҳисобланади.
<b>Низом йўриқномалар</b>	<b>ва</b> Амалий жараёнларни тартибга солувчи қонун ости ҳужжатлари, масалан, солиқ декларациясини топшириш қоидалари ёки назорат чораларининг тартиблари.
<b>Суд амалиёти</b>	Солиқ масалалари бўйича юзага келган низоларни ҳал қилишда суд қарорлари ҳуқуқий амалиётни шакллантиради ва ҳуқуқий асосни кенгайтиришга ёрдам беради.

<sup>1</sup> Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

---

**Фуқаролик ва маъмурий қонунлар** ва Бизнес субъектлари ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи умумий қонунлар, солиққа оид маъмурий чора-тадбирлар учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

---

1-жадвалда келтирилган солиқ маъмуриятчилигининг ҳуқуқий асослари давлат ва жамият ўртасида солиқ бўйича аниқ ва аниқлаштирилган муносабатларни таъминлаш учун зарурдир.

Солиқ маъмуриятчилигини шакллантиришда Конституция, Солиқ кодекси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар давлатнинг иқтисодий фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчи асосий манбалар ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири солиқ тизими ва маъмуриятчилигининг турли жабҳаларига бевосита таъсир кўрсатади.

Аввало, Конституция давлатнинг асосий қонуни сифатида солиқ тизими учун ҳуқуқий асосни белгилайди. Конституцияда солиқларнинг умумий мажбурияти ва адолатлилиги кафолатланади. Конституция давлатнинг солиқларни белгилаш, йиғиш ва тақсимлаш ҳуқуқини расмийлаштиради. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, шу жумладан, ноқонуний солиқ йиғимларидан ҳимоя қилиш механизмлари конституциявий даражада белгиланади. Масалан, 63-моддада *“Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт. Солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги керак”* деб келтирилган.

Солиқ кодекси солиқ тизимини амалий шакллантирувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатдир. Солиқ кодекси солиқлар ва йиғимларнинг турлари, уларнинг ҳисоблаш, тўлаш ва ўндирилиш тартибини аниқ белгилайди. Солиқ тўловчилар ўз вақтида ҳисобот бериш, тўловларни амалга ошириш ва қонунларга риоя қилишга мажбур. Бунга жавобан, улар маълумот олиш, адолатли текширувлар ва қонунбузарликларга қарши апелляция қилиш ҳуқуқига эгадир. Солиқ кодекси орқали солиқ органлари аудиторлик текширувлари, декларацияларни кўриб чиқиш ва қарздорликни ундириш каби фаолият турларини амалга оширади. Кодексда солиқ қонунчилиги бузилган ҳолларда қўлланиладиган жарима ва бошқа жазо чоралари аниқ кўрсатилган.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган қонун ости ҳужжатлари бўлиб, улар солиқ маъмуриятчилигини амалий даражада қўллашга мўлжалланган. Масалан, декларацияларни топшириш тартиби, солиқларни электрон шаклда тўлаш ва бошқа амалий жараёнларни тартибга солади. Меъёрий ҳужжатлар орқали солиқ органларининг ички тизими, ходимларнинг вазибалари ва иш жараёни тартибга солинади. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларга мослаштирилади ва тезкорлик билан амалга оширилади.

Ююридагиларга асосланадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Солиқ кодекси ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари солиқ маъмуриятчилигининг ҳуқуқий асосини ташкил қилади. Конституция принципларни белгиласа, Солиқ кодекси уларни амалий шаклга келтиради, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар эса бу жараёнларни амалга ошириш механизмларини таъминлайди. Уларнинг ўзаро уйғунлиги самарали ва адолатли солиқ тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Солиқ маъмуриятчилигининг институционал тузилиши солиқларни ҳисоблаш, йиғиш ва назорат қилишни амалга оширадиган ташкилотлар ва уларнинг ўзаро муносабатларини ифодалайди. Бу тизим давлатнинг солиқ сиёсати ва унинг самарадорлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга.



Марказий солиқ органлари давлат солиқ сиёсати ва назоратининг асосий бошқарувчи органлари ҳисобланади. Ўзбекистонда Давлат Солиқ Қўмитаси (ДСҚ) шундай марказий органдир. Улар қуйидаги вазифаларни бажаради:

- солиқ қонунчилигини ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- солиқларни йиғиш ва тақсимлаш жараёнларини мувофиқлаштириш;
- солиқ текширувлари учун кўрсатмалар ва сиёсатни белгилаш.

Худудий органлар солиқ маъмуриятчилигини маҳаллий даражада амалга оширадilar. Улар қуйидаги фаолиятларни олиб борадилар:

- Жисмоний ва юридик шахслардан солиқ йиғиш;
- Декларацияларни қабул қилиш ва текшириш;
- Солиқ қарздорларига нисбатан чоралар кўриш.

Солиқ маъмуриятчилигининг институционал тузилиши давлатнинг солиқ сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Унинг турли даражаларидаги органлари ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлик ва адолатни таъминлайди, рақамлаштириш эса жараёнларни шаффоф ва тезкор қилади.

Солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар давлат солиқ қонунчилиги билан белгилаб берилади. Бу ҳуқуқий муносабатлар икки томоннинг масъулиятини аниқлаб, солиқ тизимининг самарадорлигини таъминлашга қаратилган.

Солиқ тўловчилар ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва қонунчиликка асосланган тарзда ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга. Асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари 2-жавдалда келтирилган:

## 2-жадвал

### Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари<sup>2</sup>

<b>ҲУҚУҚЛАРИ</b>	<b>МАЖБУРИЯТЛАРИ</b>
<i>Адолатли муносабат ҳуқуқи - солиқ органлари томонидан қонунлар асосида ҳаракат қилинган ҳолда муносабатда бўлишни талаб қилиш.</i>	<i>Солиқларни ўз вақтида тўлаш - қонун билан белгиланган муддатларда солиқлар ва йиғимларни тўлаш.</i>
<i>Маълумот олиш ҳуқуқи - солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар, тўлов тартиблари ва солиқ имтиёзлари тўғрисида ахборот олиш.</i>	<i>Ҳаққоний ҳисобот бериш - солиқ ҳисоботларида тўғри ва аниқ маълумотларни кўрсатиш.</i>
<i>Ҳисобот ва декларацияларни тақдим қилиш эркинлиги - солиқ декларациясини электрон ёки қоғоз шаклида тақдим қилиш.</i>	<i>Текширувларга ҳамкорлик қилиш - солиқ органлари ўтказадиган солиқ текширувларда ҳамкорлик қилиш.</i>
<i>Апелляция қилиш ҳуқуқи - солиқ органлари томонидан қонун бузилган тақдирда суд ёки бошқа органларга шикоят қилиш.</i>	<i>Солиқ идентификация рақамидан фойдаланиш - ҳар қандай солиқ операциясида шахсий солиқ идентификация рақамини кўрсатиш.</i>
<i>Имтиёз ва қонунчилик кафолатларидан фойдаланиш ҳуқуқи - солиқ имтиёзлари ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа енгилликлардан фойдаланиш.</i>	<i>Қонун талабларига риоя қилиш - солиқ қонунчилигида белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиш.</i>

<sup>2</sup> Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзаро ишонч, адолат ва самарали солиқ тизимини таъминлаш учун зарурдир. Солиқ тўловчилар ўз мажбуриятларини бажариши билан бирга, солиқ органларининг қонуний фаолияти ҳам ҳуқуқий ҳимоянинг кафолати сифатида хизмат қилади. Солиқ органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эса 3-жавдалда келтирилган:

**3-жадвал**

**Солиқ органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари<sup>3</sup>**

<b>ҲУҚУҚЛАРИ</b>	<b>МАЖБУРИЯТЛАРИ</b>
<b>Маълумот сўраш ҳуқуқи</b> - солиқ тўловчилардан уларнинг молиявий фаолияти ҳақида маълумот сўраш.	<b>Қонунларга риоя қилиш</b> - фаолиятида фақат қонун ҳужжатлари асосида иш олиб бориш.
<b>Текширув ўтказиш ҳуқуқи</b> - солиқ ҳисоботлари ва молиявий операцияларни солиқ текширувдан ўтказиш.	<b>Маълумотларни шаффоф тақдим қилиш</b> - солиқ тўловчиларга қонунчилик ва тўлов тартиблари ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумот бериш.
<b>Санкция қўллаш ҳуқуқи</b> - қонун бузилган ҳолатларда жарима ёки бошқа жазо чораларини қўллаш.	<b>Солиқ тўловчиларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш</b> - солиқ тўловчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга адолатли муносабатда бўлиш.
<b>Ҳисоботларни таҳлил қилиш</b> - солиқ декларациялари ва ҳисоботларини таҳлил қилиш ва хато ёки қонунбузарликларни аниқлаш.	<b>Маълумотларни махфий сақлаш</b> - солиқ тўловчиларнинг молиявий маълумотларини махфий сақлаш.
<b>Ҳаракатларни тўхтатиш чоралари</b> - солиқ қонунчилигига риоя этмаслик ҳолатларида активларни музлатиш ёки молиявий фаолиятни тўхтатиб қўйиш.	<b>Янгиланиш ва ривожланиш</b> - солиқ жараёнларини яхшилаш ва рақамлаштириш учун замонавий технологияларни жорий этиш.

Солиқларни ундириш ва ижро этиш давлатнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ва ташкилий жараёндир. Бу жараёнлар солиқ тўловчилар томонидан солиқларнинг ўз вақтида ва тўғри тўланишини таъминлаш мақсадида қонунчилик асосида тартибга солинади. Буни эса юқорида келтирилгани каби солиқ органлари фаолияти асосида тартибга солинадикки, шу сабабли ҳам солиқ маъмуриятчилигининг ҳуқуқий асоси шу икки субъектлар ўртасида содир бўлади.

Солиқ мажбуриятларини таъминлаш учун давлат солиқ органлари текширувлар ўтказиши, жарималар қўллаши ва бошқа ҳуқуқий санкциялардан фойдаланади. Бу воситалар солиқ тўловчилар томонидан қонунчиликка риоя қилишни таъминлаш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш ва қонунбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Солиқ маъмурияти самарадорлиги давлат бюджетининг барқарорлиги ва иқтисодий ривожланиш учун муҳим аҳамиятга эга. Аммо солиқ тизимидаги ҳуқуқий муаммолар, жумладан, бўшлиқлар, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва коррупция, бу тизимнинг адолатли ишлашини қийинлаштиради.

Аввало, қонун ҳужжатларининг ноаниқлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Солиқ кодексидаги мавҳум ва ноаниқ моддалар турлича талқин қилиниши мумкин,

<sup>3</sup> Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

бу солиқ тўловчилар ва органлар ўртасида доимий низоларни келтириб чиқаради. Ҳисоб-китобларда қўлланиладиган солиқ имтиёзлари ва истисноларнинг аниқ белгиланмаганлиги.

Ёки тез-тез ўзгарувчи қонунчилик солиқ тизимининг беқарорлигига сабабчи бўлмоқда. Қонунчиликка тез-тез киритиладиган ўзгаришлар солиқ тўловчиларнинг тушунмовчилигига сабаб бўлади ва қонунга риоя қилиш даражасини пасайтиради. Шу сабабли давлат иқтисодий сиёсатининг узоқ муддатли мақсадларига мувофиқ қонунларни ишлаб чиқиш лозим.

Бошқа томондан кўриладиган бўлса, интеграциялашган халқаро механизмларнинг йўқлиги ҳам катта муаммо ҳисобланади. Халқаро даражада солиқ маълумотлари билан алмашинувнинг етарлича тизимли эмаслиги трансчегаравий солиқдан қочиш ҳолатларини осонлаштиради.

Бу муаммоларни ечиш учун Солиқ кодексини соддалаштириш ва унинг барча моддаларини тушунарли қилиш, даврий равишда солиқ қонунчилигининг мустақамлиги ва амалиётини таҳлил қилиш лозим.

Бугунги куннинг энг катта муаммоси солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳисобланади. Солиқ тўловчилар ўз даромадларини нотўғри ҳисобот бериш ёки яшириш йўли билан солиқдан қочади. Ёлғон ҳисоботлар ва сохта инвойслар орқали солиқ миқдорини камайтиради. Қўшма корхоналар орқали, масалан, корхоналар ўз активларини қуйи солиқ юки бўлган давлатларга ўтказишади. Бундай солиқ тўлашдан бўйин товлаш жамиятда тенгсизликни оширади, чунки қонуний солиқ тўловчилар учун юк кўпаяди. Бунинг ечимини амалга ошириш учун сунъий интеллект ва блокчейн технологияларини солиқ ҳисоботларини текширишда жорий этиш, халқаро маълумот алмашинувини ривожлантириш лозим бўлади.

Яна энг катта муаммолардан бири солиқ органлари ходимлари ва солиқ тўловчилар ўртасида келишувлар бўлиб, қарздорлик ёки жарималарни камайтиради ёки бекор қилиш учун ноқонуний келишувларни амалга оширишади. Солиқ тўловчиларга нисбатан ноҳўя муносабат кўрсатиш ёки текширув натижаларини сунъий ўзгартириш каби ҳолатлар ҳам ўчраб турибди.

Бундай коррупция натижасида албатта ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб, авваломбор, давлат бюджетининг йўқотилиши бўлса, бошқа томондан жамиятда ишончнинг пасайиши ва иқтисодий барқарорликнинг бузилишига олиб келади. Шу туфайли ҳам солиқ органларида уларнинг фаолиятини рақамлаштириш ва инсон омилини минималлаштириш масаласига урғу берилмоқда. Шу билан биргаликда солиқ органлари ходимларининг маош ва мукофот тизимини яхшилаш керак. Чунки даромаднинг пастлиги уларнинг коррупцион ҳолатлар иштирокчисига айланттириб қуйиши мумкин.

Юқоридагиларга асослансак, солиқ маъмуриятчилигидаги бўшлиқлар, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва коррупция муаммолари давлат молия тизимида салбий таъсир кўрсатади. Бундай муаммоларни ҳал қилиш учун қонунчиликни яхшилаш, рақамлаштириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва кучли назорат механизмларини жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки солиқ қонунчилиги ва маъмуриятчилигини такомиллаштириш орқали давлат иқтисодий сиёсатини кучайтириш мумкин. Соддалаштирилган ва барқарор қонунчилик, рақамлаштирилган назорат механизмлари, ва халқаро тажрибани жорий этиш солиқ тизимининг адолатли, шаффоф ва самарали бўлишига ёрдам беради.

#### **4. Хулоса.**

Хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигининг ҳуқуқий асослари давлатнинг фискал сиёсати, иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий

барқарорлик учун муҳим омиллардан саналади. Солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлиги, аввало, давлатнинг молиявий манбаларини тўғри йўналтириш, иқтисодий ўсишга туртки бериш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, солиқ маъмуриятининг ижтимоий аҳамияти давлатнинг солиқ сиёсатидаги шаффофлик ва адолатлиликини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистонда солиқ органларининг ролини кучайтириш, уларнинг ишлаш механизмини такомиллаштириш, янги ҳуқуқий механизмлар ва қонунчиликларни жорий қилиш зарур. Бунинг натижасида солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари тўла ҳимоя қилинади, уларнинг солиққа оид масъулиятлари аниқ белгилаб қўйилади, шу билан бирга, давлат бюджети учун зарурий молиявий манбалар йиғилади. Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш орқали давлат, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида мувозанатли ҳамкорлик йўлга қўйилади ва мамлакатнинг иқтисодий ўсиши таъминланади.

#### **Адабиётлар:**

- Bird, R., & Zolt, E. (2008). Technology and Taxation in Developing Countries: From Hand to Mouse. *National Tax Journal*, 61, 791 -21. <https://doi.org/10.17310/ntj.2008.4S.02>.
- Koroviy, V. (2020). Tax regulation of socio-economic development., 147-155. <https://doi.org/10.31470/2306-546X-2020-47-147-155>.
- Mansfield, C. (1987). Tax Administration in Developing Countries: An Economic Perspective. *Political Economy (Topic)*. <https://doi.org/10.2307/3867282>.
- Mardan, M. (2019). Tax Systems and Development. *International Corporate Finance eJournal*. <https://doi.org/10.2139/ssrn.3490404>.
- Nwakanma, P., & Nnamdi, K. (2013). Taxation And National Development. *Research Journal of Finance and Accounting*, 4, 176-180.
- Pellechio, A. (1995). The Reform of Tax Administration. *Tax Law: Tax Law & Policy eJournal*. <https://doi.org/10.5089/9781451843941.001.A001>.
- Sul'zhenko, S., & Sul'zhenko, S. (2022). ECOSYSTEM APPROACH AS A BASIS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF TAX ADMINISTRATION. *Actual directions of scientific researches of the XXI century: theory and practice*. <https://doi.org/10.34220/2308-8877-2022-10-4-56-67>.
- Weller, C., & Rao, M. (2010). Progressive Tax Policy and Economic Stability. *Journal of Economic Issues*, 44, 629 - 659. <https://doi.org/10.2753/JEI0021-3624440304>.
- Zakaryan, M., & Zakaryan, Z. (2023). The Role of the Tax System in the Country's Economy. *Scientific Proceedings of the Vanadzor State University. Humanities and Social Sciences*. <https://doi.org/10.58726/27382915-2023.1-377>.



#### ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ

*PhD., профессор Бердиева Д.А.*

*Тошкент архитектура-қурилиш университети*

**Аннотация.** Ушбу мақолада замонавий уй-жой фондини самарали ташкил этишнинг эконометрик таҳлили муҳимлиги, унга таъсир этувчи омиллар таъсирини ва муаммолар ечимини топиш учун аниқ ва ишончли маълумотлар келтирилди. Мазкур иқтисодий таҳлилда *econometrics* (эконометрика) усулларидан фойдаланилди, чунки улар статистик маълумотлар ва иқтисодий назарияларни ўзаро боғлашга ёрдам беради. Таҳлил жараёнида жорий ўзгаришларни ҳисобга олиш ва уларга тезда мослашиш учун мониторинг тизимларини яратиш мақсад қилинди. Таҳлил натижалари асосида, ушбу мақолада уй-жой фондини яхшилаш учун таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** замонавий уй-жой фонди, инвестиция ҳисоби, уй-жой фондини самарали ташкил этиш, эконометрик моделлар, регрессия ва корреляция тенгламаси.

**Аннотация.** В данной статье представлена точная и достоверная информация о важности эконометрического анализа эффективной организации современного жилищного фонда, влиянии влияющих на него факторов и поиске решений проблем. В данном экономическом анализе использовались методы эконометрики (эконометрики), поскольку они помогают соотнести статистические данные и экономические теории. В ходе анализа была поставлена цель создать системы мониторинга, позволяющие учитывать текущие изменения и быстро адаптироваться к ним. По результатам анализа в статье разработаны рекомендации по улучшению жилищного фонда.

**Ключевые слова:** современный жилищный фонд, инвестиционный учет, эффективная организация жилищного фонда, эконометрические модели, регрессионно-корреляционные уравнения.

**Abstract.** This article presents accurate and reliable data on the importance of econometric analysis of the effective organization of the modern housing stock, the impact of factors affecting it, and finding solutions to problems. This economic analysis uses econometrics methods, as they help to correlate statistical data and economic theories. The analysis aimed to create monitoring systems to take into account current changes and quickly adapt to them. Based on the results of the analysis, this article developed proposals and recommendations for improving the housing stock.

**Keywords:** modern housing stock, investment accounting, efficient organization of housing stock, econometric models, regression and correlation equation.

## **1. Кириш.**

Замонавий уй-жой фондини самарали ташкил этиш, ҳар бир давлат ва жамият учун аҳамиятли ва кундалик ҳаётга катта таъсир кўрсатадиган масала ҳисобланади. Ушбу масалага амалий ёндашувлар, иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан олиб қаралганда, жуда муҳимдир. Бугунги кундаги шаҳарлашув жараёни, аҳоли сонининг ўсиши, иқтисодий ривожланишнинг янги босқичлари ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш истаги уй-жой қурилишининг юқори самарадорлигини таъминлашни талаб қилмоқда.

Замонавий уй-жой фондини ташкил этишда фақат уйлар қуриш эмас, балки уларнинг сифати, экологик хавфсизлиги, ижтимоий инфратузилмаси, энергия тежамкорлиги, транспорт ва бошқа омиллар билан боғлиқ муҳим омиллар ҳам ҳисобга олинади. Ушбу жараёнда кўплаб иқтисодий омиллар, масалан, қурилиш материалларининг нархи, ишлаб чиқариш қувватлари, аҳолининг даромад даражаси, банк кредити имкониятлари ва давлат сиёсати муҳим рол ўйнайди.

Замонавий уй-жой фондини самарали ташкил этишнинг мақсади нафақат уй-жойга бўлган талабни қондириш, балки ижтимоий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишга ишончли асос яратиш ва одамларнинг ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатишдир. Бу мақсадларга эришиш учун замонавий иқтисодий, ижтимоий ва экологик ёндашувлар, шунингдек, статистик ва эконометрик таҳлиллар муҳим аҳамиятга эга.

## **2. Адабиётлар шарҳи.**

Жаҳонда илм-фан ва техник тараққиёт жиддат билан олдинлаб бормоқда. Ўз навбатида бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси ва даромадларининг ошишига олиб келмоқда. Табиийки, аҳоли даромадлари ошиши билан уларнинг ўз яшаш шароитларини яхшилашга интилишлари ҳам ошиб боради. Хусусан, барча қулайликларга эга замонавий уй-жойларга бўлган талаб йилдан-йилга ошмоқда. Бу эса аҳолининг замонавий уй-жойларга бўлган талабларини тўлиқ қондиришда замонавий уй-жой фондини самарали ташкил этиш заруратини вужудга келтирмоқда.

Шу боисдан замонавий уй-жой фондини самарали ташкил этишни илмий тадқиқ этиш, унга таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш ва уларнинг миқдорий таъсирини эконометрик моделлар асосида баҳолаш ҳамда узоқ муддатли прогноз сценарийларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу ўринда замонавий қурилиш методлари, қурилиш тартиблари, давлатнинг уй-жой сиёсати ва хусусий сектор билан ҳамкорлик масалаларига катта эътибор қаратиш зарур. Замонавий уй-жой фондини самарали ташкил этишнинг иқтисодий-эконометрик таҳлили бўйича олимларнинг фикрлари ва қарашлари кўп жиҳатдан бир неча муҳим йўналишларни қамраб олади. Қуйида бир қатор йирик олимлар ва иқтисодчиларнинг мазкур тадқиқотимиз йўналишидаги илмий қарашлари ва таҳлилларини кўриб чиқамиз.

Robert Solow (2010) “Уй-жой бозори ва иқтисодий ўсиши бўйича макроиқтисод ва иқтисодий ўсишни таҳлил қилиш”даги илмий ишлари билан танилган олим, уй-жой секторининг иқтисодий ўсишга таъсирига эътибор қаратган. Унинг фикрича, уй-жой фондининг самарали ташкил этилиши, иқтисодий ўсишни кўллаб-қувватлаш учун муҳим ҳисобланади. Аниқ моделлар ва иқтисодий индикаторлар асосида уй-жой бозоридаги самарадорлик ошиши мамлакатнинг умумий иқтисодий ривожланишини стимуллаштиради. Яъни, уй-жой фондининг самарали ишлаши иқтисодий ўсишнинг бир қисми бўлиши мумкин. Бунинг учун ижара бозорларининг самарадорлигини ва қурилиш харажатларининг самарадорлигини таҳлил қилиш; иқтисодий ўсишни максималлаштириш учун уй-жой секторининг инфратузилмаси

ва энерго-ҳамкорлик интеграциясини оптималлаштириш керак деб таъкидлайди.

George Akerlof (2017) ўз илмий тадқиқотларида "Симметрик маълумотлар ва асимметрик маълумотлар" тўғрисидаги таҳлиллари орқали уй-жой секторини иқтисодий моделлар қарашига асос солди. Уй-жой фондининг самарадорлиги, биринчи навбатда, инсонларнинг қарорларини таҳлил қилишга ва қарорлар олишдаги маърузаларга таъсир этувчи омилларга боғлиқ. Унинг қарашларида: уй-жой секторидида маълумот асимметриясини таҳлил қилиш, яъни божхона, қурилиш, ва ижара нархлари ҳақидаги маълумотларнинг аниқлиги ва шаффофлигини ошириш — самарадорликни оширишнинг асосий йўналиши; таъминлаш ва талаб ўртасидаги алоқаларни аниқ моделлар орқали таҳлил қилиш, бозорни самарали ташкил қилиш учун муҳимлигини таъкидлади.

John M. Keynes (2008) иқтисодий назариясида макроиқтисодий сиёсат ва давлат аралашуви муҳим ўрин тутди. Уй-жой фондидаги ижара нархлари қурилиш ва таъмирлашни таҳлил қилишда, давлат сиёсатининг таъсирига эътибор қаратилиши лозимлигини таъкидлади. Кейнснинг назарияси бўйича, давлатнинг қўллаб-қувватлаши иқтисодий талабни рағбатлантиради ва уй-жой бозоридидаги самарадорликни оширишга олиб келади. Қурилиш ва ижара бозорларидаги фаолиятни рағбатлантириш учун давлатнинг интервенциясини кучайтириш зарурлигини; маҳсулотларнинг (уй-жойлар) ускуналари ва энергия ресурсларини тежашга қаратилган инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш самарадорликни оширишга ёрдам беради деб ҳисоблайди.

Patrick Bajari, Phoebe Chan, Dirk Krueger ва Daniel Miller (2010) замонавий иқтисодий-математик моделларнинг тажрибаси асосида, уй-жой фондининг самарадорлиги ва унинг оптималлаштиришини ишлаб чиқиш бўйича амалий тадқиқотлар олиб борди. Уларнинг тадқиқотлари асосида уй-жой фондининг моделлаштирилиши, ўзгарувчан бўлган талаб ва таъминотни ҳисобга оладиган динамик моделлар асосида амалга оширилади деб ҳисоблайди. Уларнинг илмий қарашларида: уй-жой фондининг моделлаштирилишида динамик муаммоларни ва вақтдаги ўзгаришларни ҳисобга олиш муҳимлиги; энергия самарадорлиги ёки янги экологик технологияларни жорий қилиш, замонавий уй-жой фондининг самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнаши мумкинлигини таъкидлайди. Эконометрия ва иқтисодиётдаги уй-жой фондининг моделлари бўйича улар ўз илмий тадқиқот ишларида, ушбу фондни оптималлаштириш учун янгиликлар киритиш ва статистик таҳлил усуллари ишлатишга эътибор қаратишди.

Уввий иқтисодий-математик моделлар ва қурилиш бозорини таҳлил қилиш бўйича тадқиқотчи Xin Lin (2021) эса уй-жой секторининг иқтисодий самарадорлигини янги методологиялар орқали таҳлил қилиб, унинг ижтимоий ва иқтисодий таъсирларини баҳолаган. Уй-жой бозоридидаги тенгсизликни ўзининг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун кўпчилик тадқиқотларида уй-жой секторининг тенгсизлигини таҳлил қилишни таклиф этган. Унинг фикрича, ижтимоий тенгликни таъминлаш учун уй-жой фондини ташкил этишда, аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодий имкониятлар ҳисобга олиниши керак. Уй-жой фондининг самарали ташкил этилишида аҳоли жамиятининг ижтимоий ва иқтисодий талаблари ёритилиши лозим. Уй-жой секторининг талаб ва таъминотни ҳисобга оладиган моделлари ижтимоий тенгликка кўмаклашишга ёрдам беради деб таъкидлайди.

А.Деинеко, В.А.Курочкина ва Й.Бронниковаларнинг (2021) тадқиқот ишларида замонавий уй-жой фондининг экологик томонларига эътибор қаратишга алоҳида аҳамият берган. Уларнинг қарашларига кўра, замонавий уй-жой фондини ташкил этишда энергия самарадорлиги ва экологик муаммолар муҳим омилдир. Уй-жойларда энергия истеъмолини оптималлаштириш, қурилишнинг экологик

самарадорлигини ошириш замонавий талаблардан биридир. Натижада, қурилиш жараёнида экологик муносабатлар ва энергияни тежаш технологиялари самарадорликни оширишга ёрдам беради. Экологик моделлар ва қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий қилиш замонавий уй-жой фондининг аҳамиятли йўналиши ҳисоблайди.

Замонавий уй-жой фондини самарали ташкил этишнинг эконометрик таҳлили бўйича олимларнинг қарашлари турли йўналишлардаги муаммоларга ечим топишга йўналтирилган. Уларнинг илмий тадқиқотлари: уй-жой бозори, ижара нархлари, бозор талаблари, давлат сиёсатининг таъсири, экологик самарадорлик ва энергия иқтисодиётига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу илмий ёндашувлар замонавий уй-жой фондини ишлатишда ўзига хос йўналишларни белгилайди.

### 3. Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақоладаги таҳлиллар замонавий уй-жой фондининг ривожланиш тенденциялари, уларнинг муаммолари ва уларга энг самарали ечимларни топишда фойдаланиш учун ишлатиладиган янги методларни ўрганишга қаратилган. Эконометрик таҳлил орқали уй-жой фондининг самарали ташкил этилишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг ўзаро муносабатини ўзгаришларга мос равишда баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Шу сабабли, ушбу тадқиқот замонавий уй-жой фондини самарали ташкил этишнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатларини иқтисодий моделлар ва статистик таҳлиллар орқали ўрганиш мақсад қилган.

### 4. Таҳлил ва натижалар.

Расмий статистик маълумотларга кўра, 2023 йил якунлари ҳолати бўйича мамлакатимизда квартира уйлар сони 7476238 тага (мазкур кўрсаткич 2022 йилда 7301164,0 тага) етиб, уй-жой фондининг умумий майдони 692512643,2 кв.м.ни (ушбу кўрсаткич 2022 йилда 658356976,0 кв.м.) ташкил этган. Қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 107,0 фоизни (бу 2022 йилда 106,6 фоизни) ташкил этиб, шундан инвестициялар ҳисобидан фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг умумий майдони 14752,3 минг кв.м.ни ташкил этган. Шунингдек, кейинги даврларда мамлакатимизда кузатилаётган демографик ўзгаришлар шуни кўрсатадики, 2024 йил 1 январь ҳолатига доимий аҳоли сони 36024,9 минг кишини ва аҳоли зичлиги (1 кв.м.га тўғри келадиган аҳоли сони) 80 кишини ташкил этиб, аҳоли умумий даромадларининг ўсиш суръати 115,0 фоизни ҳамда кам таъминланган аҳоли улуши 11,0 фоизни ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

### Замонавий уй-жой фондини самарали ташкил этишга таъсир этувчи асосий кўрсаткичлар<sup>1</sup>

Йил	Уй-жой фондининг умумий майдони, (кв.м.)	Квартира уйлар сони, (донада)	Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларнинг ўсиш суръатлари (%)	Қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати (%) да	Инвестиция ҳисобидан фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг умумий майдони, минг кв.м.	Аҳоли умумий даромадларининг ўсиш суръати (%) да	Доимий аҳоли сони (минг киши)	Аҳоли зичлиги (1 кв.м.га тўғри келадиган аҳоли сони, (киши))	Кам таъминланган аҳоли ҳажми (%) да
	Y	X <sub>1</sub>	X <sub>2</sub>	X <sub>3</sub>	X <sub>4</sub>	X <sub>5</sub>	X <sub>6</sub>	X <sub>7</sub>	X <sub>8</sub>
2010	427132875,0	5512030,0	128,4	105,1	8859,2	132,9	28001,4	62,4	17,7
2011	439548586,0	5571042,0	122,0	107,8	9203,3	137,2	29123,4	64,9	16,0
2012	446434363,0	5629349,0	123,6	113,7	10367,7	121,3	19555,4	65,8	15,0

<sup>1</sup> <https://stat.uz/uz/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.



2013	457883489,0	5718187,0	116,8	117,2	10744,4	121,1	29993,5	66,8	14,1
2014	466182968,0	5804059,0	119,9	117,6	11419,7	115,9	30492,8	67,9	13,3
2015	477094890,0	5796860,0	118,5	118,8	12052,7	115,7	31022,5	69,1	12,8
2016	490846580,0	5940490,0	117,5	107,2	11280,0	116,9	31575,3	70,3	12,3
2017	507547524,0	5924275,0	106,6	106,0	11456,4	119,7	32120,5	71,5	11,9
2018	521244564,0	6074552,0	107,9	114,3	13398,6	126,9	32656,7	72,7	11,4
2019	536785540,0	6337713,0	104,7	122,9	15501,5	121,6	33255,5	74,1	11,0
2020	548995771,0	6589931,0	90,0	109,5	12867,9	113,5	33905,2	75,5	11,5
2021	636414295,0	7147196,0	123,1	106,8	14045,5	125,1	34558,9	77,0	17,0
2022	658356976,0	7301164,0	110,0	106,6	14612,6	122,0	35271,3	78,6	14,1
2023	692512643,2	7476238,0	112,6	107,0	14752,3	115,0	36024,9	80,2	11,0

1-жадвал умумий статистик таҳлилларга кўра, 2010-2023 йиллар давомида республика бўйича уй-жой фондининг умумий майдони ўртача 521984869,5 кв.м.ни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати ўртача 111,5 фоизни ва инвестициялар ҳисобидан фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг умумий ўртача майдони 12182,9 минг кв.м.ни ташкил этганлиги кузатилади.

## 2-жадвал

### Descriptive Statistics

Variable	Obs	Mean	Std. Dev.	Min	Max
y	14	5.219e+08	84869500	4.271e+08	6.925e+08
x1	14	6201649	668786.16	5512030	7476238
x2	14	114.4	9.968	90	128.4
x3	14	111.464	5.813	105.1	122.9
x4	14	12182.986	2078.581	8859.2	15501.5
x5	14	121.771	6.87	113.5	137.2
x6	14	31254.093	4093.87	19555.4	36024.9
x7	14	71.2	5.409	62.4	80.2
x8	14	13.507	2.228	11	17.7

Шу даврлар мобайнида аҳоли умумий даромадларининг ўсиш суръати ўртача 121,8 фоизни ҳамда кам таъминланган аҳоли улуши ёки мамлакатда камбағаллик даражаси ўртача 13,5 фоизни ташкил этган.

Маълумки, аҳолининг замонавий уй-жойларга бўлган талабини муносиб нархларда қондириш замонавий уй-жой фондини самарали ташкил этишга боғлиқ. Бу эса ўз навбатида бир қатор омилларга, хусусан квартира уйлар сони ( $x_1$ ), кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларнинг ўсиш суръати ( $x_2$ ), қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати ( $x_3$ ), инвестиция ҳисобидан фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг умумий майдони ( $x_4$ ), аҳоли умумий даромадларининг ўсиш суръати ( $x_5$ ), доимий аҳоли сони ( $x_6$ ), аҳоли зичлиги ( $x_7$ ) ва кам таъминланган аҳоли улуши ( $x_8$ ) каби омилларга боғлиқдир.

Шу боис, натижавий омил – уй-жой фондининг умумий майдони ( $y$ ) ва унга таъсир қилувчи омиллар ( $x_n$ ) ўртасидаги боғлиқликни кўп омилли чизиқли регрессия модели орқали қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин.

$$y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3 + a_4x_4 + a_5x_5 + a_6x_6 + a_7x_7 + a_8x_8 + \varepsilon \quad (1)$$

бу ерда,  $a_0, a_1, a_2, a_3, a_4, a_5, a_6, a_7, a_8$  – моделнинг номаълум параметрлари,  $\varepsilon$  – тасодикий хатолик.



$(0,60 < r_{yx_n} < 0,80)$ ,  $(x_2, x_3, x_5)$  омиллар билан ўртачадан паст корреляцион боғланиш  $(0,30 < r_{yx_n} < 0,60)$  ҳамда  $(x_8)$  омил билан паст даражада корреляцион боғланиш  $(r_{yx_n} < 0,30)$  мавжудлиги аниқланди. Шунингдек, натижавий омил  $(y)$  га  $(x_2, x_3, x_5, x_8)$  омиллар тескари, ҳамда  $(x_1, x_4, x_6, x_7)$  омиллар эса тўғри таъсир кўрсатиши аниқланди.

Маълумки, моделга икки ёки ортиқ зич чизиқли корреляцион ўзаро боғланган омиллар киритилса, у ҳолда регрессия тенгламаси билан бир қаторда бошқа чизиқли боғлиқлик вужудга келади. Яъни, мультиколлинеарлик ҳодисаси кузатилади ва бу регрессия коэффицентлари миқдорини бузиб кўрсатади ҳамда уларнинг иқтисодий талқинини қийинлаштиради. Бундан ташқари, кузатувлар сони  $(n)$  ва моделга киритилаётган омиллар сони  $(m)$  бўйича қабул қилинган нисбат  $(3-4/1)$  ҳам қаноатлантирилмаяпти.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иқтисодий мазмуни ва гуруҳлаш белгисига кўра, натижавий омил  $(y)$ га таъсир қилувчи омиллар  $(x_n)$ нинг таъсирини миқдорий баҳолаш учун қуйидагича боғлиқ бўлмаган тенгламалар тизими кўринишида ифодалаш мумкин.

$$\begin{cases} y = a_0 + a_1x_1 + \varepsilon \\ y = a_0 + a_2x_2 + a_3x_3 + \varepsilon \\ y = a_0 + a_4x_4 + \varepsilon \\ y = a_0 + a_5x_5 + a_6x_6 + a_8x_8 + \varepsilon \\ y = a_0 + a_7x_7 + \varepsilon \end{cases} \quad (2)$$

Биринчи,  $(y)$ га  $(x_1)$ нинг таъсирини баҳолаш:

$$y = a_0 + a_1x_1 + \varepsilon \quad (3)$$

Мазкур моделнинг номаълум параметрлари энг кичик квадратлар (ЭКК) усули орқали топилади, моделлаштиришнинг ушбу босқичи “Stata” дастури асосида амалга оширилди.

Source	SS	df	MS	Number of obs	=	14
Model	<b>9.2204e+16</b>	<b>1</b>	<b>9.2204e+16</b>	F(1, 12)	=	<b>772.47</b>
Residual	<b>1.4323e+15</b>	<b>12</b>	<b>1.1936e+14</b>	Prob > F	=	<b>0.0000</b>
				R-squared	=	<b>0.9847</b>
				Adj R-squared	=	<b>0.9834</b>
Total	<b>9.3637e+16</b>	<b>13</b>	<b>7.2028e+15</b>	Root MSE	=	<b>1.1e+07</b>

y	Coefficient	Std. err.	t	P> t	[95% conf. interval]	
x1	<b>125.9265</b>	<b>4.530801</b>	<b>27.79</b>	<b>0.000</b>	<b>116.0547</b>	<b>135.7982</b>
_cons	<b>-2.59e+08</b>	<b>2.82e+07</b>	<b>-9.17</b>	<b>0.000</b>	<b>-3.21e+08</b>	<b>-1.97e+08</b>

$$y = -2,59 + 125,93x_1 \text{ модел тузиб олинди.}$$

Тузилган модел детерминация коэффиценти  $(R^2 = 0,98)$  бўйича ишончлилик даражаси ўртача, Фишер мезони  $(F = 772,47)$  бўйича модел статистик жиҳатдан

аҳамиятли, t-статистика мезони бўйича эса моделга киритилмаган бошқа омилларнинг ўртача таъсири (cons) бўйича олинган гипотеза ( $t_{a_0} = -9,17,$ ) ҳамда  $y$  га  $x_1$  омилнинг миқдорий таъсири бўйича олинган гипотеза ( $t_{a_1} = 27,79$ ) статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлигини кўрсатди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ( $x_1$ ) омил натижавий кўрсаткич ( $y$ ) га тўғри таъсирга эга бўлиб, ( $x_1$ ) омил 1 бирликка ўзгарганда натижавий кўрсаткич ( $y$ ) қарийб 125,93 бирликка ўзгариши мумкин.

Иккинчи, ( $y$ )га ( $x_2$  ва  $x_3$ )ларнинг таъсирини баҳолаш:

$$y = a_0 + a_2x_2 + a_3x_3 + \varepsilon \quad (4)$$

“Stata” дастури асосида моделнинг номаълум параметрлари ва баҳолаш мезонлари аниқланди.

Source	SS	df	MS	Number of obs	=	14
Model	2.3338e+16	2	1.1669e+16	F(2, 11)	=	1.83
Residual	7.0299e+16	11	6.3908e+15	Prob > F	=	0.2067
				R-squared	=	0.2492
				Adj R-squared	=	0.1127
Total	9.3637e+16	13	7.2028e+15	Root MSE	=	8.0e+07

y	Coefficient	Std. err.	t	P> t	[95% conf. interval]
x2	-3406920	2237632	-1.52	0.156	-8331915 1518075
x3	-5040044	3836687	-1.31	0.216	-1.35e+07 3404448
_cons	1.47e+09	5.22e+08	2.82	0.017	3.24e+08 2.62e+09

$$y = -1,47 - 3406920x_2 - 5040044x_3 \text{ модел тузиб олинди.}$$

Аммо, тузилган модел баҳолаш мезонлари бўйича салбий баҳоланди. Хусусан, детерминация коэффиценти ( $R^2 = 0,25$ ) бўйича ишончлилик даражаси паст, Фишер мезони ( $F = 1,83$ ) бўйича модел статистик жиҳатдан аҳамиятсиз, t-статистика мезони бўйича ҳам моделга киритилмаган бошқа омилларнинг ўртача таъсири (cons) ҳамда ( $y$ )га ( $x_1$  ва  $x_2$ ) омилларнинг миқдорий таъсири бўйича олинган гипотезалар ( $t_{a_n} < t_{jadval}$ ) статистик жиҳатдан аҳамиятсиз эканлигини кўрсатди.

Бундан ташқари, натижавий кўрсаткич ( $y$ )га таъсир этувчи ( $x_2$  ва  $x_3$ ) омиллар таъсири кўп омилли чизиқсиз регрессия ( $y = a_0x_2^{a_2}x_3^{a_3} + \varepsilon$ ) модели асосида ифодаланиб, тузилган модел баҳолаш мезонлари бўйича баҳоланганда натижалар салбий баҳоланди.

Демак, натижавий кўрсаткич ( $y$ ) ҳамда ( $x_2$  ва  $x_3$ ) омиллар вақтли қаторлари стационарликка текшириш, яъни вақтли қаторларда автокорреляция ва моделга киритилиши лозим бўлган қўшимча ЛАГ ўзгарувчилари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ( $y$ )га ( $x_2$  ва  $x_3$ ) омиллар таъсири VAR модели орқали ифодалаш мақсадга мувофиқ. Чунки, у кўп ўзгарувчилар ўртасидаги вақтли муносабатларни аниқлашда энг самарали модел ҳисобланади.

$$y_t = a_0 + a_1 y_{t-1} + a_2 x_{2,t-1} + a_3 x_{3,t-1} + \varepsilon_t \quad (i=1,2,3,\dots, j) \quad (5)$$

VAR моделининг номаълум параметрлари ва баҳолаш мезонлари “Stata” дастури асосида аниқланди.

Sample: <b>2012</b> thru <b>2023</b>	Number of obs	=	<b>12</b>
Log likelihood = <b>-267.7466</b>	AIC	=	<b>48.12443</b>
FPE = <b>2.64e+17</b>	HQIC	=	<b>47.81025</b>
Det(Sigma_ml) = <b>4.82e+15</b>	SBIC	=	<b>48.97301</b>

Equation	Parms	RMSE	R-sq	chi2	P>chi2
y	7	1.5e+07	0.9855	818.0873	0.0000
x2	7	10.9654	0.3982	7.940362	0.2425
x3	7	4.70272	0.7067	28.91675	0.0001

	Coefficient	Std. err.	z	P> z	[95% conf. interval]
<b>y</b>					
y					
L1.	.9485294	.4155382	2.28	0.022	.1340896 1.762969
L2.	.1103409	.4628863	0.24	0.812	-.7968996 1.017581
x2					
L1.	-1092718	633660.3	-1.72	0.085	-2334669 149233.5
L2.	-229871.7	712653.1	-0.32	0.747	-1626646 1166903
x3					
L1.	-1450344	675008.8	-2.15	0.032	-2773337 -127351.1
L2.	1538199	565473.1	2.72	0.007	429892.5 2646506
_cons	1.33e+08	1.40e+08	0.95	0.340	-1.41e+08 4.08e+08

Юқоридаги таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги VAR модели тузиб олинди.

$$y_t = 1,33 + 0,95y_{t-1} - 1092718x_{2,t-1} + 1538199x_{3,t-2}$$

Тузилган VAR модели “Log likelihood”, детерминация коэффициенти ( $R^2 = 0,98$ ) бўйича ишончли ҳамда t-статистика мезони бўйича қабул қилинган гипотезалар статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлигини кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда,  $y_{t-1}$ ,  $x_{2,t-1}$ ,  $x_{3,t-2}$  омиллар 1 бирликка ўзгарганда натижавий кўрсаткич ( $y_t$ ) мос равишда 0,95; -1092718; 1538199 бирликка ўзгариши мумкин. Яъни, ( $y_t$ )га ўзининг олдинги қиймати ( $y_{t-1}$ ) таъсир кўрсатади ҳамда ( $x_2$ ) омил таъсири 1 йилга ва ( $x_3$ ) омилнинг таъсири эса 2 йилга кечикади.

Учинчи, ( $y$ )га ( $x_4$ )нинг таъсирини баҳолаш:

Тадқиқотимиз давомида натижавий кўрсаткич ( $y$ )га таъсир қилувчи омил ( $x_4$ )нинг таъсирини эконометрик модел орқали ифодалашда уларнинг империк

ўзгаришлари (график усулида) ўрганилганда ( $y$ ) ва ( $x_4$ ) ўртасида чизиқсиз боғланиш мавжудлиги аниқланди. Шу боисдан ( $y$ )га ( $x_4$ )нинг таъсири бир омили чизиқсиз регрессия модели орқали қуйидагича ифодаланди.

$$y = a_0 x_4^{a_4} + \varepsilon \quad (6)$$

Мазкур моделнинг номаълум параметрлари ва моделни баҳолаш натижалари “Stata” дастури асосида аниқланди.

Source	SS	df	MS	Number of obs	=	14
Model	.22905202	1	.22905202	F(1, 12)	=	33.40
Residual	.082282772	12	.006856898	Prob > F	=	0.0001
				R-squared	=	0.7357
				Adj R-squared	=	0.7137
Total	.311334791	13	.02394883	Root MSE	=	.08281

lny	Coefficient	Std. err.	t	P> t	[95% conf. interval]	
lnx4	.7631344	.1320377	5.78	0.000	.4754491	1.05082
_cons	12.89271	1.240552	10.39	0.000	10.18978	15.59564

$$y = 397404,5x_4^{0,76} \text{ модел тузиб олинди.}$$

Тузилган модел детерминация коэффиценти ( $R^2 = 0,74$ ) бўйича ишончли, Фишер мезони ( $F = 33,4$ ) бўйича модел статистик жиҳатдан аҳамиятли, t-статистика мезони бўйича эса моделга киритилмаган бошқа омилларнинг ўртача таъсири (cons) бўйича олинган гипотеза ( $t_{a_0} = 10,39$ ) шунингдек,  $y$  га  $x_4$  омилнинг миқдорий таъсири бўйича олинган гипотеза

( $t_{a_4} = 5,78$ ) статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлигини кўрсатди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ( $x_4$ ) омил натижавий кўрсаткич ( $y$ ) га тўғри таъсирга эга бўлиб, ( $x_4$ ) омил 1 бирликка ўзгарганда натижавий кўрсаткич ( $y$ ) қарийб 0,76 бирликка ўзгариши мумкин.

Тўртинчи, ( $y$ )га ( $x_5$ ,  $x_6$  ва  $x_8$ )ларнинг таъсирини баҳолаш:

Эконометрик моделлаштириш давомида натижавий кўрсаткич ( $y$ ) га таъсир этувчи ( $x_5$ ,  $x_6$  ва  $x_8$ ) омиллар таъсири кўп омили чизиқли ( $y = a_0 + a_5 x_5 + a_6 x_6 + a_8 x_8 + \varepsilon$ ) ҳамда чизиқсиз регрессия ( $y = a_0 x_5^{a_5} x_6^{a_6} x_8^{a_8} + \varepsilon$ ) модели асосида ифодаланиб, тузилган модел баҳолаш мезонлари бўйича хусусан, детерминация коэффиценти ( $R^2 < 0,30$ ) бўйича ишончсиз, Фишер мезони ( $F < F_{jadval}$ ) ва t-статистика мезонлари бўйича ҳам модел ва унинг параметрлари бўйича олинган гипотезалар ( $t_{a_n} < t_{jadval}$ ) статистик жиҳатдан аҳамиятсиз эканлигини кўрсатди.

Бундан келиб чиқадики, натижавий кўрсаткич ( $y$ ) ҳамда ( $x_5$ ,  $x_6$  ва  $x_8$ ) омиллар вақтли қаторлари ностатсионар, яъни вақтли қаторларда автокорреляция ва моделга киритилиши лозим бўлган қўшимча ЛАГ ўзгарувчилари мавжуд. Шу боисдан ( $y$ ) га ( $x_5$ ,  $x_6$  ва  $x_8$ ) омиллар таъсири VAR модели орқали ифодаланилди.

$$y_t = a_0 + a_1 y_{t-1} + a_5 x_{5,t-1} + a_6 x_{6,t-1} + a_8 x_{8,t-1} + \varepsilon_t \quad (i = 1, 2, 3, \dots, j) \quad (7)$$

VAR моделининг номаълум параметрлари ва баҳолаш мезонлари “Stata” дастури асосида аниқланди.

Sample: <b>2012</b> thru <b>2023</b>	Number of obs	=	<b>12</b>
Log likelihood =	AIC	=	.
FPE =	HQIC	=	.
Det(Sigma_ml) =	SBIC	=	.

Equation	Parms	RMSE	R-sq	chi2	P>chi2
y	9	1.2e+07	0.9939	1962.267	0.0000
x5	9	5.64033	0.5055	12.26523	0.1398
x6	9	1099.12	0.9819	651.3448	0.0000
x8	9	.975979	0.9228	143.5008	0.0000

	Coefficient	Std. err.	z	P> z	[95% conf. interval]	
<b>y</b>						
y						
L1.	-3.796715	.6604786	-5.75	0.000	-5.091229	-2.502201
L2.	5.509451	.7591925	7.26	0.000	4.021461	6.997441
x5						
L1.	850046.7	642514.9	1.32	0.186	-409259.3	2109353
L2.	-415158.3	695271	-0.60	0.550	-1777864	947547.8
x6						
L1.	2149.031	1168.742	1.84	0.066	-141.6611	4439.724
L2.	290.5718	723.8867	0.40	0.688	-1128.22	1709.364
x8						
L1.	5.41e+07	7084281	7.63	0.000	4.02e+07	6.80e+07
L2.	-3.67e+07	4737463	-7.76	0.000	-4.60e+07	-2.75e+07
_cons	-5.89e+08	8.85e+07	-6.66	0.000	-7.63e+08	-4.16e+08

Юқоридаги таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги VAR модели тузиб олинди.

$$y_t = -5,89 + 5,51y_{t-2} + 850046,7x_{5,t-1} + 2149,0x_{6,t-1} + 5,41x_{8,t-1}$$

Тузилган VAR модели “Log likelihood”, детерминация коэффициенти ( $R^2 = 0,99$ ) бўйича ишончлик даражаси ўртача ҳамда t-статистика мезони бўйича қабул қилинган гипотезалар статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлигини кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда,  $y_{t-2}$ ,  $x_{5,t-1}$ ,  $x_{6,t-1}$ ,  $x_{8,t-1}$  омиллар 1 бирликка ўзгарганда натижавий кўрсаткич ( $y_t$ ) мос равишда 5,51; 850046,7; 2149,0; 5,41 бирликка ўзгариши мумкин. Яъни, ( $y_t$ ) га ўзининг 2 йил олдинги қиймати ( $y_{t-2}$ ) таъсир

кўрсатади ҳамда ( $x_5$ ,  $x_6$  ва  $x_8$ ) омиллар таъсири 1 йилга кечикади.

Бешинчи, ( $y$ ) га ( $x_7$ ) нинг таъсирини баҳолаш:

$$y = a_0 + a_7x_7 + \varepsilon \quad (8)$$

Мазкур моделнинг номаълум параметрлари “Stata” дастури асосида аниқланди.

Source	SS	df	MS	Number of obs	=	14
Model	8.5762e+16	1	8.5762e+16	F(1, 12)	=	130.69
Residual	7.8750e+15	12	6.5625e+14	Prob > F	=	0.0000
				R-squared	=	0.9159
				Adj R-squared	=	0.9089
Total	9.3637e+16	13	7.2028e+15	Root MSE	=	2.6e+07

y	Coefficient	Std. err.	t	P> t	[95% conf. interval]	
x7	1.50e+07	1313448	11.43	0.000	1.22e+07	1.79e+07
_cons	-5.47e+08	9.38e+07	-5.84	0.000	-7.51e+08	-3.43e+08

$$y = -5,47 + 1,5x_7 \text{ модел тузиб олинди.}$$

Тузилган модел детерминация коэффициенти ( $R^2 = 0,92$ ) бўйича ишончли, Фишер мезони ( $F = 130,69$ ) бўйича модел статистик жиҳатдан аҳамиятли, t-статистика мезони бўйича эса моделга киритилмаган бошқа омилларнинг ўртача таъсири (cons) бўйича олинган гипотеза ( $t_{a_0} = -5,84$ ) ҳамда  $y$  га  $x_7$  омилнинг миқдорий таъсири бўйича олинган гипотеза ( $t_{a_7} = 11,43$ ) статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлигини кўрсатди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ( $x_7$ ) омил натижавий кўрсаткич ( $y$ ) га тўғри таъсирга эга бўлиб, ( $x_7$ ) омил 1 бирликка ўзгарганда натижавий кўрсаткич ( $y$ ) қарийб 1,5 бирликка ўзгариши мумкин.

Маълумки, аҳолининг замонавий уй-жойларга бўлган талабини қондириш учун шу билан боғлиқ иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш ва уни янада ривожлантириш, хусусан замонавий уй-жой фондини самарали ташкил этишга таъсир этувчи асосий кўрсаткичларнинг истиқболдаги прогноз сценарийларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

## 5. Хулоса.

Замонавий уй-жой фондини самарали ташкил этиш учун эконометрик таҳлил муҳим восита ҳисобланади. Бу усул турли иқтисодий омилларнинг уй-жой бозорига таъсирини тушуниш, самарали уй-жой сиёсатини ишлаб чиқиш ва қарорлар қабул қилишда ёрдам беради. Эконометрик моделлар, маълумотларнинг аниқлиги ва таҳлили орқали, уй-жой хўжалигидаги самарадорликни ошириш, аҳолини сифатли уй-жой билан таъминлаш ва қурилиш соҳасининг барқарорлигини таъминлаш мумкин. Эконометрик таҳлил натижалари, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳам аҳамиятга эга. Ушбу таҳлиллар аҳолининг замонавий уй-жойга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, ижара нархларининг ўзгаришини прогноз қилиш ва турли ижтимоий қатламларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олишга ёрдам беради. Натижада,



замонавий уй-жой бозорига таъсир этувчи ҳуқуқий меъёрлар ва стратегияларни ишлаб чиқиш имконини беради.

**Адабиётлар:**

John Maynard Keynes (2008) "The General Theory of Employment, Interest, and Money" / Retrieved from:

[http://etext.library.adelaide.edu.au/k/keynes/john\\_maynard/k44g/k44g.html](http://etext.library.adelaide.edu.au/k/keynes/john_maynard/k44g/k44g.html). Pp.190

Patrick Bajari, Phoebe Chan, Dirk Krueger, and Daniel Miller (2010) "Dynamic Modeling of Housing Market Efficiency and Optimization" /NBER Working Paper No. 15955 April 2010 JEL No. D12,E21,R21

Xin Lin (2021) "Research on Economic Mathematical Analysis and Construction Model of Prefabricated Building Structure Based on Improved Neural Network Algorithm". First published: 17 April 2021.

Robert M. Solow "The Quarterly Journal of Economics", Vol. 70, No. 1 (Feb., 1956), pp. 65-94. Published by: The MIT Press Stable URL: <http://www.jstor.org/stable/1884513>

Акерлоф Дж., Шиллер Р. (2017) Охота на простака. Экономика манипуляций и обмана. Phishing for Phools: The Economics of Manipulation and Deception. — М.: ООО «Манн, Иванов и Фербер», 320 с. — [ISBN 978-5-00100-467-7](https://www.isbn-international.org/product/978-5-00100-467-7).

Бердиева Д.А. (2022) Уй-жой фонди молиявий бошқаруви механизми самарадорлигини ошириш. Монография. 191 б.

ДеинекоА., Курочкина В.А., Й.Бронникова (2021) "Ecological houses as an area of energy efficient and green construction". To cite this article: A Deineko et al 2021 IOP Conf. Ser.: Earth Environ. Sci. 937 042016.

Усмонова С. (2019) Эконометрика асослари / Дарслик. Нашриёт: Иқтисодиёт.



### МАҲАЛЛА – ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТУРЛИ ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛУВЧИ САМАРАЛИ МОДЕЛЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ БЎҒИНИ СИФАТИДА

**и.ф.д., профессор Гафуров У.В.**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда Сайхунобод, Зарбдор, Уйчи ва Гиждувон туманлари номи билан боғланган тажрибалар натижасида эришилаётган натижалар таҳлил қилинган. Мазкур тажрибалардан келиб чиққан ҳолда маҳаллалар томонидан тадбиркорликни ривожлантириш турли иқтисодий шароитларини инобатга олувчи самарали моделлар ишлаб чиқиш таклиф қилинган. Шунингдек, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантиришнинг турли иқтисодий шароитларини инобатга олувчи самарали моделлар ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш алгоритмидан фойдаланиш таклифи берилган.

**Калит сўзлар:** Сайхунобод, Зарбдор, Уйчи ва Гиждувон туманлари тажрибалари, маҳалла, “маҳалла еттилиги”, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, самарали моделлар.

**Аннотация.** В статье анализируются результаты, достигнутые в результате экспериментов по социально-экономическому развитию регионов Узбекистана, связанных с названиями Сайхунбадского, Зарбдорского, Уйчинского и Гиждуванского районов. На основе этого опыта предлагается разработать эффективные модели развития предпринимательства махаллями, учитывающие различные экономические условия. Также предлагается использовать алгоритм оценки целесообразности разработки эффективных моделей, учитывающих различные экономические условия развития предпринимательства в махалле.

**Ключевые слова:** опыт Сайхунбадского, Зарбдорского, Уйчинского и Гиждуванского районов, махалля, «махалинская семерка», председатель махалли, помощник мэра, эффективные модели.

**Abstract.** The article analyzes the results achieved as a result of experiments in the socio-economic development of regions in Uzbekistan associated with the names of Saikhunabad, Zarbdor, Uychi and Gijduvan districts. Based on these experiments, it is proposed to develop effective models for the development of entrepreneurship by makhallas that take into account various economic conditions. It is also proposed to use an algorithm for assessing the feasibility of developing effective models for the development of entrepreneurship in makhallas that take into account various economic conditions.

**Keywords:** experiments of Saikhunabad, Zarbdor, Uychi and Gijduvan districts, makhalla, "mahalla seven", makhalla chairman, assistant khokim, effective models.

## **1. Кириш.**

Маҳалла – халқнинг ҳаёти, унинг қадриятлари, анъаналари ва урф-одатлари мужассам бўлган миллий институти ҳисобланади. Айниқса, бугунги кунда маҳаллаларнинг мамлакат иқтисодий тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти янги босқичга кўтарилмоқда. Маҳалла фаолияти нафақат ижтимоий, балки иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ҳам муҳим ўрин тутди. Зеро, аҳоли турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан маҳаллалардаги имконият ва захиралардан тўғри фойдаланиш, бунинг учун таъсирчан механизмларнинг ишлаб чиқилишига боғлиқ. Шунга кўра, “Президент раислигида бўлиб ўтаётган видеоселектор йиғилишида туман ҳокимлари, сектор раҳбарлари камбағал оилалар хонадонига кириб, бу ердаги шароитни ўз кўзи билан кўрсагина натижа бўлиши таъкидланди. “Одамларга қанча ёрдам бермайлик, маҳаллалар шароитини яхшиламасак, камбағаллик қисқармайди”, деди президент. Шу боис, келгуси йилда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришга барча манбалардан 1,6 миллиард доллар ажратилади. Бу маблағларнинг 1,2 триллион сўми, аввало, энг оғир 300 та маҳаллада сув насослари ва қуёш панеллари ўрнатишга берилади. Яна 2 триллион сўм ҳисобидан энг оғир 500 та маҳаллада электр, йўл, интернет ва бошқа инфратузилма масалалари ҳал этилади” (Ш.Мирзиёев, 2024).

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида маҳаллалар тадбиркорликни ривожлантириш учун самарали платформаларга айланмоқда. Махсус ташаббуслар орқали маҳаллалар аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга йўналтирилган қатор моделларни жорий этишнинг муҳим маркази сифатида намоён бўлмоқда.

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг Сайхунобод, Зарбдор, Уйчи ва Ғиждувон туманларидаги тажрибалар таҳлил қилинади. Бу тажрибалар маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш ва турли иқтисодий шароитларни инобатга олган ҳолда самарали моделлар ишлаб чиқиш йўналишида олиб борилган амалиётларни ўрганиш имконини беради. Шунингдек, маҳалланинг етакчилик роли ва “маҳалла еттилиги” фаолиятини кучайтириш орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашга доир тавсиялар берилган. Бу ёндашув маҳаллаларнинг иқтисодий ривожланишдаги имкониятларини янада кенгайтириб, уларни мамлакатнинг умумий тараққиётига ижобий ҳисса қўшувчи марказий бўғинга айлантиришга йўналтирилгандир.

## **2. Адабиётлар шарҳи.**

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида маҳалла институтининг ролини очиб беришга йўналтирилган тадқиқотлар қамрови кенгайиб бормоқда. Жумладан, И.Рахимов (2020) Ўзбекистонда маҳалла институтини модернизация қилишнинг долзарб муаммолари, ўз ўзини бошқариш органлари фаолиятини таҳлил этишнинг замонавий ёндашувлари, шунингдек, мустақиллик йилларида кўп миллатли, конфессияли маҳаллалар фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этган.

Г.Шакирова (2024), Х.Қиличевнинг (2024) тадқиқотларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги тутган ўрни, ваколатлари ҳамда бу борада амалга оширилган ислохотлар ёритиб ўтилган.

Маҳалла институтининг жамиятдаги ўрнини ўрганувчи тадқиқотлар қаторида У.Ғафуров (2024) томонидан маҳалла фаолиятининг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятига бағишланган тадқиқотларни келтириш мумкин. Ушбу тадқиқотларда маҳаллаларнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва иқтисодий барқарорликни

таъминлашдаги роли чуқур ёритилган. Шунингдек, А.Абдурахмонов ва У.Каримовнинг (2020) ишлари маҳаллаларнинг иқтисодий ривожланиш жараёнларидаги кўп қиррали вазифаларини очиб беришга қаратилган.

Томорқа хўжалиklarининг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилишда С.Хўжаев (2018) ва Б.Тўраев (2020) ишлари муҳим ҳисобланади. Улар маҳаллий иқтисодий ривожланиш жараёнларида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини очиб берган. Маҳаллий ресурсларни иқтисодий жараёнларга жалб қилиш бўйича Г.Сидиқова (2021) ўз тадқиқотларида турли ҳудудлардаги моделларни ўрганган.

Зарбдор, Уйчи, Сайхунобод ва Гиждувон тажрибаларини ўрганишда Р.Хайдаров (2024) ишлари муҳим ўрин тутди. Улар мазкур туманларда амалга оширилган ислохотларни таҳлил қилиб, тадбиркорликни ривожлантиришда ҳудудий моделлар ва инновацияларни жорий қилишнинг аҳамиятини кўрсатган. Шунингдек, А.Сатторов (2020) ҳудудий иқтисодий ривожланиш стратегиялари ва уларнинг ижтимоий самарадорлигини ўрганган.

Маҳалла еттилиги фаолиятини кучайтириш ва маҳаллий бошқарув органларининг иқтисодий ислохотлардаги ўрнини ўрганувчи Ж.Каримов (2021) тадқиқоти муҳим аҳамиятга эга. Муаллиф маҳаллаларда тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ва ресурсларни тақсимлашда маҳалла раҳбарлари ҳамда ҳоким ёрдамчиларининг ролини таъкидлайди. Шунингдек, Н.Ғаниев (2023) маҳаллалардаги иқтисодий ҳаракатларни жадаллаштириш бўйича амалий тавсиялар тақдим этган.

Юқорида кўрсатилган адабиётлар маҳаллаларнинг тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўрни, ҳудудий моделлар ва турли иқтисодий шароитларни инобатга олувчи ёндашувларни тушуниш учун қимматли манбалар ҳисобланади. Маҳаллий ва халқаро тадқиқотларни уйғунлаштириш орқали ушбу соҳани янада ривожлантириш мумкин. Бунда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олувчи индивидуал стратегияларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

### **3. Таҳлил ва натижалар.**

Мамлакатимизда мураккаб табиий шароитларда (чўл, дашт ва тоғолди ҳудудларда жойлашган, зах ёки шўрланиш даражаси юқори бўлган тупроқли жойларда), инфратузилма ва логистика жиҳатидан етарли қулайликлар мавжуд бўлмаган ҳолда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи хўжалиklar ва аҳолининг даромадларини яхшилаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Чунки, аҳоли сони ўсиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши аҳамиятидаги ер майдонлари ҳажми қисқариб бориши билан аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад миқдори қисқариб, аҳолининг турмуш даражасининг пасайишига олиб келиши мумкин. Бу эса мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда аҳоли ихтиёридаги иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиб, имкон қадар тадбиркорликни ривожлантириш асосида иқтисодий ўсишни таъминловчи турли ҳудудий моделлардан фойдаланишни тақозо этади.

“Шунинг учун президент Шавкат Мирзиёев томонидан Сирдарёда иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича ҳозирги шароити ўртачадан паст, лекин ички имкониятлари катта бўлган бир ҳудуд танлаб олиниб, у ерда намунавий тажриба сифатида маҳаллий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича маълум маънода эксперимент – ташаббус таклиф қилинди. Бу ташаббуснинг моҳияти қуйидагиларда жамланган:

1) томорқа ва ёрдамчи хўжаликдаги ер ресурслари тадбиркорликнинг энг биринчи таянчи ва даромаднинг манбаи деб қаралиши. Яъни деҳқон ва фермерлик

ҳаракатининг давомий мантиғи сифатида иқтисодийга томорқа ва ёрдамчи хўжаликнинг ер ресурсларини жалб қилиш ташаббуси;

2) томорқа ва ёрдамчи хўжаликдаги фаолият турларини диверсификация қилиш, яъни чорвачиликни деҳқончилик, боғдорчилик, асаларичилик, балиқчилик имкониятларини ривожлантириш билан тўлдириш;


3) турли соҳаларда ўз касби устаси бўлган кишиларнинг илғор тажрибасини ёш тадбиркорлар орасида тарқатиш, устоз-шогирд ҳаракатини рағбатлантириш;

4) тадбиркорликка қўл ураман деган ҳар қандай маҳаллий ташаббусни давлат банклари кредитлари ва маҳсулотни қисқа муддатда сақлаш имкониятлари (қоқи қилиш ва музлаткич ускуналари) ва сотиб беришга кўмаклашувчи институтлар орқали рағбатлантириш;

5) турли сабабларга кўра тадбиркорликни кенг кўламда олиб бора олмайдиган оилаларга маҳаллий ҳокимият резервлари ёрдамида минимал даромад манбаини яратиш (мол, қўй, товуқ ёки ҳовлисида кичик бир иссиқхона қурилишида ёрдам бериш);

6) марказлаштирилган ва вилоятнинг резервлари ёрдамида маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, айниқса, йўллар ва маҳаллалар ҳудудини энергия билан таъминлаш, ерларнинг умумий мелиоратив ҳолатини қувватлаш тизимини яхшилаш”<sup>1</sup>.

Мана шундай эксперимент – ташаббуслар натижасида бугунги кунда мамлакатимизда Сайхунобод, Зарбдор, Уйчи ва Ғиждувон туманлари номи билан боғланган тажрибалар пайдо бўлди. Жумладан, “Сайхунобод тажрибаси” орқали намоён бўлувчи иқтисодий жараёнларни қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (1-расм).



**1-расм. “Сайхунобод тажрибаси” орқали намоён бўлувчи иқтисодий жараёнлар<sup>2</sup>.**

Барча туманлардаги эксперимент – ташаббуслар натижасида амалга оширилаётган тажрибаларнинг умумий тавсифини қуйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Сайхунобод, Зарбдор, Уйчи ва Ғиждувон туманлари тажрибаларининг қисқача мазмуни<sup>3</sup>**

<i>Тажриба номи</i>	<i>Таъсир кучлари</i>	<i>Чора-тадбирлар кўлами</i>	<i>Чора-тадбирлар тавсифи</i>	<i>Асосий дастаги</i>
“Сайхунобод	Иқтисодий	Маҳалла ҳудуди	Хонадонбай	Молиявий пакет

<sup>1</sup> Сайхунобод тажрибаси: мазкур амалиётнинг асл моҳияти нимада? <https://kun.uz/kr/news/2024/04/03/nega-aynan-sayxunobod-iqtisodchi-prezident-tashabbusinung-mohiyatini-tushuntirib-berdi>

<sup>2</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

<sup>3</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

тажрибаси”	комплекс ташкилотлари	даражасида	ишлаш	шакллантириш
“Зарбдор тажрибаси”	Иқтисодий комплекс ташкилотлари	Саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳаси	“Драйвер” лойиҳа ишлаб чиқиш	“Драйвер” лойиҳаларни туманлардаги саноат зоналари, бўш турган давлат объектларига жойлаштириш
“Уйчи тажрибаси”	Туман ҳокимлари ва банклар	Туман ҳокимлари тадбиркорлар билан, банклар эса мижозлари билан	Манзилли ишлаш тизими	Бизнесини кенгайтиришга кўмаклашиш
“Ғиждувон тажрибаси”	Туман ҳокимлари	Маҳалла ҳудуди даражасида	Вертикал ўсадиган саноат бинолар	Кенгайтириш имкони бўлмаган ишлаб чиқаришлар учун шароитлар яратиш

Ушбу тажрибалар доирасида амалга оширилган ёки амалга оширилиши кўзда тутилган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Сайхунобод, Зарбдор, Уйчи ва Ғиждувон туманлари тажрибалари доирасида амалга оширилган ёки амалга оширилиши кўзда тутилган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар<sup>4</sup>**

<i>Тажриба номи</i>	
“Сайхунобод тажрибаси”	Тумандаги 19 та маҳалланинг ҳар бирига 1 тадан мини трактор, 4 тадан мотокултиватор олиб берилган. Эндиликда ҳар бир маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси “1 сотих томорқадан камида 1-2 миллион сўм даромад” деган мезон асосида аҳоли учун бизнес режа ишлаб чиқади. Маҳалладаги агрономлар билан бирга олиб берилган техникалар ҳисобидан томорқа ерларини ҳайдаш ва экин экиш хизматларини кўрсатади. Шунингдек, туманда экспортга кўмаклашувчи корхона очилиб, уставига 1 млрд сўм киритилади. Бу корхона 4 минг хонадонга серҳосил қовоқ, мош, ловия, розмарин, брокколи, тимян уруғини етказиши, етиштирилган маҳсулотни сотиб олиб, экспорт қилади. Бундан ташқари, маҳаллада сотиб олишни йўлга қўйган экспортчи, илғор тадбиркорларга 300 миллион сўмдан 1 млрд сўмгача грант берилади. Хонадонлар кооперация асосида экспортчи билан боғлаб берилади, 2 минг тонналик сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш комплекси ташкил этилади. Тумандаги 98 километр каналлар ва дренаж тармоқлари атрофидаги 100 гектар бўш ерлар кооперация асосида 500 та хонадонга терак

<sup>4</sup> <https://daryo.uz/k/2024/09/11/ozbekistonda-kambagal-oilalarga-30-mln-somgacha-uskuna-kochma-dokon-kabi-vositalar-bolib-tolash-sharti-bilan-beriladi>  
<https://daryo.uz/k/2024/06/01/gijduvonda-soyadan-chiqib-ishlamochi-bolgan-oilalarga-100-mln-somgacha-kreditlar-beriladi>  
<https://daryo.uz/k/2024/07/17/shavkat-mirziyoyev-sayxunobod-uychi-zarbdor-va-gijduvon-tajribalari-ozini-oqlaganini-aytdi>

	экиш учун бўлиб берилади. Ҳар бир маҳалладаги хонадонлар учун молиявий пакет қилиб бериш орқали 495 минг аҳоли бандлигини таъминлаш мумкин бўлади.
“Зарбдор тажрибаси”	Саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасида камида 5 тадан “драйвер” лойиҳани инфратузилма билан таъминлаш учун 2024 йил якунигача 500 миллиард сўм, 2025 йилда яна 1 триллион сўм ажратилади. Ҳокимлар ушбу лойиҳаларни тезлаштириб, 2024 йил охиригача 150 минг аҳолини иш билан таъминлаши лозим.
“Уйчи тажрибаси”	Туман ҳокими инфратузилма масаласи, банк эса молиявий қўмак масаласи билан шуғулланади. Мутасаддиларга тадбиркорлар билан манзилли ишлаш ҳисобига 2024 йил якунигача 670 минг аҳоли бандлигини таъминлаш вазифаси топширилган.
“Ғиждувон тажрибаси”	Сўнгги йилларда туман саноати 2 карра ўсиб, 2 триллион сўмдан ошди, вилоятдаги улуши эса тўртинчи ўриндан учинчига кўтарилди. Шу вақт ичида 2 мингдан зиёд янги тадбиркор иш бошлаб, 2010-2016 йилларга қараганда 4 баробар ўсган. Мутасаддиларга 20 та маҳалладаги бўш ерда ишлаб чиқариш иншоотларини қуриб, 400 та оилага тадбиркорликни йўлга қўйишга қўмаклашиш ва 2 минг иш ўрнини расмийлаштириш топширилди. Шунингдек, “соя”дан чиқиб ишламоқчи бўлган оилаларга 100 миллион сўмгача кредитлар берилади. Бу тадбиркорлар иш ўрни ва айланмасини қонунийлаштиргани учун уларнинг бир йилда тўлаган солиқларининг ярми қайтариб берилади.

Юқоридаги 2-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, Сайхунбод, Зарбдор, Уйчи ва Ғиждувон туманлари тажрибалари доирасида амалга оширилган ёки амалга оширилиши кўзда тутилган чора-тадбирлар натижасида мазкур туманларда тадбиркорлик фаолияти сезиларли даражада ривожланиб, аҳолининг бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини оширишга катта таъсир кўрсатади. Ушбу тажрибаларни мамлакатимизнинг бошқа туманларига ҳам татбиқ этиш муҳим бўлиб, бунда ҳар бир тажрибани кўллашда муайян ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиш лозим.


Шунингдек, мазкур тажрибаларни таҳлил қилишда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бу – барча тажриба жараёнларида маҳалла институтининг марказий ўрин тутиши ҳисобланади.

Шунга кўра, фикримизча, туман даражаларида қабул қилинаётган тажрибаларни ҳудудий иқтисодий ривожланиш моделлари сифатида баҳолаб, уларнинг муҳим бўғини сифатида маҳаллаларнинг етакчилик ролининг мазмунини тадқиқ этиш муҳим ҳисобланади. Чунки, юқорида баён этилган тажрибалар туман миқёсида амалга оширилсада, уларнинг натижалари мазкур туманлар таркибидаги маҳаллалар кесимидаги чора-тадбирларнинг муваффақиятига боғлиқ бўлади. Бу эса ҳар бир маҳалла ўзига мос келувчи муайян моделни ёки уларнинг айрим жиҳатларини умумлаштирувчи “гибрид” моделни танлаб, ҳудуддаги тадбиркорликни ривожлантиришда ўзига хос “туртки” ролини бажариши кераклигини кўрсатади.

Энг аввало, тадбиркорликни ривожлантиришнинг турли иқтисодий шароитларини инобатга олувчи самарали моделларнинг марказий бўғини сифатида маҳалланинг етакчилик ролини таъминлашда “маҳалла еттилиги”нинг фаоллигини

ошириш муҳим ҳисобланади. Айниқса, маҳалла раиси ҳамда “ҳоким ёрдамчилари” ўз фаолиятларида мазкур йўналишни дастуруламал сифатида белгилаб олиши лозим.

Қолаверса, муайян ҳудудни тадбиркорликни ривожлантиришнинг турли иқтисодий шароитларини инобатга олувчи самарали моделлар сифатида танлашнинг асосий мезонларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.



**2-расм. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантиришнинг турли иқтисодий шароитларини инобатга олувчи самарали моделлар ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш алгоритми<sup>5</sup>.**

Фикримизча, бу борада қуйидаги мезонларни илгари суриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- маҳалла ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг нисбатан пастлиги;

<sup>5</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.



- маҳалла ҳудудида иқтисодий ресурслар (ишчи кучи, молиявий маблағ, ер майдонлари, ишлаб чиқариш қуруллари, бизнес-ғоялар ва ҳ.к.)нинг маълум бир ёки бир неча туридан оммавий тарзда самарали фойдаланилмай келинаётганлиги;

- маҳалла ёки қўшни ҳудудлардаги иқтисодий имкониятларни сафарбар этиш орқали қўшимча тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиш имкониятларининг мавжудлиги;

- аҳоли орасида тадбиркорлик кайфияти ва руҳини ҳосил қилиш ва кўтариш имконияти мавжудлиги;

- маҳалла ва бошқа мутассади ташкилотлар томонидан “дастлабки туртки”, рағбат берилган ҳолатда жараённинг мустақил равишда ҳаракатга тушиб кетиши имкониятининг мавжудлиги.

Фикримизча, ҳар бир маҳалла “еттилиги” ҳамда бошқа фаоллари томонидан ўз ҳудудидаги имконият ва захираларни юқоридаги мезонлар “призма”сидан ўтказиш орқали, ўзининг шахсий ривожланиш микромоделини ишлаб чиқиши тадбиркорликнинг жадал ривожланишига имкон яратади. Маҳалла етакчилари учун мазкур мезонлар орқали баҳолаш кетма-кетлигини махсус алгоритм кўринишида тавсия этиш мумкин (2-расм).

Юқорида тавсия этилган алгоритм воситасида ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантиришнинг турли иқтисодий шароитларини инobatга олувчи самарали моделлар ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш орқали маҳалла етакчилари ўз фаолият йўналишларига янада аниқлик киритиш имконига эга бўладилар.

#### **4. Хулоса.**

1. Маҳалла институти жамиятда нафақат ижтимоий аҳамиятга, балки иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ҳам муҳим ролга эга. Сайхунобод, Зарбдор, Уйчи ва Ғиждувон туманларидаги тажрибалар маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш учун самарали платформалар яратиш имкониятини намоён қилди.

2. Турли туманлардаги ҳудудий моделлар маҳаллалардаги иқтисодий ресурсларни сафарбар этиш ва аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишда муҳим натижалар берди. Ушбу моделлар аҳолининг даромадларини ошириш ва турмуш даражасини яхшилашга кўмаклашмоқда.

3. Маҳалла раҳбарлари ва ҳоким ёрдамчиларининг фаоллиги маҳаллаларда иқтисодий ҳаракатларни жадаллаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Улар аҳолининг тадбиркорлик кайфиятини шакллантириш ва маҳаллий ресурсларни сафарбар этишда асосий воситачи ҳисобланади.

4. Тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, маҳалланинг турли иқтисодий шароитларини ҳисобга олувчи “гибрид” моделларни ишлаб чиқиш ва уларни татбиқ этиш имкониятлари аниқланди. Бу моделлар турли ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилган бўлиши лозим.

5. Рақамли технологиялар ва инновацияларни жорий қилиш маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантиришнинг янги йўналишларини очиб бермоқда. Бу иқтисодий самарадорликни оширишга ва ресурслардан оқилона фойдаланишга имкон беради.

6. Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш учун мавжуд ресурсларни инвентаризация қилиш ва улардан самарали фойдаланиш учун махсус иқтисодий дастурлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

7. Сайхунобод, Зарбдор, Уйчи ва Ғиждувон туманларидаги тажрибалар асосида иқтисодий ривожланиш моделларини бошқа ҳудудларга мослаштириб, миллий

даражадаги стратегик қўлланмалар ишлаб чиқиш бу борадаги тизимли ишларнинг услубий асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Адабиётлар:**

Гафуров У. (2024) Маҳалла еттилиги тизимида ходимлар фаолият самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш масалалари //Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil. – Т. 2. – №. 5. – С. 465-473.

МирзиёевШ. (2024) “Одамларга қанча ёрдам бермайлик, маҳаллалар шароитини яхшиламасак, камбағаллик қисқармайди” - <https://daryo.uz/k/2024/09/11/odamlarga-qancha-yordam-bermaylik-mahallalar-sharoitini-yaxshilamasak-kambagallik-qisqarmaydi-shavkat-mirziyoyev>

Рахимов И. (2020) Янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг стратегик босқичлари //Farg'ona davlat universiteti. – №. 5. – С. 172-175.

Шакирова Г. (2024) Ўзбекистон оилалари фаровонлигини оширишда маҳалланинг ўрни //Tadqiqotlar. – Т. 30. – №. 3. – С. 88-91.

Қиличев Х.М. (2024) Тадбиркорликни ривожлантиришда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти //Евразийский журнал технологий и инноваций. – Т. 2. – №. Special Issue 6. – С. 96-102.



#### ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚ ҚАРЗИНИ УНДИРИШ МЕХАНИЗИМ ВА УНИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Исламов К.С.**

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети

**Аннотация.** Ушбу мақолада, жисмоний шахсларнинг солиқ қарзидан пайдо бўлиши, солиқ қарз суммасини унинг мол-мулки ҳисобидан ундиришдаги муаммолар бундан ташқари жисмоний шахсларни солиқ қарзидан (келишилган ва мақбул усулда, тегишли шахс учун, учинчи шахс зиммасига юклаш, муддатидан илгари бажариш, кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб, муқобил солиқ қарзидан, бир неча кредитор ёки бир неча қарздор иштирок этадиган мажбуриятни) бажарилиши солиқ кодексининг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш натижасида, солиқ қарзидан ундирилиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Солиқ қўмитаси (СҚ), солиқ хизмати органлари (СХО), мажбурий ижро бюроси (МИБ), маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ), тўлов хабарнома, жисмоний шахс, мол-мулк солиғи, реквизиция қилиш, маҳаллий солиқлар, ер солиғи, ер солиғини мунтазам тўланмай келиши, солиқ қарзи, пенялар, келишилган, мақбул усул, учинчи шахс, муддатидан илгари, кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш, муқобил, бир неча кредитор, бир неча қарздор, мажбурият, солиқ қарзидан ундирилишни рақамлаштириш, солиқ қарзидан ундириш механизмини такомиллаштириш.

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены возникновение налоговой задолженности физических лиц, проблемы взыскания суммы налоговой задолженности за счет его имущества, а также наложения налоговой задолженности на физических лиц (в согласованном и приемлемом порядке, за соответствующему лицу, третьему лицу, досрочному исполнению, просрочке или в результате внесения изменений и дополнений в соответствующие статьи Налогового кодекса внесены предложения и рекомендации по совершенствованию механизма взыскания налоговой задолженности).

**Ключевые слова:** Налоговый комитет (НК), органы налоговой службы (ОНС), бюро принудительного исполнения (БПИ), органы местного самоуправления (ОМС), платежное уведомление, физическое лицо, налог на имущество, реквизиция, местные налоги, земельный налог, регулярная неуплата земельного налога, налоговая задолженность, пени, согласованный, приемлемый способ, третье лицо, досрочно, отсрочка, рассрочка, альтернатива, несколько кредиторов, несколько должников, обязательство, оцифровка взыскания налоговой задолженности, совершенствование механизма взыскания налоговой задолженности.

**Abstract.** This article discusses the occurrence of tax debts of individuals, the problems of collecting the amount of tax debts at the expense of their property, to requisition, as well as

*the imposition of tax debts on individuals (in an agreed and acceptable manner, for the relevant person, a third party, early execution, late or in As a result of amendments and additions to the relevant articles of the Tax Code, proposals and recommendations were made to improve the mechanism for collecting tax debts.*

**Keywords:** *Tax committee (TC), Tax service bodies (TSB), Bureau of compulsory enforcement (BCE), Local government bodies (LGB), payment notice, individual, property tax, local taxes, land tax, regular non-payment of land tax, tax debt, penalties, agreed, acceptable method, third party, ahead of schedule, deferment, installment plan, alternative, several creditors, several debtors, obligation, digitization of tax debt collection, improvement of the tax debt collection mechanism.*

### **1. Кириш.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг (2017) “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” номли асарида, яна бир долзарб масала шундан иборатки, айрим ҳудудлар ҳанузгача субвенция олади, лекин прокурорлар ва департамент ходимлари тегишли масъул шахслар билан биргаликда ҳудуд иқтисодиётини кўтариш, солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида ундириш масаласига етарлича аҳамият бермаяпти деб таъкидлаб ўтганлари ушбу мақолани ёзиш мақсад қилиб олинди.

### **2. Адабиётлар шарҳи.**

Ж.М.Махаммадуловнинг (2023) жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни механизмини такомиллаштиришда солиқ қарзини ундириш билан боғлиқ муаммо ва таклифларни илгари сурилган. Лекин бизнинг фикримизча жисмоний шахсларни солиқ қарзини ундириш билан чекланмай унинг пайдо бўлиш сабаблари, ундириш чоралари, умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ масалалар ўрганилмаган.

Жисмоний шахслар солиқ қарзини механизмларининг солиқ маъмуриятчилиги тизимида тутган ўрни ҳақида илмий тадқиқот ишини олиб борган хорижлик олим Margherita Ebraico (2015) Мамлакатда солиқлар ва йиғимларни ундирилишини ривожлантириш ва рағбатлантириш билан бир қаторда солиқ қарзи мавжуд бўлган солиқ тўловчиларга қатъий чоралар қўлланилишини, солиқлар ва йиғимлар ундирилиши бўйича солиқ қарзларининг камайиши ва келгусида уларнинг вужудга келишини олдини олишда ижобий самара беришини таъкидлайди.

### **3. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Президентимиз томонидан қўйилаётган вазифаларни амалга ошириш мақсадида солиқ қарздорлиги билан ишлаш бўйича “Солиқ қарзини ундириш инспекцияси”ни ташкил этиш ва МИБда мавжуд ваколатларини тўлиқ ушбу инспекциясига ҳам берилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юртимизда олиб борилаётган солиқ маъмурчилигидаги ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам юзага келмоқда, масалан ютуқларга мисол сифатида юридик шахсларини солиқ мажбуриятини таъминлаш чоралари 2-расмда келтириб ўтилди<sup>1</sup>.

---


<sup>1</sup> Маълумот солиқ кодексининг 13-боб. Солиқ мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш чораларига асосланиб муаллиф томонидан тайёрланган.



**1-расмда. Юридик шахсларни солиқ мажбуриятини таъминлаш чоралари кетма-кетлиги.**

Лекин афсуски жисмоний шахсларни солиқ мажбуриятини таъминлашда ушбу чораларни қўллаш етарли деб бўлмайди. Бунинг асосий сабаби бугунги кунда давлат солиқ хизмати органлари ўз ишни, маҳаллага бириктирилган солиқ инспектори фаолиятини ташкил этиш билан боғлаганлиги, эндиликда ҳар бир солиқ инспектори ўзига бириктирилган маҳалласидаги солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, муаммоларини ўрганиш, ҳисобланган солиқ суммаларини ўз вақтида бюджетга тушумини таъминлаш бўйича иш фаолиятини олиб борар экан 2-расмда кўрсатилган солиқ қарзини ундириш чораларини жисмоний шахсларга қўллаш етарли эмаслиги солиқ қонунчилигидаги бироз эътибордан четда қолаётган камчилик эканлигини келтириб ўтишимиз мумкин бўлади.

Ҳозирда жисмоний шахсларда солиқ қарзини пайдо бўлишига таъсир этувчи омиллар қуйидаги 3-расмда батафсил келтириб ўтилди<sup>2</sup>:



**2-расмда. Жисмоний шахсларда солиқ қарзини пайдо бўлишига таъсир этувчи омиллар**

<sup>2</sup> Маълумот амалий жараёнларни ўрганиб муаллиф томонидан тайёрланган.

Демак солиқ мажбуриятини ўз вақтида бажармаслигига 3-расмда келтирилган муаммоларни юзага келиши оқибатида солиқ қарзи пайдо бўлади.

Вафот этган жисмоний шахс яшаш жойидаги солиқ органи ушбу шахснинг меросхўри (меросхўрлари) тўғрисида ахборот олинган пайтдан эътиборан **бир ой ичида** уни (уларни) солиқ қарзи мавжудлиги тўғрисида хабардор қилиши кераклиги келтириб ўтилганлиги шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги билан келишилган ҳолда махсус электрон ҳужжат алмашиш тизими орқали бартараф этилиши белгиланди (Қарор, 2020).

*Агар турар ёки нотурар объект эгаси вафот этса-ю, лекин унинг меросхўрлари, васий, ворислари, эгалик қилувчи ёки ундан фойдаланувчиларни ерга бўлган ҳуқуқини бекор қилиш, шу билан бир қаторда бинолар, иншоотлар ва бошқа кўчмас мулк улар жойлашган ер участкалари билан бирга реквизиция қилиши лозим бўлади.*

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан **олти ой ўтганидан** кейин берилади (Кодекс, 2023).

Аммо солиқ қарзининг пайдо бўлиши, ижтимоий (боқувчисини йўқотганлар, турли хил сабабларга кўра маҳалладаги дафтарларда рўйхатда турувчилар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, чин ота-онасидан айрилганлар ва бошқалар), молиявий (ишсизлар ёки вақтинча ишсизлар, кам таъминланганлар, доимий молиявий ёрдам олувчилар), қонуний вакил тайинлаш (вафот этган ёки белгиланган тартибда вафот этган деб эълон қилинган шахснинг, агар меросни ҳали ҳеч ким қабул қилиб олмаган бўлса, васий ёки мерос мол-мулкни муҳофаза қилиш ва бошқариш учун тайинланган сақловчи меросхўрнинг вакили) ҳолатларни батафсил ёритиш мақсадида, солиқ кодексининг (2024) 13-бобида ёритилган моддаларга тегишли қўшимчалар киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Вафот этган ёки белгиланган тартибда вафот этган деб эълон қилинган шахснинг меросхўри иштирок этиши лозим бўлган ижро иши юритиш бўйича, агар меросни ҳали ҳеч ким қабул қилиб олмаган бўлса, васий ёки мерос мол-мулкни муҳофаза қилиш ва бошқариш учун тайинланган сақловчи меросхўрнинг вакили сифатида қатнашади (Қонун, 2001).

Мазкур тажрибани қўллашда, рақамли иқтисодий механизмни амалиётга жорий этилиши натижасида кутилаётган қуйидаги муаммоларга дуч келишимиз мумкин:

- СХОларида мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаб бериладиган маълумотлари базаси билан маҳалла фуқаролар йиғини маълумотларини алмашишида дастурий маҳсулотлар, унга керакли бўлган компьютер техникаси ҳамда мутахассислар мавжуд эмаслиги;

- МФЙ ва Солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги маълумотлари базаси билан интеграция қилинмаганлиги;

- МФЙ ва пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармалари билан қуйидаги:

- пенсия(нафақа)дагиларни имтиёзларини киритиб бориш учун дастурий маҳсулотларни мавжуд эмаслиги ва у маҳалла фуқаролар йиғинига интеграция қилинмаганлиги;

- жисмоний шахснинг мол-мулк ва ер солиқларидан қарздорлиги ҳосил бўлса уни туманлараро Фуқаролик судига солиқ қарзи бўйича аризаларни юбориш учун маҳалла фуқаролар йиғинида дастурий маҳсулот билан интеграция қилинмаганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги МИБ ҳамда МФЙни билан маълумотларни алмашишида дастурий маҳсулотлар билан муаммоларга дуч келиниши мумкин.

Ўз навбатида, мол-мулк ва ер солиқларини ундириш маҳалланинг ўзига ўтказишда рақамли иқтисодий механизмни амалиётга жорий этилмаслиги натижасида кутилаётган муаммолар қуйидаги **3-расмда келтириб ўтилган**<sup>3</sup>:



**3-расмда. Мол-мулк ва ер солиқларини ундириш маҳалланинг ўзига ўтказишда рақамли иқтисодий механизмни амалиётга жорий этилмаслиги натижасида кутилаётган муаммолар қуйидагилар.**

**Сунъий солиқ қарзи** – тегишли ҳужжатлар асосида давлат бюджетига қаратилган, солиқ тушуми ҳисоб рақамида акс этмаган тўлов, бундан ташқари тўланган солиқ суммаси бошқа манзилга тушиб қолган, солиқ қонунчилиги доирасидаги имтиёзга эга, лекин имтиёзи киритилмаган ёки солиқ тўловчи томонидан имтиёз ҳужжати ўз вақтида тақдим этилмаслиги оқибатида пайдо бўлган қарз ҳисобланади.

Солиқ қарзини юзага келишига эса қуйидаги омиллар тасир қилади:

**Биринчидан**, фуқароларнинг ижтимоий ҳолатига таъсир этувчи омиллар мавжудлиги, яъни сунъий солиқ қарзни пайдо бўлиши:

- ✓ солиқ тўловчининг солиқ соҳасида билим ва кўникмаси етарли эмаслиги;
- ✓ солиқ юки ёки турмуш шароити оғирлиги;
- ✓ солиқ тўловчини вақтинча ёки умуман ишсизлиги;
- ✓ боқувчининг вақтинча (жахони ўташмуассасасида эканлиги);
- ✓ боқувчининг мавжуд эмаслиги ёки вафот этганлиги;
- ✓ қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ ёки қисман имтиёзга эга бўлсада имтиёздан фойдаланиш ҳақида маълумотга эга эмаслиги.

**Иккинчидан**, жисмоний шахслар томонидан солиқларни тўлашдан қочишнинг турли хил усул ва йўллари йўлаб топиши ёки солиқларни қасддан тўламаслиги:

- ✓ турар ёки нотурар объект меросхўрлари ўртасида солиқ тўловини тўлаш мажбуриятига келиша олмаслиги;
- ✓ турар ёки нотурар объектни бошқа шахсларни номига расмийлаштирилиши;
- ✓ фуқаролик тусидаги шартномага асосан даромад топган лекин декларация тақдим этиб ўз солиғини тўланмаслиги;
- ✓ фуқаро ноқонуний тадбиркорлик фаолият юритиши натижасида қўлланилган жаримани ўз вақтида тўланмаслиги;
- ✓ фуқаро таъсисчи сифатида, юридик шахсни низом жамғармасини шакллантириб дивиденд олган-у лекин солиғи ўз вақтида тўланмаслиги;
- ✓ мансабдор шахс, давлат бюджетига етказган зарарни субсидияр жавобгарлик юзасидан суд қарори билан шахсий мулкидан ўз вақтида зарар суммаси тўланмаслиги;
- ✓ солиқлар ва мажбурий тўловларни қасддан тўланмаслиги.

<sup>3</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган.

**Учинчидан,** СХОнинг мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини вақтида бажармаслиги:

✓ фуқаролар томонидан турар ва нотурар объектларини сотиб умрбод бошқа давлатга кўчиб кетиши натижасида;

✓ кадастр томонидан турар ва нотурар объектлар ҳақидаги маълумотлар нотўғри юборилиши натижасида;

✓ СХО ёки МФЙ ходимлари томонидан ўз вақтида солиқ мажбуриятлари тўғрисида хабар берилмаслиги натижасида.

*Санаб ўтилган учта қисмнинг асосий муаммо, МФЙни раҳбари ва мутасадди вакиллари ўз фуқароси, оилаларни ҳолатини билган даражада, СХО ходими билмаслигида.*

Бугунги кунда СХОларида, жисмоний шахсларни солиқ қарзини учта қисимга ажратиб тақсимловчи таҳлика-таҳлил дастурий маҳсулоти мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ қарзини ундириш самарадорлигини аниқлаш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам билан қасддан солиқ тўламаётган солиқ тўловчиларни фарқлаб олиш имкони мавжуд эмас.

Шунингдек, СХОларида, жисмоний шахсларни солиқ қарзини учта қисимга ажратиб тақсимловчи таҳлика-таҳлил дастурий маҳсулоти мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ қарзини ундириш самарадорлигини аниқлаш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам билан қасддан солиқ тўламаётган солиқ тўловчиларни фарқлаб олиш имкони мавжуд эмас.

“Солиқ қарзини ундириш инспекцияси”нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак деб ҳисоблаймиз:

• солиқ қарзга йўл қўймаслик чораларини кўриш ва солиқ қарзини профилактик тадбирлар ҳисобига ундиришни кенгайтириш;

• ахборот-коммуникация технологиялари воситасида солиқ қарзини мажбурий ундириш тизими тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш;

• қарздорни мол-мулкига тақиқ қўйиш, мол-мулкни хатлаш ва сақлаш билан боғлиқ мажбурий ундириш тартибини такомиллаштириш.

#### **4. Хулоса.**

“Солиқ қарзини ундириш инспекцияси”га қуйдаги ваколатларни бериш керак деб ҳисоблаймиз:

✓ солиқлардан қарзи бўлган ҳар қандай шахсларга тегишли бўлган иқтисодий ва ижтимоий кўникмалар ҳосил қилиши учун ташқи маънаба ҳамда мобиль телефон маълумотларини йиғиш ва улардан кенг фойдаланиш имкониятини бериш;

✓ солиқлардан қарзи бўлган ва бу қарзни тўлаш ёки шу билан боғлиқ мол-мулкларни сохта битимлар тузиш орқали ноқонуний ўзидан чиқиб кетишини таъминлаш учун бажарилган ҳатти ҳаракатлар бўйича тузилган шартнома ва битимларни олдиндан тўхтатиб қўйиш ёки уларни бекор қилиш;

✓ солиқ қарзини қасддан тўламайдиган солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун молиявий жазо чоралари қўлланилади, яъни молиявий жазо чораси, жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик (субсидияр жавобгарлик) ва жиноий жавобгарлик;

✓ тўловга қобилсизлик аломатларига олиб келган ҳар қандай мансабдорнинг фаолият бошлангандан то ёпилгунгача бўлган солиқ қарзига мос ҳар қандай ортирилган мол-мулкни мусодара қилиш, сотиш ёки давлат фойдасига ўтказиш (К.Исламов, 2023);

✓ солиқ қарзига мос келган мол-мулкни хатлаш, баҳолаш ва сотиш ваколатини бериш;



- ✓ солиқ қарзини шахсий ғазна ҳисобварақларидан сўзсиз ундириш ҳамда пул маблағларини хатлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ чекловлар ўрнатиш;
- ✓ солиқ қарзини ундириш мақсадида банк ҳисобварақларидаги пул маблағларини хатлаш ва улардан фойдаланишга доир чекловлар ўрнатиш;
- ✓ жисмоний шахсларнинг солиқ қарзини ундириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, ундирувни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга қаратиш;
- ✓ солиқ қарзини дебиторлар ҳисобидан ундириш чораларини кўриш;
- ✓ жисмоний шахсларнинг мол-мулкига тақиқ қўйиш ва хатлаш;
- ✓ юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкни олиб қўйиш, сақлашга топшириш ва қидирув эълон қилиш;
- ✓ қарздорнинг автотранспорт воситаларини масофадан туриб хатлаш ва уларни мажбурий тўхтатиш бўйича ваколатли органлар билан ҳамкорликда чоралар кўриш.

✓ солиқ қарзига мос хатланган мол-мулкларни сақлаш, бутлиги ва хафсизлигини таъминлаш учун замонавий технологиялар билан жихозланган омборхона ташкил этиш.

Амалдаги солиқ кодекс, 13-бобининг моддаларига қўшимча сифатида айрим прим моддалар билан тўлдириб уларни қуйидагича номлаш ва ёритиш керак деб ҳисоблаймиз:

- ✓ солиқ мажбуриятини муддатидан илгари бажариш;
- ✓ солиқ қарзини келишилган ва мақбул усулда тўлаш;
- ✓ солиқ қарзини тегишли шахс учун тўлаш;
- ✓ солиқ қарзини учинчи шахс зиммасига юклаш натижасида ундириш;
- ✓ солиқ қарзи муддатидан илгари тўлаш;
- ✓ солиқ қарзи кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш (амалда бу имконият мавжуд лекин, маҳаллий ҳокимият органлари қандай ҳолатларда солиқ мажбуриятига эга жисмоний шахсларга ушбу имконият берилиши ҳақида тартиб ёки маълумот мавжуд эмас);
- ✓ муқобил солиқ қарзини тўлаш;
- ✓ ортиқча тўланган солиқ суммасига пеня Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасига нисбатан 300 кундан келиб чиқиб ҳисоблаш;
- ✓ солиқ қарзини бир неча кредитор ёки бир неча қарздор иштирок этадиган мажбуриятни бажариш.

✓ қонунчиликда белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда<sup>4</sup>.

✓ қонунда белгиланган ҳолларда ер участкалари, шунингдек бинолар, иншоотлар ва бошқа қўчмас мулк улар жойлашган ер участкалари билан бирга реквизиция қилинганда<sup>5</sup>.

✓ давлат рўйхатида олиш органида мазкур ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжудлиги<sup>6</sup>.

Юқорида келтириб ўтилган таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этилиши солиқ маъмуриятчилиги ҳамда унинг механизмни янада мукамаллаштишида, солиқ тўловчилар ўзининг бюджет олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажаришида, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб қувватланишига самарали кўмаклашади деб ҳисоблаймиз.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг, 36-моддаси, 1-хат боши, 9-банди.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг, 36-моддаси, 2-хат боши, 4-банди.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг, 35-моддаси, 5-хат боши, 2-банди.

**Адабиётлар:**

Margherita Ebraico (2015) An Assessment of the Performance of the Italian Tax Debt Collection System // Taxation papers. P-53.МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР.

Исламов, К. (2023). Тўловга қобилиятсиз (банкрот) корхоналарни тугатиш ва умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш механизмини такомиллаштириш тартиби. Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil, 1(5), 103–111. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss5-pp103-111>

Кодекс (2023) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг, 1146-моддаси, 2-хат боши.

Мирзиёев Ш.М. (2017) Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз Тошкент. Ўзбекистон нашриёти - 203 бет, 4-хат боши.

Махамадустов Ж.М. (2023) Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни механизмини такомиллаштириш (Монографияси).-Т.: “Иқтисодиёт”, 124 бет.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 1 июн 2020 йилдаги “Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2020-22-сон Қарори 3-боб, 10-банд, 2 хат боши.

Қонун (2001) Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 258-II-сон Қонунининг, 16-модда.



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МОЛИЯВИЙ СОЛИҚЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Мамедова Г.К.**

*ТДИУ ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий тадқиқот маркази*

**Аннотация.** Мақола тижорат банклари фаолиятида молиявий солиқларни қўллашнинг асосий йўналишлари қўриб чиқилган бўлиб, тадқиқот доирасида хоризлик ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари ўрганилган ҳамда тадқиқот якунида ҳулоса шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** солиқ, тижорат банки, фискал сиёсат, инвестиция, ликвидлик.

**Аннотация.** В статье рассматриваются основные направления применения финансовых налогов в деятельности коммерческих банков, в рамках исследования изучаются исследования зарубежных и отечественных ученых, по итогам исследования формулируется вывод.

**Ключевые слова:** налог, коммерческий банкинг, фискальная политика, инвестиции, ликвидность.

**Abstract.** The article examines the main areas of application of financial taxes in the activity of commercial banks, research of foreign and local scientists are studied in the research framework, and a conclusion is formed at the end of the research.

**Keywords:** tax, commercial banking, fiscal policy, investment, liquidity.

### 1. Кириш.

Тижорат банклари капиталдан олинадиган даромадлар учун асосий бирламчи соҳалардан бири ҳисобланиб, тижорат банклари томонидан молиявий маҳсулотлар ва хизматларни реализация қилиш орқали фоизли даромадлар олади. Бу эса, ўз навбатида, капиталдан олинадиган даромадга солиқ солиш тартиби ва молиявий хизмат турларини шаклланиши жараёнлари молиявий воситачилик муҳитида рўй беришини англатади.

### 2. Адабиётлар шарҳи.

Тижорат банкларида молиявий солиқларни қўллаш турли соҳаларни қамраб олади ва турли мақсадларга хизмат қилади. Тижорат банклари фойда солиғига тортилади, бу мамлакатларда фарқланади. Россия, АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Франциядаги солиқ режимлари банк самарадорлиги ва рентабеллигига таъсири таҳлил қилинган (Конвисарова ва бошқалар, 2016).

Молиявий операциялар бўйича солиқлар хавфли молиявий хатти-ҳаракатларни чеклаш ва даромадларни оширишга қаратилган. Бироқ улар молиявий

барқарорлик ва бозор фаолиятига аралаш таъсир кўрсатиши мумкин (Валендус, 2017).

Банкларга солинадиган солиқлар, масалан, бизнес солиқлари, кредит бериш хатти-ҳаракатларини бузиши ва хизмат кўрсатиш харажатларини ошириши, солиқ юкини мижозларга ўтказиши мумкин (Вен-хонг, 2005).

Такомиллаштирилган солиқ сиёсати молиявий барқарорлик ва самарадорликни ошириши мумкин. Масалан, молиявий хизматлар учун ҚҚС бўйича имтиёзларни олиб ташлаш муҳим банк операцияларига таъсир қилмасдан самарасизликни камайтириши мумкин (Чаудхрй ва бошқ., 2014).

Тижорат банкидаги молиявий солиқлар фойда тақсимотига, бозордаги хатти-ҳаракатларга, мижозлар харажатларига ва молиявий барқарорликка таъсир қилади. Барқарор банк операциялари учун иқтисодий ва тартибга солувчи контекстларга мослаштирилган самарали солиқ стратегиялари муҳим аҳамиятга эга.

### **3. Таҳлил ва натижалар.**

Молиявий инқироз даврида, ҳақиқатдан тизимли рискка нисбатан тартибга солиш ва назорат қилишдаги мавжуд камчиликлар ва натижада давлат молиясига кучли таъсири, молиявий секторни солиқлар воситасида тартибга солишга бўлган катта қизиқишга сабаб бўлди. Ривожланган мамлакатларда инқироз билан боғлиқ молиявий сектордаги йўқотишларни компенсация қилиш учун қуйидаги асосий иккита чораларни қўлланилган: молиявий муассасаларни муайян турдаги мажбуриятларидан келиб чиқиб ундириладиган йиғимларни жорий қилиниши (хусусан, АҚШ, Швеция ва Германия); молиявий секторда тўланадиган бонусларга қўшимча солиқ солиш (хусусан, Буюкбритания, Италия, Франция). ХВФ (2010) томонидан банк секторга қўшимча солиқларни жорий қилинишига, банк секторига кўрсатилган молиявий ёрдамга нисбатан инқироз боғлиқ зарарларни юқорилиги ҳамда ортиқча рисклар ва тизимли риск («too big to fail» муаммоси, давлат томонидан тизимли муҳим молиявий банкларга қўллаб-қувватлашга бюджет маблағларини сарфланиш ҳолатлари) боғлиқ ташқи салбий таъсирларни юмшатишни асосий сабаблар сифатида кўрсатиб ўтилган. Европа комиссиясининг молиявий секторни солиққа тортиш тўғрисидаги маърузасида солиқ солишда муҳим бўлган учта аргумент келтириб ўтилган: биринчидан, солиққа тортиш молиявий секторни фаолияти билан боғлиқ рискларни пасайтириш мақсадлари учун қўлланиладиган тартибга солишга муҳим восита деб қаралган; иккинчидан, даромад манбаи бўлиб, банклар солиқ тўловчи сифатида давлат молиясига адолатли хисса қўшиши мумкин; учинчидан, банклар молиявий муаммоларини ечимида молиялаштириш манбаси ҳисобланади.

Тахминларга кўра, молиявий солиқлардан тушган тушумлар умумий даромадлар таркибига кириб, умумий зарар миқдорига тенг бўлмаслиги лозим бўлсада, бироқ бу солиқлар молиявий секторни хаддан зиёд рискли фаолиятини чеклашга ёки олдини олишини таъминлаши керак<sup>1</sup>. Шу билан бирга, тизимли рискларни бевосита коррективроқ қилувчи солиқлар тартибга солиш қоидаларига киритилган янги ўзгаришлар билан узвий мувофиқлаштириш (масалан, капитал етарлилиги ва ликвидликни таъминлаш бўйича қўшимча талаблар) зарур ҳисобланади. Илмий адабиётлада банкларни солиққа тортишда турли солиқ режимлари тавсия этилган бўлиб, уларни умумлаштирган ҳолда икки турга таснифлаш мумкин: даромадга йўналтирилган солиққа тортиш ва коррективроқ қилувчи солиқ. Даромадга йўналтирилган солиққа тортиш режимларини кенг

<sup>1</sup>Буни сабаби шундаки, коррективроқ қилувчи солиқлар ўртача зарардан фарқ қилиши мумкин бўлган, баъзи фаолиятдан маржинал ижтимоий зарарни бартараф этиш керак.

тарқалган куйидаги турларини келтириб ўтамиз (Keen, 2011). Банкларни фойдаси ёки ижара тўловидан ундириладиган молиявий фаолиятга солиқ (МФС). Банк тизимидаги барча нормадан ортиқча фойда ва иш ҳақиға қўлланиладиган солиқни мумкин бўлган вариантлардан бири ва барча даромад ва ҳаражатларга солиқ солишни муқобил усули сифатида ҚҚСни ўрнини босиши мумкин. Кейингиси, молиявий хизматлар хиссаси (Financial Services Contribution (epitomised by the US Financial Crisis Responsibility Fee) банк қарзларига солиқ. Бу солиқ жазолаш мақсадлари учун, шу билан бирга, банк қарзларини кафолатлаш учун берилладиган ёпиқ субсидияларни нейтралзация қилиш учун тавсия этилган. Учинчиси, молиявий трансакцияларни шартли қийматидан ундириладиган молиявий операцияларга солиқ (МОС) одатда бузувчи солиқ ҳисобланиб, асосий бузилиш юқори частотали савдодаги ижтимоий ҳаражатларни камайтириши ҳисобланади. Тўртинчиси, банк ходимлари учун бонусларни солиққа тортиш мумкинлиги.

Банк секторини қўшимча солиққа тортишни қўллаб-қувватланишидаги муҳим аргументлар бўлиб, молиявий инқироздан кейинги қайта тикланишига ёрдам, молиявий сектор барқарорлигини таъминлаш, танқид қилинаётган инвестицион хатти-харакатлар даромадлигини пасайтириш, ҚҚСдан озод қилинишидан компенсация қилиш, янги даромадлар манбаси ва фискал мақсад ҳисобланади. Молиявий секторни солиққа торишдаги асосий шакллари бўлиб, молиявий операцияларга солиқ (МОС), молиявий фаолиятга солиқ (МФС) ва банк йиғими ҳисобланади.

Амалга ошириладиган молиявий операциялар туридан келиб чиқиб, турли хилдаги солиқни ажратиш кўрсатиш мумкин: қимматли қоғозлар билан операцияларга солиқ; хорижий валюталар билан операцияларга солиқ (Тобин солиғи); банк операцияларига солиқ; давлат божлари; капиталга солиқ (капитал ўсишидан олинладиган солиқ, яъни қарз хажми ёки акция ва облигациялар чиқариш). Кейнес томонидан илгари сурилган молиявий трансакцияларни солиққа тортиш билан боғлиқ фикрлари бўйича молиявий инқироздан кейин мунозаралар янада кучайиб кетди. Унинг таъкидлашича, ликвид молиявий бозорларни ривожланиши тадбиркорларга капитални кўпайтириш ва рискларни диверсификациялаш имкониятини беради. Бу эса жамиятни йирик масштабдаги инвестицион лойиҳалар бўйича мажбуриятларни ўзига олиш қобилиятини оширишга ёрдам беради. Бироқ, бунда асосий эътибор фундаментал эмас, қисқа муддатли лойиҳаларни жалб этишга қаратилади. Ўз навбатида, қисқа муддатли капиталдан фойда келажакда нарҳлар нисбатани ўсишига боғлиқ бўлади, яъни спекуляцияларга. Солиқни жорий этиш тарафдорларини фикрига кўра, солиқ юқори потенциал тушумга эга деб ҳисоблайди. Иқтисодий нуқтаи назардан, молиявий активлар билан операциялар ҳаражатларини ошиши, қайсики молиявий бозорларни ўзгарувчанлиги ва пуфакчаларга таъсирчанлигини оширадиган спекулятив ва техник савдолар ҳажмини қисқартиради. Бу ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир, чунки булар молиявий секторни беқарорлаштиради ва молиявий инқирозларни сабабларидан бири бўлиши мумкин. Эмпирик таҳлиллар солиқни савдо ҳажмини қисқартириши ва самарадорлигини кўрсатган. Кўриниб турибдики, мазкур солиқни қўлланишидан кўзланган мақсадга, яъни турли хил спекулятив операциялар ҳажмини қисқаришига ва даромадлар тушумини кўпайишига олиб келиши мумкин. Евро Комиссия томонидан потенциал даромад дипазони учун муҳокама қилинган иккита турли сценарийда солиқ базасини аниқлаш бўйича вариантлар фарқланади. Биринчи вариантда, биржадаги акциялар, облигация ва деривативлар билан операцияларни ҳамда биржадан ташқари инструментлар савдосини солиққа тортиш (солиқ базаси акциялар ва облигациялар учун келишувлар қиймати, деривативлар учун шартномани шартномани шартли (ёки базавий) қиймати) назарда тутилган. МОС

иккинчи вариантида тор доирадаги МОС2 аталиб, фақат акция ва облигация билан операцияларга солиқ солинади.

Европа Комиссияси томонидан қуйидаги учта мақсадни кўзлаган холда ЕИ учун МОС тавсия этилган. Биринчидан, МОС тортишдаги кўплаб ички ёндашувдан келиб чиқиши мумкин бўлган, ягона бозорни парчаланишини олдини олиш ва рақобатни бузилишидан сақлаш, иккинчидан, моливий секторни давлат молиясига адолатли ва муҳим бўлган хиссасини қўшиши, ниҳоят, молиявий бозорлар самарадорлиги ёки реал иқтисодиётга хисса қўшмайдиган молиявий операцияларга тўсқинлик қилиниши ва шу тариқа, келгусида юз берадиган молиявий инқирозларни баргараф этишга йўналтирилган тартибга солиш чора-тадбирларини тўлдирилади.

ЕИ давлатлари ўртасида мазкур солиқни жорий қилиниши бўйича асосий кўллаб-қувватловчи Германия ва Франция давлати ҳукуматлари бўлиб, Буюкбритания ва Швеция давлатлари қарши фикрларини билдиришган. Буюк британия ХВЖ томонидан тавсия этилган молиявий институтлар фойдаси ва иш ҳақини умумий суммасидан тўланадиган ва МОС га нисбатан кам тушум тушиши назарда тутилган молиявий фаолиятга солиқни (МФС) жорий этишни фаол ёқлаб чиққан. Umlaufнинг таъкидлашича, Швецияда 1984 йилда жорий қилинган 1 фоизли акцияларга солиқ бўйича 1986 йилда солиқ ставкасини 2 фоизгача кўтарилиши акциялар баҳоси ва айланмасини (сотиш ҳажми 30 фоизга пасайиб, солиқдан қочиш мақсадида 11 турдаги тез сотиладиган акцияларни 60 фоизни Лондонга кўчирилган) қисқартирган. Дастлабки маълумотлар асосан, Франция ва Италияда МОС бозор ҳажми ва ликвидлигини қисқартирган<sup>2</sup>.

МОСнинг қамраб олиш имконияти масаласидан ташқари, солиқни қўлланиши доирасига нисбатан яшаш жойи принципи ёки эмиссия принципи устун бўлиши керакми деган масала турибди. Яшаш жойи принципига мувофиқ, МОС худудида жойлашган молия муассасалари томонидан амалга оширилган трансакцияларга нисбатан мазкур солиқ қўлланилади. Агарда, ушбу объектлар МОС доирасида бўлмаса ҳам, эмиссия принципида Буюк британиядаги герб йиғими ёки Франция ва Италиядаги МОС ларга каби, МОС худудидаги молиявий муассасалар томонидан чиқарилган активлар билан операцияларга қўлланилади. Танқидчилар фикрига кўра, МОС молия бозорида кенг қўлланиши банклараро молиялаштириш ва марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини амалга ошириш учун фойдаланадиган репо бозорига зарар келтириши кўрсатиб ўтилган.

Молиявий фаолиятга солиқ (МФС) банк йиғимларига нисбатан кенг кўламдаги, юқори даражадаги рискни камайтириш ва сезиларли даромад келтириши мумкин бўлган молиявий сектордаги яна бир солиқ ҳисобланади. МФС муассасаларни мукофоти ва фойдаси суммасига қўлланилади. МФС ни рискларни тартибга солишдаги қўшимча восита сифатида қараш мумкин. Мазкур солиқни жорий қилиниши баъзи қийинчиликлар, масалан уни қўллаш учун “периметрини” аниқлаш. Молиявий секторда хизмат кўрсатувчи номолиявий корпорацияларни уни таъсир доирасига тушиб қолиши ва номолиявий секторда фаолиятини ташкиллаштирувчи бошқа компаниялар рағбатлантирилиши мумкин. Молиявий институтлар категориясидан фаолиятини асосий қисми портфелли инвестиция билан боғлиқ бўлган пенсия ва инвестицион фондлар, шунингдек, асосан рўйхатдан ўтган фирмаларга хизмат кўрсатувчи молиявий холдинглар чиқарилган.


МФС счет-фактура шаклидаги ҚҚС дан озод қилиниши билан боғлиқ барча қийинчиликларни ҳеч қандай тарзда ҳал қилмаслигини, бироқ бошқа яхши ечим бўлмаган шароитда уни таклиф этилиши муҳим эканлигини кўрсатиб ўтиш лозим.

<sup>2</sup><http://marketsmedia.com/italian-french-trading-volumes-hit-fft/dated> April 23, 2014 and <http://www.ftseglobalmarkets.com/news/fft-drags-down-italianstock-trading-volumes.html> dated April 23, 2014.

ХВФ томонидан молиявий муассасалар оладиган мукофот ва фойдаси суммасидан олинадиган МФС ни тавсия этилган. Чунки, банк секторидаги ялпи қўшилган қиймат-бу молиявий ташкилотлар ходимларини мукофоти ва фойда суммасидан иборат бўлиб, МФС да амалда молиявий муассасаларнинг соф трансакцияларига солиқ солинади (D. Brondolo, 2011). Бироқ, МТС каби МФС бўйича махсус келишувлар бўлмаган тақдирда, бизнес трансакцияларига қўлланиладиган солиққа айланади, чунки бундай ҳолатда молиявий ташкилотлар томонидан тўланган МФС учун унинг мижозларига солиқ кредити берилмайди. МФС объекти учун солиқ тўловчиларнинг фойдаси ва иш ҳақи суммаси белгиланиши тавсия этилган. ХВФ экспертлари томонидан тавсия этилган МФС модел солиқ базасидан (солиққа тортиш объектини қиймат ва миқдорий таснифи) келиб чиқиб ажратилади. Бунда МФС тортиш мақсадида аниқланадиган фойда корпорациялар фойдасига солиқ солишда аниқланадиган фойдадан фарқ қилиши шарт бўлиб, ҚҚС ҳисоблаш учун қўлланиладиган даромадга (тўлиқ чегириладиган инвестиция, амортизация суммаси ва чегириладиган фоизларни қўшилган холда) яқин бўлиши керак. Шунингдек, ходимларни мукофотларига иш ҳақидан ташқари, бошқа барча тўловлар ва рағбатлаштириш чоралари, шу жумладан, мукофотлар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар, шу билан бирга, компенсион тўловлар киради ва солиқ тушумлари махсус ташкил этилган фондларига эмас, бюджетни умумий даромадларига қўшилиши назарда тутилган<sup>3</sup>.

Кўпгина мамлакатларда молиявий секторнинг қўшилган қиймат миқдори шуни кўрсатмоқдаки, хатто нисбатан паст даражадаги МФС ставкаси самарали усул орқали сезиларли даромад тушумни таъминлаши мумкин. Масалан, Buettner ва Erbелар (2012) томонидан МФСни амалга киритилишининг даромад ва фаравонликка таъсирини назарий ва миқдорий жиҳатдан таҳлил этилган бўлиб, ушбу натижаларни солиштириш орқали 3 % ставкада МФС ни жорий этилиши, молиявий секторни ҚҚС дан озод қилиниши (ҚҚС 19 % ставкада ҳисобга олган холда) бекор қилиниши каби даромад ва фаравонлик оқибатларига олиб келиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, ХВФ томонидан МФСнинг қўшимча равишда иккита вариантлари тавсия этилган бўлиб, булар МФС-2 ва МФС-3 вариантларидир (1-расм).



1–расм. МФСнинг потенциал солиқ базалари таркиби (ХВЖ, 2010)

<sup>3</sup>[http://europa.eu/rapid/press-release\\_DOC-12-3\\_en.htm?locale=en](http://europa.eu/rapid/press-release_DOC-12-3_en.htm?locale=en). Европа барқарорлаштириш фонди ESMни ташкил этиш. Treaty establishing the European Stability Mechanism.

МФС–2 солиқ базасига банкларнинг фойдаси ва ходимларнинг ортиқча иш ҳақлари (surplus wages), яъни банк секторидаги юқори мукофот олувчи ходимларнинг даромадлари киритилган. Бунда, ортиқча иш ҳақини аниқлаш учун банк секторидаги бошқарувчилар даромадининг иқтисодиётни бошқа секторларидаги бошқарувчилар даромади билан солиштириш тавсия этилган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, МФС рентани солиққа тортишга яқин бўлса, солиқ юки молиявий хизматларни истеъмолчиларга ўтказиш эҳтимоллигини камайтиради (L.John, 2010). МФС–3 солиқ базаси белгиланган даромадлилик даражасидан юқори бўлган фойда ва юқори иш ҳақи ҳисобланиб, банк секторидаги ортиқча фойдани солиққа айланишини таъминлайди. Шу билан бир қаторда, даромадлиликни аниқлаш масаласи, яъни капитал даромадлилиги ёки актив даромадлилиги бўлиши керакми мазмунидаги саволни ҳал этилиши МФС жорий этилишини режалаштирилаётган давлатлар ихтиёрига қолдирилган.

МФС маъмурчилигини ташкил этиш оддий бўлиб, фойдага ва ходимларни мукофотларига солиқ солиш солиқ маъмурчилиги учун одатий вазифа ҳисобланади. Шубҳасиз, ҳал қилиниши зарур бўлган техник муаммолар мавжуд бўлади, бироқ уларнинг аксарияти солиқ маъмурчилигини ечими билан боғлиқдир. Тижорат банклари фойдаси ва ходимлар мукофотларини солиққа тортиш доирасида экспертлар асосий эътиборларини муҳим ва муракаб бўлган масалага, яъни солиққа тортиш мақсадида молиявий сектордаги қўшилган қийматни аниқлашнинг амалий имкониятларига қаратилган. МФСнинг кўп жиҳатдан ҚҚС характерига эга бўлиши, ҚҚС каби банкларнинг фаолияти структурасига бевосита таъсир этмайди, чунки солиқ хизматлардан тушум ёки товар айланмасидан эмас, балки қўшилган қиймат суммасига боғлиқлиқдир. Албатта, мазкур солиқни ҚҚС билан фарқи шундаки, солиқ юки фақат охириги истеъмолчиларга эмас, маълум қисми банкларга ҳам тушади. Бинобарин, мазкур солиқни амалга оширилиши банкларни фаолиятига бевосита таъсир этмайди, чунки МФС аслида иқтисодий рентага солиқ сифатида, банк фаолиятини ўзгартирмаган ҳолда уни ҳажмини қисқартиришга олиб келади.

Маржага асосланган молиявий хизматлардан ҚҚС ни ундирилиши билан боғлиқ операцион қийинчиликлар сабабли, МФС муқобил ечим сифатида тавсия этилади. Чунки, қўшилган қиймат банкларларнинг фойдаси ва иш ҳақи йиғиндисига эквивалент бўлиб, МФС қўшилган қийматга солиқ сифатида қўлланиши мумкин. Шундай қилиб, банк фаолиятининг тор қамровдаги ялпи кўрсаткичларига қўланиладиган МОСга нисбатан фойда ва мукофотларга қўлланиладиган МФС кўп жиҳатдан ҚҚС характерига эга.

#### **4. Хулоса.**

Банк йиғими молиявий муассасалар, асосан банклар баланси активлари ва мажбуриятларига солинадиган қўшимча тўлов ҳисобланиб, банкларнинг барқарорлигини таъминлаш ва ликвидлигини ошириш мақсадида айниқса, қисқа муддатли рискли молиялаштириш манбаларидан узоқлаштиришни рағбатлантириш ва банклар томонидан молиявий сектор ва умумий иқтисодиётда юзага келтирадиган рискларни баратараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Бу йиғимдан Базель-III талаб қилган ликвидликни қоплаш коэффициенти (LCR) ва даромадларни ошириш мақсадларига эришиш учун тобора кўпроқ фойдаланилган бўлсада, шу билан бирга, сезиларли даражадаги даромад тушумига айланган. Банк йиғимлари одатдаги солиқ келишувлари бўйича ундирилмаслиги, икки томонлама солиқ солиш рискин келтириб чиқаради.

Банк йиғимларни моҳияти жиҳатдан ушбу мамлакатлар ўртасида сезиларли даражада фарқ қилган. Масалан, Германия ва Швецияда тўлов банк мажбуриятларидан (уларни деривативларидан) олинган. Австрияда асосий восита



ва деривативлар, Францияда рискка торилган активлардан ундирилган. Шунингдек, баъзи мамлакатлар, хусусан Нидерландия, Бельгия ва Буюкбританияда кафолатланган мажбуриятлар йиғим базасидан чиқарилган ташланган бўлса, Финляндия, Кипр и Венгрияда бу мажбуриятлардан йиғим ундирилган. Бундан ташқари, Германияда тижорат банкларининг молиявий кўрсаткичларига боғлиқ бўлмаган минимал даражадаги йиғим мавжуд бўлган. Банк йиғими молиявий муассасалар, асосан банклар баланси активлари ва мажбуриятларига солинадиган кўшимча тўлов ҳисобланиб, банкларни барқарорлигини таъминлаш ва ликвидлигини ошириш мақсадида айниқса, қисқа муддатли рискли молиялаштириш манбаларидан узоқлаштиришни рағбатлантириш ва банклар томонидан молиявий сектор ва умумий иқтисодиётда юзага келтирадиган рискларни баратараф учун кўшган улуши ҳисобланади Умумий қилиб олинганда, европа банк йиғимлари банклар мажбуриятларига нисбатан қўлланилиб, бунда тартибга солувчи капитал ва қопланган депозитлар мустасно қилинган.

#### **Адабиётлар:**

Buettner ва Erbe, (2012) FAT or VAT? The Financial Activities Tax as a Substitute to Imposing Value Added Tax on Financial Services [https://www.econstor.eu/bitstream/10419/79959/1/VfS\\_2013\\_pid\\_23.pdf](https://www.econstor.eu/bitstream/10419/79959/1/VfS_2013_pid_23.pdf).

Chaudhry, S., Mullineux, A., & Agarwal, N. (2014). Balancing the Regulation and Taxation of Banking. *Monetary Economics eJournal*. <https://doi.org/10.2139/ssrn.1141090>.

IMF, (2010) A fair and substantial contribution by the financial sector: Final report for the G-20. Technical report. Washington: International Monetary Fund.

John D. Brondolo. (2011) Taxing Financial Transactions: an Assessment of Administrative Feasibility. IMF Working Paper August 2011 <http://www.imf.org/external/pubs/ft/wp/2011/wp1154.pdf>.

Keen (2011) Rethinking the taxation of the financial sector. *CEifo Economic Studies* 57 (1),1-24.

Konvisarova, E., Stihljas, I., Koren, A., Kuzmicheva, I., & Danilovskih, T. (2016). Principles of Profit Taxation of Commercial Banks in Russia and Abroad. *International Journal of Economics and Financial Issues*, 6, 189-192.

Lipsky John, 2010. Don't Forget Financial Sector Reform. <http://blog-imfdirect.imf.org/2010/01/07/financial-sector-reform>.

Wen-Hong, L. (2005). Tax Structure and Credit Behavior of Business Banks. *Research on Financial and Economic Issues*.

Valenduc, C. (2017). The Financial Crisis and the Taxation of Banks: What Stage Are We at?. , 105-116.



## МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ МЕХАНИЗМИ

**Ниёзов А.О.**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

**Аннотация.** Мақолада махсус иқтисодий зоналарда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиққа тортишнинг механизми ёритилган. Шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва қўшма корхоналар фаолиятини солиққа тортишда бир қанча хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** корхона, қўшма корхона, инвестиция, инвестиция сиёсати, солиқ, МИЗ, ЭИЗ.

**Аннотация.** В статье описан механизм налогообложения предприятий с иностранными инвестициями, действующих в особых экономических зонах. Также проанализирован опыт ряда зарубежных стран по налогообложению деятельности предприятий и совместных предприятий с иностранными инвестициями.

**Ключевые слова:** предприятие, совместное предприятие, инвестиции, инвестиционная политика, налог, ОЭЗ, СЭЗ.

**Abstract.** The article describes the mechanism for taxing enterprises with foreign investment operating in special economic zones. The experience of a number of foreign countries in taxing the activities of enterprises and joint ventures with foreign investment is also analyzed.

**Keywords:** enterprise, joint venture, investment, investment policy, tax, SEZ, FEZ.

### 1. Кириш.

Мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва қўшма корхоналар фаолиятини солиқлар орқали қўллаб қувватлаш мақсадида махсус иқтисодий зоналар ташкил қилинди ва қилинмоқда. Бу борада қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бирқанча фармон ҳамда қарорлари қабул қилинди. Бу жумласига, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги “Қўқон” эркин иқтисодий зонасининг худудини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-250-сон ва 2024 йил 6 августдаги “Марказий осие” халқаро саноат кооперацияси маркази” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-283-сон қарорларини киритишимиз мумкин.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатлар ва иқтисодий адабиётларда “махсус иқтисодий зоналар”, “эркин иқтисодий зона” тушунчаларининг иқтисодий моҳияти очиб берилган бўлиб, улар турлича талқин қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “ Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сон Қонунида (2020) “Махсус иқтисодий зона — тегишли ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун чет эл инвестициялари ва маҳаллий инвестицияларни, юқори технологиялар ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида махсус ажратилган, белгиланган чегараларга ва махсус ҳуқуқий режимга эга бўлган ҳудуд” деб эътироф этилган.

Ушбу қонунда “эркин иқтисодий зона” тушунчасига ҳам таъриф берилган: “Эркин иқтисодий зона — янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга фаол жалб этиш, шунингдек ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмани ва логистика хизматларини ривожлантиришни таъминлаш мақсадларида ташкил этиладиган ҳудуд”.

З.Н.Курбанов ва К.М.Мисировларнинг (2014) қайд этишича: ЭИЗлар жаҳон иқтисодиёти учун янгилик эмас. Дастлабки ҳудудий ЭИЗ Италиянинг Ливорно шаҳрида 1547 йилда «Эркин савдо шаҳри» деб ташкил этилган. Бугунги кунда дунёда 3,5 мингдан зиёд ЭИЗлар ташкил этилган бўлиб, улар 140 га яқин мамлакатда жойлашган. Бутун дунёдаги ЭИЗларда салкам 70 миллион киши меҳнат қилади. Уларнинг йиллик савдо айланмаси эса 500 млрд. доллардан зиёддир.

Б.Беркинов ва У.Арслоновларнинг (2023) фикрича, давлат томонидан МИЗлар фаолиятини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш талаб этилади. Бунда дастлабки босқичларда ҳар бир МИЗларни ривожлантириш дастури инвесторларни жалб қилиш учун фискал рағбатлантиришнинг маълум бир шаклини таклиф қилиши мумкин. Мавжуд далиллар шуни кўрсатадики, фақат рағбатлантириш тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун етарли бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, рағбатлантириш шакллари маълум бир зонанинг ўзига хос хусусиятларига қараб ўзгариши мумкин.

Н.Р.Кузиева (2020) қулай инвестиция муҳитни ва жозибали инвестиция муҳитни яратишда, адолатли рақобатни ривожлантиришда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланишини рағбатлантиришда эркин иқтисодий зоналарнинг аҳамиятини алоҳида такидлайди.

Ш.Мамажоновни (2023) қайд этишича, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, барқарор иқтисодий ўсишга фақат мамлакатда инвестиция фаоллигини ошириш, миллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш шароити-да эришиш мумкин. Қатор мамлакатлар тажрибаси (Хитой, Жанубий Корея, Ирландия, Венгрия, Тайвань ва ҳ.к.) шуни кўрсатмоқдаки, инвестициявий фаолликни рағбатлантирувчи жуда самарали восита махсус иқтисодий зоналарни яратишдир.

Сичжэ Ван (2020) такидлашича, Хитой Халқ Республикаси иқтисодиётини юқори даражада ва барқарор ривожланишида мамлакат ҳудудларида эркин иқтисодий зоналарнинг фаол тарқалиши билан характерланади. Ҳозирги даврда ЭИЗ фақат иқтисодий муаммоларни ечимини топишдан ташқари, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва Хитой иқтисодиёти таркибини оптималлаштириш омили бўлиб ҳисобланади.

Р.И.Алексеевни (2020) ёзишича, эркин иқтисодий зона махсус деганда махсус ажратилган ҳудуд бўлиб, унда валюта, божхона ва солиқ каби соҳаларда имтиёзли

режим амал қилади.. Амалга оширишда қўшма тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилади ва хорижий капитал инвестиция сифатида киритилиши тушунилади.

### 3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотимиз Махсус иқтисодий зоналарда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни солиққа тортишнинг механизми илмий жиҳатдан ўрганилган.Тадқиқот жараёнида назарий материалларни умумлаштириш, амалий материалларни таққослаш ва статистика каби усуллардан фойдаланилиб хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

### 4. Таҳлил ва натижалар.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда, яъни 2024 йил 1 январь ҳолатига 766 та саноат зонаси ташкил этилган, шу жумладан:

24 та – махсус иқтисодий зоналар (МИЗ);

532 та – кичик саноат зоналари (КСЗ);

210 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари (ЁСТЗ)<sup>1</sup> (1-расм).



1-расм. Махсус иқтисодий зоналарнинг ривожланиш тенденцияси<sup>2</sup>.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг маълумотларига кўра, 2023 йилда саноат зоналарида жойлашган корхоналар томонидан 53,4 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 972 миллион долларлик экспорт амалга оширилган.

<sup>1</sup> [https://buxgalter.uz/ru/publish/doc/text196983\\_andijon\\_viloyatida\\_yangi\\_ipak\\_yuli\\_erkin\\_iqtisodiy\\_zonasi\\_tashkil\\_etiladi](https://buxgalter.uz/ru/publish/doc/text196983_andijon_viloyatida_yangi_ipak_yuli_erkin_iqtisodiy_zonasi_tashkil_etiladi).3.12.2024.

<sup>2</sup> Расм муаллиф томонидан тайёрланган.

Ушбу маълумотларни Кореянинг «The Korea Post» журнали ҳам эътироф этган: 2024 йилда Ўзбекистон саноат зоналарида 841 та янги лойиҳаларни ишга тушириш режалаштирилган<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда 2017-2023 йилларда 45 млрд.доллар миқдоридида хорижий инвестициялар жалб этилди. Ушбу инвестицияларнинг 800 млн.доллари махсус иқтисодий зоналар лойиҳалари асосида жалб этилиб, унинг жами тўғридан тўғри хорижий инвестициялардаги улуши бор йўғи 1,8% ни ташкил этган. Бу кўрсаткич Хитойда-80%, Вьетнамда-65%, БААда 40% ни ташкил қилган<sup>4</sup>. Бу борада амалга оширишимиз керак бўлган ишларимиз кўп экан.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сон Қонунига асосан махсус иқтисодий зоналар қуйидаги турда ташкил этилиши мумкин:

- эркин иқтисодий зоналар;
- махсус илмий-технологик зоналар;
- туристик-рекреацион зоналар;
- эркин савдо зоналари;
- махсус саноат зоналари.

Қонунга асосан Махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари солиқ бўйича имтиёزلардан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг (2024) 473-моддасига асосан Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, мол-мулк солиғидан, ер солиғидан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган муддатга озод қилиш тарзида солиқ имтиёзлари берилади.

Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари фойда солиғини тўлашдан ўзи киритган инвестициялар ҳажмига қараб:

- 3 млн АҚШ долларидан – 5 млн АҚШ долларигача инвестиция учун – 3 йил;
- 5 млн АҚШ долларидан – 15 млн АҚШ долларигача инвестиция учун – 5 йил;
- 15 млн АҚШ доллари ва ундан кўп инвестициялар учун –10 йил муддатга фойда солиғидан озод қилинади.

Махсус иқтисодий зоналарини ривожлантиришга хорижий ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этиш имконини берадиган солиқ, божхона имтиёзлари ва енгилликларининг кенг тизимини яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. МИЗ аъзоларидан 2022 йилда 508 таси 514,0 млрд.сўмлик, 2023 йилда 531 таси 644,0 млрд.сўмлик (25,3 фоизга ўсган) солиқ имтиёзларидан фойдаланган. Фойдаланилган солиқ имтиёзининг тўланган солиққа нисбати 2023 йилда 38 фоизни ташкил этган. КСЗ иштирокчилари фаолияти бўйича барча меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган имтиёзлар инobatга олинган ҳолда 2022 йилда 628 та субъект 510 млрд.сўмлик, 2023 йилда 695 таси 581 млрд.сўмлик (14 фоизга ўсган) солиқ имтиёзларидан фойдаланган. Шунингдек, ЁСЗ иштирокчилари фаолияти бўйича 2022 йилда 105 та субъект 29,8 млрд.сўмлик, 2023 йилда 138 таси 32,3 млрд.сўмлик (8 фоизга ўсган) солиқ имтиёзларидан фойдаланган.

Беларус Республикасида ҳозирги вақтда олти таси МИЗ фаолият кўрсатмоқда: “Брест” МИЗ, “Минск” МИЗ, “Гомель-Ратон” МИЗ, “Витебск” МИЗ, “Могилев” МИЗ ва “Гродноинвест” МТЗлар.МИЗ резидентлари учун Беларус Республикаси солиқ кодексига махсус солиқ режими белгиланган. Бу режимга асосан МИЗ иштирокчилари фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, кўчмас мулк солиғи, ео

<sup>3</sup> The Korea Post» журнали. 02.03.24. <https://www.koreapost.com/com/com-1.html>.

<sup>4</sup> Специальные экономические зоны в Узбекистане: актуальные проблемы развития и дальнейшие перспективы . <https://asr.gov.uz/ru/news/11527>. 4.12.2024.

солиғи, ерга ижра тўлови, бож тўловлари, махсус ишларни бажаргалик божи, ўрмон ва қишлоқ хўжалиги йўқотишларини қоплашдан озод қилинган<sup>5</sup>.

Россия Федерациясида 53 та махсус иқтисодий зоналар (ОЭЗ) фаолият кўрсатмоқда, уларнинг 34 таси саноат ишлаб чиқариш, 7 таси техник, 10 таси туристик-рекреацион зоналар ва 2 таси порт махсус иқтисодий зоналардир. Кейинги 19 йилда 1208 резидент рўйхатга олинган бўлиб, улар 33 мамлакатнинг 109 хорижий капитал иштирокчиси бўлган компаниялардир (А.В.Виленский, 2023).

Ҳозирги глобаллашув даврида махсус иқтисодий зоналарни янада ривожлантиришни тақоза қилади. Бунда илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

## 5. Хулоса.

МИЗ иштирокчиларига минтақанинг иқтисодий ривожланиши ва унинг худудий жойлашувидан келиб чиқиб, табақалаштирилган имтиёз ва преференцияларни қўллаш, божхона тўловлари бўйича имтиёздан фойдаланган ҳолда импорт қилинган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлардан тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилиш муддатини белгилаш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, “ягона дарча” тамойили асосида барча турдаги давлат хизматларини кўрсатиш, инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш, олий таълим муассасалари талабаларининг ишлаб чиқариш амалиётини МИЗ корхоналарида ўташи юзасидан алоҳида қўшма дастурлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ экани айтиб ўтилди.

Тўғридан тўғри инвестицияни кўпроқ жалб қилиш ва МИЗни янада ривожлантириш мақсадида МИЗ иштирокчиларига Бирлашган Араб Амирликлари, Вьетнам, Қазоқистон, Хитой, Беларус Республикалари тажрибасидан фойдаланган ҳолда барча солиқ ва йиғимлардан озод этиш керак.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “ Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сон Қонунига замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиш ва қўшимчалар мақсадга мувофиқ.

## Адабиётлар:

Алексеев Р.И. (2020) Свободные экономические зоны: российский и мировой опыт в условиях глобализации и регионализации. Путеводитель предпринимателя. 13(3):98-105. <https://doi.org/10.24182/2073-9885-2020-13-3-98-105>  
[https://buxgalter.uz/ru/publish/doc/text196983\\_andijon\\_viloyatida\\_yangi\\_ipak\\_yuli\\_er\\_kin\\_iqtisodiy\\_zonasi\\_tashkil\\_etiladi.3.12.2024](https://buxgalter.uz/ru/publish/doc/text196983_andijon_viloyatida_yangi_ipak_yuli_er_kin_iqtisodiy_zonasi_tashkil_etiladi.3.12.2024).

Беркинов Б.Б., Арслонов У. (2023) Ўзбекистон минтақаларида махсус иқтисодий зоналарни ривожланиш истиқболлари. Iqtisodiyot va ta'lim / №5-son.

Виленский А.В. (2023) Особенности новых свободных экономических зон России. Федерализм. 28(3):137-151. <https://doi.org/10.21686/2073-1051-2023-3-137-151>.

Ван С. (2020) Свободные экономические зоны Китая: история и современность. Информация и инновации;15(4):84-90. <https://doi.org/10.31432/1994-2443-2020-15-4-84-90>.

Кодекс (2024) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.

Кузиева Н.Р. (2020) Эркин иқтисодий зоналар худудида солиқлар ва божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзларнинг аҳамиятли жиҳатлари. Архив научных исследований,1 (24). <https://ejournal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2892>.

<sup>5</sup> Свободные экономические зоны на территории Республики Беларусь. 14 августа 2024г.

Мухамаджанов Ш.С. (2023) Инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишда худудлардаги махсус иқтисодий зоналарнинг ўрни ва уларнинг фаолияти таҳлили. *Iqtisodiyot va ta'lim* / №5-son. [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss5/%25x](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/%25x).

Қонун (2020) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “ Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сон .

Қурбанов З.Н., Мисиров К.М. (2014) Эркин иқтисодий зоналар ва солиққа тортишнинг хусусиятлари. *Молия илмий журнал*, 4-сон. 65-70 бетлар.



#### ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ

**Отаниёзов О.О.**

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти*

**Аннотация.** Ушбу мақолада чарм-пойабзал саноати корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми ҳамда шлаб чиқаришда самарадорликка эришиш якуний натижаларнинг ошиши билан ифодаланиши, барча иқтисодий кўрсаткичларнинг яшиланиши, яъни, меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик даражасининг ўсиши баён этилган

**Калит сўзлар:** чарм-пойабзал, самарадорлик, ташкилий-иқтисодий механизм, пировард натижа, харажат, маҳсулот, пойабзал, унумдорлик, инвестициялар

**Аннотация:** В данной статье описан организационно-экономический механизм повышения эффективности предприятий кожевенно-обувной промышленности, причем достижение эффективности обувного производства выражается повышением конечных результатов, улучшением всех экономических показателей, то есть увеличением в производительности труда и рентабельности.

**Ключевые слова:** кожаная обувь, эффективность, организационно-экономический механизм, конечный результат, себестоимость, продукция, обувь, производительность, инвестиции.

**Abstract:** This article describes the organizational and economic mechanism for increasing the efficiency of leather and footwear industry enterprises and the fact that achieving efficiency in the production of slag is expressed in an increase in final results, an improvement in all economic indicators, that is, an increase in labor productivity and profitability.

**Keywords:** leather and footwear, efficiency, organizational and economic mechanism, final result, cost, product, footwear, productivity, investments

#### **1. Кириш.**

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида фаолият юритаётган корхоналарнинг асосий мақсади ўз иқтисодий, техник ва молиявий салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда ички ва ташқи бозорларга тайёр ва рақобатбардош маҳсулотлар етказиб беришдир.

Шу муносабат билан, республика иқтисодиётида амалга ошириладиган вазифалар қаторида бозор талабини ҳисобга олган ҳолда саноат корхоналари ишлаб чиқаришининг таркибини такомиллаштириш, шунингдек, тармоқ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурдир. Бошқача айтганда, мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар фаолиятини



эркинлаштириш ва бозор талабларига мувофиқлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришиш лозимдир.

Самарадорликни ошириш ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг объектив қонунидир, чунки у қўшимча қувватларни жалб этишни, ишлаб чиқариш фондларини мунтазам янгилаб боришни талаб этиб, капитал қўйилмалар, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежашни, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун жамғармаларни қўпайтиришни, доимий кўрсаткичларнинг ўзгармаган ҳолатида қўшимча маҳсулот ва фойда олишни таъминлайди.

Ишлаб чиқаришда самарадорликка эришиш якуний натижаларнинг ошиши билан ифодаланиб, барча иқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланишини белгилайди, яъни, меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик даражасининг ўсиши, маҳсулот таннархи ва ўринсиз молиявий харажатларнинг пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам самарадорлик жорий харажатлардан максимал фойда олишга эришиш ёки кам харажат эвазига кўпроқ даромад олишни билдиради. Ишлаб чиқариш натижаларининг унга сарфланган харажатларга нисбатан юқорилиги корхонанинг самарадорлик даражасини белгилайди.

## **2. Адабиётлар шарҳи.**

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдики, иқтисодчи-олимларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур деб ҳисоблайдилар (С.В.Бочаров, 2005). Х.А.Мамаджанов (2001) эса самарадорликни белгиловчи ягона умумий кўрсаткични яратишга уринадилар.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг фикрича «самарадорлик бу барча турларнинг моҳияти, унинг мезонларида ифодаланиб, у «натижа» ва «харажат» нисбатида ўз ифодасини топади ҳамда анъанавий ва бозор кўрсаткичлари тизими орқали аниқланади. Барча мазмундаги самарадорлик даражаси техника тараққиётига, иқтисодий ресурсларнинг унумдорлиги ва улардан фойдаланиш даражасига, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга боғлиқ бўлади» (Н.М.Юсупова, 2008).

Хусусан, Н.М.Юсупова (2008): «...иқтисодий самарадорликда қуйидаги кўрсаткичларни ажратиб кўрсатиш мумкин: фонд самарадорлиги, асосий фондларнинг янгиланиш даражаси, таркибий инвестициялар даражаси, ҳудудий коэффициентлар».

А.Қодиров ва бошқалар (1995) «ишлаб чиқариш самарадорлигини белгилашда умумий, ҳамма воқеликни умумлаштирувчи кўрсаткич вазифасини бажара оладиган якуний пировард кўрсаткич йўқдир», деб таъкидлайдилар.

В.Н.Авдеенко ва В.А.Котловлар (2001) эса «Корхонани ишлаб чиқариш салоҳияти мураккаб тизимни ташкил этгани учун улардан фойдаланиш самарадорлиги битта эмас, балки кўрсаткичлар жамланмаси билан тавсифланади», деб фикр юритадилар.

В.В.Попков (2007) эса «корхона фаолиятига баҳо бериш учун иложи борича ягона комплекс интеграл кўрсаткичга эга бўлиши керак», деган фикрни илгари суради.

Бизнинг фикримизча, чарм-пойабзал саноати корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш учун иқтисодий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, самарадорликни баҳолаш учун яхлит умумлашган кўрсаткични яратиш ўзаро мос келмайдиган кўрсаткичларни тенглаштириш ва бирлаштиришни тақозо этади. Ваҳоланки, бу кўрсаткичлар турлича ўлчов бирликларида акс эттирилади ва улар ишлаб чиқариш фаолиятининг турли томонларини ёритишга асосланганлиги боис уларни бир ўлчамга келтириш,

таққослаш, ёки улар асосида аниқ ҳисоб-китоб юритиш амалиётда катта қийинчилик туғдиради, ҳамда қилинган таҳлилларнинг ишончлилиги таъминланмайди. Шунинг учун корхонанинг молиявий-иқтисодий имкониятларини тўлиқ тавсифлай оладиган турли кўрсаткичлардан ёки кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш корхонанинг самарадорлик даражасини аниқ ҳисоблаш имкониятини яратади.

### **3. Тадқиқот методологияси.**

Чарм-пойабзал тармоғини ривожлантиришда олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

### **4. Таҳлил ва натижалар.**

Бугунги кунда республика чарм-пойабзал саноати жадал ривожланмоқда. Бу соҳадаги муҳим йўналишлар тайёр маҳсулотлар бозорида ҳам, хом ашё бозорида ҳам импорт ўрнини босишга қаратилмоқда. Турли мулк шаклидаги корхоналарнинг мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида ҳаракат қилиши уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларини мустақил танлаш имкониятини яратади. Шундай экан, бу кўрсаткичларни ихчамлаштириш орқали самарадорлик даражасини имкон қадар тўлароқ ифода эта оладиган халқаро стандартларга мос тизим ишлаб чиқиш талаб этилади.

Шу муносабат билан бизнинг фикримизча чармпойабзал саноати корхоналари самарадорлигини 1-расмда кўрсатилган тизим бўйича баҳолаш корхона фаолияти молиявий-иқтисодий даражасини янада аниқроқ ифодалаш имкониятини беради.


Мазкур тизимда умумлашган кўрсаткичлар сифатида активлар рентабеллиги (АР), сотилган маҳсулот рентабеллиги (СМР), ўз маблағлари рентабеллиги (ЎМР), бир акциянинг фойдалилик даражаси (АФД), ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги (ФР) ва умумий рентабеллик (УР) кўрсаткичларидан фойдаланиш корхоналар ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашда муҳим ўрин тутаяди.

Келтирилган ушбу рентабеллик кўрсаткичлари корхона фаолиятининг қанчалик самарали юритилаётганини билдиради. Активлар бўйича ҳисобланган рентабеллик даражаси шундан далолат берадики, корхоналар бир сўм фойда олиш учун қанча маблағ сарфлаганлигини билдиради. Бу энг муҳим кўрсаткич бўлиб, корхонанинг активлари рентабеллиги даражасига қараб, уларнинг рақобатбардошлик даражасини билиш мумкин.

Сотилган маҳсулот рентабеллиги бир сўм фойдага қанча сўмлик сотилган маҳсулот тўғри келишини билдиради. Корхонанинг ўз маблағлари рентабеллиги кўрсаткичи эса ўз маблағларининг самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич бўлиб, бир сўм фойда олиш учун сарфланган ўз маблағлари миқдорини тавсифлайди. Ички ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги кўрсаткичи асосий воситалар ва айланма маблағларнинг фойдалилик даражасини ифодаласа, умумий рентабеллик хўжалик фаолиятининг фойдалилик даражасини кўрсатади.

Чармпойабзал саноати корхоналари фаолиятини диагностик тадқиқ этишда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражасига баҳо бериш муҳим аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида товарнинг рақобатбардошлиги унинг бошқа турдош товарлардан афзаллик жиҳатларининг мавжудлиги, умумэътироф этган талабларга жавоб бериши, товар ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар миқдори билан белгиланади. Товарнинг

рақобатбардошлигига баҳо беришда истеъмолчининг эҳтиёжи ва бозор талабларини ҳисобга олиш лозим.



**1-расм. Чарм-пойабзал саноати корхоналари самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими.**

Таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги кўрсаткичи асосий ва айланма фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди.

Шу билан бирга чарм пойабзал саноати корхоналари самарадорлигини баҳолашда ишлаб чиқариш фаолиятини турли жихатларини акс эттирадиган турли хил кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш ўринли бўлиб, улар асосида ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида юз берадиган барча ўзгаришлар ҳисобга олинади, тўғри ва аниқ хулоса чиқарилади. Ушбу кўрсаткичларнинг иқтисодий моҳияти ҳам турлича бўлиб, улар корхонанинг иқтисодий, ижтимоий, экологик имкониятларини

белгилайди ва самарадорликка таъсир этувчи барча омилларни инобатга олишда асос бўлади. Ана шундай асосли таҳлил натижасида аниқланган самарадорлик даражасига кўра турли инвестиция лойиҳалари ичидан энг мақбулини танлаш имконияти яратилади, ёки ишлаб чиқаришни техник даражасини оширишга қаратилган лойиҳаларга сарфланган сармоялардан кутилаётган натижа ҳисоб-китоб қилинади.

Амалиётда қўлланиладиган барча кўрсаткичлар маълум ва улар иқтисодчи-олимлар томонидан чуқур таҳлил этилган, услубий жиҳатдан асосланган. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, бозор муносабатлари шароитида корхоналар фаолиятини таҳлил этиш ва унинг самарадорлигини аниқлашда молиявий баҳолаш услубидан фойдаланиш кенг тарқалгандир (С.И.Крылов, 2015). Бунга кўра, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, ёки янги инновацион ишланмаларни жорий этишга сарфланган сармоялар натижавийлигини аниқлашда ана шу мақсадларга йўналтирилган молиявий оқимларни ҳисобга олиш алоҳида аҳамият касб этади. Корхоналар самарадорлигини аниқлашда фойдаланиладиган молиявий баҳолашнинг статик ва динамик усуллари мавжуд. Статик усулга кўра инновацион лойиҳаларнинг афзаллиги тўғридан-тўғри пул оқимларининг тақсимланиши ва улардан келадиган тушум, фойда меъёри, қопланиш муддати, жами харажатлар ва ҳ.к. билан белгиланади. Динамик усул эса сарфланган сармоялар қийматининг ўзгаришини ҳисобга олишни тақозо этади, яъни барча ҳисоб-китоблар пул массаси қийматини дисконтлаш орқали амалга оширилади ва бунда инвестицион лойиҳаларнинг молиявий ҳолатини белгиловчи қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Соф жорий қиймат СЖҚ ёки дисконтланган фойда меъёри (net present value – NPV);
2. Фойда индекси ФИ (Profitability index – PI);
3. Сармоялар рентабеллиги СР (benefit/cost ratio – B/C ratio);
4. Лойиҳанинг ички даромад меъёри ИДМ (internal rate of return – IRR);
5. Дисконтланган қопланиш муддати ДҚМ (payback period – PB) ва ҳ.к.

Юқорида келтирилган усуллар жаҳон амалиётида кенг тарқалган бўлиб, инвестиция лойиҳалари ёки техник-технологик ишланмаларни жорий этишда сарфланган маблағлардан кутилаётган натижанинг молиявий ҳолатини аниқ таҳлил этиш имкониятини беради ва самарали лойиҳаларни экспертиза қилиш ва танлашда уларни иқтисодий баҳолаш орқали афзаллик томонларини аниқлайди<sup>1</sup>.

Шу ўринда корхоналарда амалга ошириладиган модернизация жараёнлари, инновацион ишланмаларнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисида аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун ялпи маҳсулот ҳажмида инновацион товарларнинг улушини ва уларга сарфланган харажатлар миқдорини аниқлаш талаб этилади. Шу жиҳатдан, биз чарм пойабзал саноати корхоналари самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимида инновацион маҳсулотлардан олинadиган фойда миқдорини аниқлаш муҳим эканлигини қайд этамиз. Яъни инновация тадбирларини амалга оширишдан олинган фойдани унга сарфланган харажатларга нисбати корхоналарнинг инновация фаолияти самарадорлигини аниқлашда асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Юқорида келтирилган ёндошувга мувофиқ инновация фаолиятини амалга ошириш учун сарфланган инвестициялар жорий қийматини аниқлаш учун дастлабки базис боғлиқлик қуйидаги кўринишга эга бўлади:

---

<sup>1</sup> COMFAR III Expert 5.2 Choose the most popular programs from Games COMFAR III Expert (янги авлод дастурий маҳсулоти, ЮНИДОнинг инвестицион лойиҳаларни молиявий ва иқтисодий баҳолаш) <https://comfar-iii-expert.software.informer.com>

$$C_{\text{инн}} = \frac{P_t - I_t}{I_t} \quad (1)$$

Бу ерда:  $C_{\text{инн}}$  – «t» вақт учун ҳисобланган инновация лойиҳаларига сарфланган қўйилмаларнинг нисбий самарадорлиги;

$P_t$  - инвестиция киритиш натижасида «t» вақт давомида корхона томонидан олинган жами пул тушумлари (даромадлари);

$I_t$  - «t» вақт давомида инновация лойиҳаларига сарфланган жами инвестициялар.

Корхоналар самарадорлигини ҳисоблаш учун (1) формулани қўллашнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бу ерда инновация лойиҳаларига сарфланган сармоялар уларга бевосита боғлиқ бўлмаган даромадлар ва харажатлар оқими мавжуд бўлган ва фаолият кўрсатаётган корхоналарга киритилади. Ушбу салмоқли хусусиятни ҳисобга олиш учун инновация лойиҳалари самарадорлигини аниқлашда (1) формулани қуйидагича ўзгартирамиз:

$$C_{\text{инн}} = \frac{P_t - X_t}{X_t} \quad (2)$$

Бу ерда:  $C_{\text{инн}}$  – корхона инновация фаолияти самарадорлиги кўрсаткичи;

$P_t$  - кўриб чиқиладиган давр мобайнида инновация лойиҳалари амалга оширилган корхона томонидан олинган даромадлар оқими, пул тушумлари йиғиндиси;

$X_t$  - кўриб чиқиладиган давр мобайнида корxonанинг барқарор ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ва инновация лойиҳаларига сарфлаган харажатлари йиғиндиси.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, (2) формуладаги  $C_{\text{инн}}$ нинг қиймати ўзининг иқтисодий мазмунига кўра инновация лойиҳаларини амалга оширишга сарфланган харажатларни ҳисобга олган ҳолда ана шу инновацион ишланмаларнинг жорий этилиши натижасида корхона фаолияти умумий самарадорлиги қандай йўналишда ўзгараётганлигини кўрсатади.

Инновация лойиҳаларини амалга оширишдан кутиладиган самара (фойда) даражасини аниқлаш учун лойиҳанинг қопланиш муддатини (йил ва ундан ортиқ давр мобайнида) ҳисобга олган ҳолда пул оқимини дисконтлаш лозим. Бундай дисконтлаш зарурияти икки омил билан изоҳланади: киритиладиган инвестицияларнинг ушбу инвестицияларни банкда жойлаштириш шароитида олиниши мумкин бўлган даромадлар миқдориди йўқотилиши ва инфляция натижасида инновация лойиҳаларини амалга ошириш вақтида пул маблағлари қийматининг пасайиши.

Агар банк депозити фоизи ва инфляция (нарх ўсиши индекси) кўрсаткичи ҳамда уларнинг дастур самарадорлигини аниқлаш вақтидаги динамикаси аниқ бўлса, юқорида келтирилган ҳар иккала омилни миқдорий жиҳатдан аниқлаш мумкин.

Ушбу омилларни биргаликда ҳисобга олишда келажакдаги даромадлар ва харажатларни инвестицияларнинг бошланғич даврига келтириш учун уларни келтириш коэффициенти –  $K_k$ га кўпайтириш ёрдамида аниқлаш мумкин. Келтириш коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$K_k = \frac{1}{(1+r+p)^t} = (1+r+p)^{-t} \quad (3)$$

Бу ерда:  $r$  – йиллик банк депозити фоизи;

$p$  – инфляциянинг йиллик даражаси;

$t$  – йилларда ўлчанадиган вақт оралиғи.

$r+p=q$ , деб белгилаб олсак, у ҳолда:

$$K_k = \frac{1}{(1+q)^t} = (1+q)^{-t} \quad (4)$$

(2) формулани келтириш коэффициентини (4) қўллаш асосида харажат ва натижалар қийматларини дисконтлаш усули орқали ўзгартирамиз:

$$P_t = \sum_{i=1}^n \frac{P_i}{(1+q_i)^i}; \quad I_t = \sum_{i=1}^n \frac{I_i}{(1+q_i)^i}; \quad X_t = \sum_{i=1}^n \frac{X_i}{(1+q_i)^i} \quad (5)$$

Бу ерда:  $i$  – навбатдаги вақт оралиғи номери (дастурни амалга ошириш муддати вақт оралиқлари « $i$ » га бўлинади);

$n$  – лойихани амалга ошириш муддати ( ой, квартал ва йилларнинг умумий сони).

(5) формуладаги  $P_t$ ,  $I_t$  ва  $X_t$  ларни (2) формулага қўйиб, саноат корхоналарида инновация лойихаларини амалга ошириш учун киритилаётган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг қуйидаги формуласига эга бўламиз:

$$C_{\text{инн}} = \frac{\sum_{i=1}^n \frac{P_i}{(1+q_i)^i} - \sum_{i=1}^n \frac{X_i}{(1+q_i)^i}}{\sum_{i=1}^n \frac{X_i}{(1+q_i)^i}} \quad (6)$$

Юқорида келтирилган усуллар орқали корхоналарнинг умумий самарадорлиги ҳамда уларнинг инновация фаолияти натижалари тўғрисида батафсил ва аниқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкин. Бунда жорий ва маълум давр оралиғида сарфланиши лозим бўлган харажатлар, келгусида кутилаётган фойда миқдори, яъни жами харажатлар ва жами пул тушумларини аниқлаш мумкин.

## 5. Хулоса

Шундай қилиб, биз *корхона фаолиятининг самарадорлиги* ишлаб чиқариш, молиявий, маркетинг, савдо ва инвестиция фаолияти натижадорлиги даражасини акс эттириш шакли, шунингдек, истеъмолчилар эҳтиёжлари ва бозор талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш ва айланиш жараёнида мавжуд ресурслар турларидан (моддий, меҳнат, молиявий, ахборот, интеллектуал) фойдаланиш самарадорлиги даражаси деган хулосага келдик.

«Механизм», «иқтисодий механизм», «ташкилий механизм», «ташкилий-иқтисодий механизм» каби категорияларнинг умумийлигини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек улар ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро боғлиқликни, ҳар бирининг мазмунини аниқлаб, биз шундай хулосага келдикки, *корхонанинг самарадорлиги* - бу ўзаро боғлиқ ва қатъий тартибга келтирилган ташкилий-иқтисодий тадбирларнинг комплекс тизими бўлиб, бошқарувнинг тегишли шакллари ва усулларидан фойдаланган ҳолда муваффақиятли амалга оширилиб, корхонага фаолиятининг барча соҳалари ва бошқарувнинг барча даражаларида самарадорликни оширишни таъминлашга имкон беради.

Ушбу механизмнинг мазмуни аниқ муносабатларни ўрнатиш, қатъий тартиблаш ва ишлаб чиқиладиган ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар бўлган унинг таркибий элементларининг аҳамият даражасини аниқлашдан иборат, шунингдек, корхонанинг иқтисодий фаолияти самарадорлигининг энг юқори даражасига эришиш мақсадида иш сифатини сақлаб қолиш учун зарур воситаларни ва уларни амалга оширишнинг энг самарали усулларини танлашдан иборат.

**Адабиётлар:**

COMFAR III Expert 5.2 Choose the most popular programs from Games COMFAR III Expert (янги авлод дастурий маҳсулоти, ЮНИДОнинг инвестицион лойиҳаларни молиявий ва иқтисодий баҳолаш) <https://comfar-iii-expert.software.informer.com>

Авдеенко В.Н., Котлов В.А (2001) Оценка экономического потенциала промышленных предприятий. М.:

Бочаров С.В. (2005) Анализ подходов к определению экономической эффективности инновационных проектов. Н-Новгород, 2005;

Мамаджанов Х.А. (2001) Модель сравнительной оценки стоимости интеллектуальной собственности. // Вопросы оценки. №2, С.2.

Крылов С.И. (2015) Сбалансированная система показателей и информационные технологии // Международный бухгалтерский учет. №28, с.54-63 // <http://www.fin-izdat.ru/journal/interbuh/>

Попков В.В. (2007) Развитие методики анализа инновационной деятельности на машиностроительных предприятиях. Саратов.:

Юсупова Н.М. (2008) Инвестиционные возможности республики Узбекистан // Общество и экономика, № 3-4, М. 6.

ҚодировА., АбулқосимовХ., Камолов М. (1995) Хўжалик юрителининг янги шароитида ишлаб чиқариш смарадорлигини ошириш.Т.: ТДТУ.



#### ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМЛАРИДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Севинчев С.С.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Аннотация.** Солиқ сиёсати ва солиқ, тизимини такомиллаштириш масалалари мамлакатимиз амалга ошириляётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Хусусан, солиқ тизимида кўчмас мулкларни адолатли солиққа тортиш алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Мақолада, Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкларини ҳисобга олиш ва уларни солиққа тортишдаги муаммолар таҳлил қилинган ҳамда ҳалқаро тажрибалар асосида жисмоний шахсларнинг мол-мулкларига солиқ ҳисоблаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Солиқ маъмуриятчилиги, солиқ тизими, жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи, жисмоний шахслар, мол-мулкнинг кадастр киймати, бозор киймати, кўчмас мулк солиғи, маҳаллий бюджетлар даромадлари, солиққа тортиш механизми.

**Аннотация.** Вопросы налоговой политики и совершенствования налоговой системы занимают одно из центральных мест в проводимых в нашей стране социально-экономических реформах. В частности, особое значение в налоговой системе имеет справедливое налогообложение недвижимости. В статье анализируются проблемы учета и налогообложения недвижимости физических лиц в Узбекистане, а также разрабатываются предложения по совершенствованию системы расчета налога на имущество физических лиц на основе международного опыта.

**Ключевые слова:** Налоговое администрирование, налоговая система, налог на имущество, взимаемый с физических лиц, физические лица, кадастровая стоимость имущества, рыночная стоимость, налог на недвижимость, доходы местных бюджетов, механизм налогообложения.

**Abstract.** Issues of tax policy and improvement of the tax system occupy one of the central places in the socio-economic reforms carried out in our country. In particular, fair taxation of real estate is of particular importance in the tax system. The article analyzes the problems of accounting and taxation of real estate of individuals in Uzbekistan and also develops proposals for improving the system for calculating property tax for individuals based on international experience.

**Keywords:** Tax administration, tax system, property tax levied on individuals, individuals, cadastral value of property, market value, real estate tax, local budget revenues, taxation mechanism.



### **1. Кириш.**

Солиқ сиёсати ва солиқ, тизимини такомиллаштириш асалалари ҳозирги кунда Республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қайта шакллантириш амалга оширилаётган бир даврда иқтисодий ислохотлар ичида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида молиявий муносабатлар, шу жумладан, корхона, ташкилот ҳамда бирлашмаларнинг давлат бюджети билан солиқлар бўйича муносабатлардаги ҳисоб-китобларини такомиллаштириш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ маҳаллий бюджет даромад қисмини шакллантирувчи солиқлардан биридир. Мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир.

Солиқ сиёсати ва солиқ, тизимини такомиллаштириш масалалари ҳозирги кунда Республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қайта шакллантириш амалга оширилаётган бир даврда иқтисодий ислохотлар ичида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида молиявий муносабатлар, шу жумладан, корхона, ташкилот ҳамда бирлашмаларнинг давлат бюджети билан солиқлар бўйича муносабатлардаги ҳисоб-китобларини такомиллаштириш долзарб муаммо бюджетга ундириладиган мол-мулкини солиққа тортиш ролини ошириш йўллари аниқлаш тадқиқотнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

### **2. Адабиётлар шарҳи.**

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаш ва ундириш самарадорлигини ошириш йўллари, уларнинг вазибалари, хусусиятлари ва ундаги муаммолар бўйича назарий, услубий ҳамда амалий масалалари Ф.Нитти, Д.Рикардо, А.Смит, В.Н.Твердохлебов ва И.И. Янжул каби хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Юридик шахслар мол-мулкини солиққа тортишни ривожлантириш бўйича назарий ва амалий ишлар Д.А. Аллахвердян, Э.А. Вознесенский, И.В. Горский, Л.А. Драбозина, А.Лаффер, Н.В. Миляков, В.М. Родионова, И.Д. Злобин, Д.Г. Черник, М.К. Шерменева каби иқтисодчи олимларнинг илмий китобларида ўз аксини топган.

Шунингдек, мол-мулкдан олинадиган солиқ билан боғлиқ бўлган масалалар Алимардонов М., Гадоев Э.Ф., Галкин В.Ю., Зайналов Ж.Р., Маликов Т.С., Олимжонов О.О., Собиров Х.Р., Шарифхўжаев М.Ш., Умаров Б., Яҳеев К., Ёлдошев М.И. каби ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ва амалиётчи мутахассисларнинг илмий ва амалий ишларида ўз аксини топган. Аммо, ҳозирги вақтга қарай корхоналар мол-мулкдан олинадиган солиққа бағишланган илмий ишлар етарлича эмас. Амалда қўлланилиб келинаётган мол-мулкдан олинадиган солиқ механизмида бир қанча камчиликлар мавжуд эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринлиди.

### **3. Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот жараёнида жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаш ва ундириш самарадорлигини ошириш масалалари ва мамлакатимизда жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларининг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрни бўйича илмий тадқиқотлар ўрганилди. Мақолани шакллантириш жараёнида кузатиш ва танлаб олиш, илмий-назарий, эмпирик кузатув усуллардан фойдаланилган. Тадқиқот натижаларининг ишончлиги тадқиқотда қўлланилган миллий статистик расмий манбалардан фойдаланилгани билан изоҳланади.

**Таҳлил ва натижалар.**

Мол-мулк солиғи маҳаллий солиқларнинг бир тури бўлиб, юридик ва жисмоний шахслардан ундирилади. Мулкида солиқ солиш объекти деб тан олинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ҳолдаги ёки этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликлари жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг солиқ тўловчилари деб эътироф этилади.

Республикада худудда жойлашган қуйидаги мол-мулк жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг солиқ солиш объекти ҳисобланади.

- уй-жойлар, квартиралар, дала ховли иморатлари;
- тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган яшаш учун мўлжалланмаган қўчмас мулк объектлари;
- қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган объектлар.

Қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган объектларга ушбу объектни қуришга доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектнинг қурилишига ваколатли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар қиради;

- кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар.

Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари ва қонунчилик билан белгиланган ставкалар асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг кадастр қиймати солиқ базаси ҳисобланади.

Бунда, жисмоний шахсларнинг уй-жойлар, квартиралар, дала ховли иморатлари, қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган объектлар ва кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлари бўйича солиқ ҳисоблаганда солиқ солиш базаси - қирқ икки миллион сўмдан кам бўлиши мумкин эмас белгиланган.

Ўз навбатида, жисмоний шахсларнинг мол-мулкни баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солиқ солиш объектларининг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкнинг шартли қиймати Тошкент ва Нукус шаҳарларида, шунингдек вилоят марказларида юқорида қайд этилган шартли қиймат (қирқ икки млн сўм)нинг - беш баравари миқдорида, бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда эса - икки баравари миқдорида солиқ базаси ҳисобланади.

Таҳлилий маълумотлар мол-мулк солиғини тўловчи жисмоний шахслар сони 2021 йилда оддинги йилга нисбатан 106,7 фоизга, 2022 йилда 103,0 фоизга ва 2023 йилда 101,7 фоизга ўсган ҳолда, бюджетга ундирилган солиқлар улуши мос равишда 2021 йилда оддинги йилга нисбатан 118,8 фоизга 2022 йилда 132,2 фоизга ҳамда 2023 йилда 127,8 фоизга ўсганлигидан далолат беради.

## 1-жадвал

2020-2023 йилларда мол-мулк солиғини тўловчи жисмоний шахслар сони ва тўланган солиқ миклорининг таққослама кўрсаткичлари<sup>1</sup>

Йиллар	Солиқ тўловчи жисмоний шахслар			Солиқ тўловчи жисмоний шахслар томонлан тўланган солиқ микдори		
	Сони	Ўтган йилга нисбатан фарқи	Ўсиш курсаткичи %да	Солиқ тушумлари	Ўтган йилга нисбатан фарқи	Ўсиш курсаткичи %да
2020	6978872	100	100	742,1	100	100
2021	7443782	464910	106,7	881,0	138,9	118,8
2022	7 657 102	213320	103,0	1164,2	283,2	132,2
2023	7 781 905	124803	101,7	1488,4	324,2	127,8

Лекин, солиқ тушумларининг солиқ тўловчилар сонига нисбатан юқорироқ ўсишига солиқ ставкаларининг ҳар йили индексация қилиниши ҳам сабаб бўлиши керак. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари қабул қилиниши билан, солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида”ги қонунлари билан жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи ставкалари деярлик ҳар йили 10 фоизга индексация қилиб келинган.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги ьонунчиликда жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда юридик шахслар учун белгиланган солиқ ставкаларини қўллаш тартиби белгиланган. Ўз навбатида, 2022 йилдан бошлаб, юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқишда кўчмас мулк объектлари учун солиқ базасини ушбу объектларнинг 1 кв. метри учун мутлақ миқдорда белгиланган энг кам қийматдан ҳисоблаш тартиби белгиланган.

Шу муносабат билан, жорий йилдан амалдаги солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари учун солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида солиқ базаси ушбу объектларнинг 1 кв. метри учун мутлақ миқдорда белгиланган энг кам қиймат:

Тошкент шаҳрида - **уч миллион сўм;**

Нукус шаҳрида ва вилоят марказларида - **икки миллион сўм;**

бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда - **бир миллион икки юз минг сўмдан** келиб чиқиб солиқ базасини аниқлаш тартиби жорий этилди.

Давлат кадастр органларининг маълумотларига кўра, мамлакатимизда жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган кўчмас мулк объектларининг умумий қиймати қуйидагича ҳолатда:

2-жадвал маълумотларидан, жисмоний шахслар мол-мулкнинг умумий қийматида тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектларининг қиймати йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини (2021 йилда 12,4 %, 2022 йилда 14,5% ва 2023 йилда 19,5%) кузатиш мумкин. бу эса, ўз навбатида солиқ солинадиган базанинг кенгайишига сабаб бўлади.

<sup>1</sup>Жадвал Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

## 2-жадвал.

2020-2023 йилларда жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас  
мулкларнинг умумий қиймати<sup>2</sup>

Кўрсаткичлар	2020	2021	2022	2023
<b>Жисмоний шахслар мол-мулкнинг умумий қиймати</b>	<b>441462,0</b>	<b>490513,0</b>	<b>502357,0</b>	<b>570271</b>
Тураржой объектлари қиймати	386659,0	429621,0	429286,0	459336,0
Нотурар объектлари қиймати	54803,0	60892,0	73071,0	110935,0
<b>Умуий қийматга нисбатан нотурар объектларнинг улуши (фоизда).</b>	<b>12,4</b>	<b>12,4</b>	<b>14,5</b>	<b>19,5</b>

Дунё амалиётида кўчмас мулк солиғи уй-жойларнинг бозор қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади. Шунингдек, мулк солиғини ҳисоблашда мулкни жойлашган жойидан келиб чиқиб ставкалар ҳамда чегирма ва имтиёзлар қўлланилади. Жумладан, Англия, Япония, Италия, АҚШ, ва бошқа ривожланган давлатларда кўчмас мулкка солиқлар бозор қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, малакатимизда мол-мулк солиғи маъмуриятчилигидаги асосий муаммолардан бири солиққа тортиш объектини аниқлаш ҳисобланади ва ундаги асосий муаммолар қуйидагилардан иборат:

- ҳисобга олинмаган кўчмас мулк объектларини аниқлаш бўйича аниқ механизмнинг мавжуд эмаслиги;
- мол-мулк қийматини объектив аниқлашнинг имкони мавжуд эмаслиги;
- солиқ хизмати органлари билан кадастр ташкилоти маълумотлар базасининг ўзаро тўлиқ интеграциялашмаганлиги;
- мол-мулки мавжуд жисмоний шахсларнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларнинг тўлиқ эмаслиги;
- жисмоний шахслар томонидан турар-жой объектларини кадастр паспортларини шакллантиришда кадастр идораларининг хизмат кўрсатиш нархларининг юқорилиги.

Бу борада, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 августдаги “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш белгиланди.

#### 4. Хулоса.

Фикримизча ушбу қонун асосида амалга ошириладиган тадбирлар натижасида жисмоний шахсларга тегишли бўлган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқига, уларнинг ўлчамлари ва қийматларига аниқлик киритиб борилади.

Ўз навбатида, жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва ундириш механизмларини такомиллаштиришда қуйидаги йўналишларнинг амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- республикада мол-мулклар қийматини баҳолашнинг холис ва адолатли тизимини йўлга қўйиш;

<sup>2</sup> Жадвал Кадастр агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

- ҳисобга олинмаган кўчмас мулк объекларини аниқлаш бўйича қатъий механизмни жорий этиш. Бунда солиқ тизимини маҳалла даражасигача тушириш тизими ўзини ижобий натижаларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади;

-жисмоний шахслар мол-мулк қийматининг ошиб боришига боғлиқ равишда табақалашган прогрессив ставкаларнинг такомиллаштириш керак. Бунинг натижасида тўлиқ фойдаланилмаётган дабдабали уй-жойларга сарф этилаётган маблағларни ишлаб чиқариш фаолиятига йўналтиришга хизмат қилади.

-жисмоний шахслар мол-мулк солиғидан солиққа тортиш объектини аниқлаш пайтида имтиёзга эга бўлган фуқаро қарамоғида вояга етган ва даромадга эга бўлган оила аъзолари ўртасида мулк қийматини ўзаро тақсимлаш асосида солиқни ҳисобланиши солиққа тортишнинг адолатлилики тамойилига мос келади.

### **Адабиётлар:**

Kodeks (2024) O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksi.

Боймуротов С.Р. (2022) “Ўзбекистонда ер ва мол-мулк солиқларини такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштириш” Монография. –Т “ChILONZOR FAYZI BALAND” МЧЖ. 126-бет.

Ваҳобов А., Жўраев А. (2019) Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, – 448 бет.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-221-сонли.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сон фармони.

Қонун (2023) Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-891-сон.



## БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Туляганов А.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Аннотация:** Ушбу мақолада бюджет ташкилотларида товар моддий захиралар ҳисобини ташкил этиш масалалари ёритилган. Бюджет ташкилотларида товар моддий захиралар ҳисобини ташкил этишнинг меъёрий ҳужжатларини ўрганиш асосида такомиллаштириш бўйича тегишли хулосалар қилинган ва таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** бюджет, бюджет ташкилоти, товар моддий захиралар, ҳисоб, стандартлар.

**Аннотация.** В данной статье освещены вопросы организации учета товарно-материальных резервов в бюджетных организациях. На основе изучения нормативных документов учета товарно-материальных запасов в бюджетных организациях сделаны соответствующие выводы и внесены предложения по совершенствованию.

**Ключевые слова:** бюджет, бюджетная организация, товарно-материальные запасы, учет, стандарты.

**Abstract.** This article covers the issues of organizing the accounting of inventory reserves in budgetary organizations. Based on the study of regulatory documents for accounting for inventory in budgetary organizations, appropriate conclusions were drawn and proposals for improvement were made.

**Keywords:** budget, budgetary organization, inventory, accounting, standards.

### 1. Кириш.

Бюджет ташкилотлари фаолиятини нормал ҳолда олиб бориши учун маълум миқдорда товар-моддий захираларга эга бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикасида товар-моддий захираларни ҳисобга олишнинг норматив-ҳуқуқий асослари қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари билан тартибга солинади. Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий жараёнларига товар-моддий захираларни ҳисобга олиш, баҳолаш, инвентаризация қилиш ҳамда молиявий ҳисоботларда ёритиб бериш кабилар қиради. Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (4-сонли БҲМС) (2020) “Товар-моддий захиралар” да товар-моддий захираларга қуйидагича таъриф берилган: “Товар-моддий захиралар — фаолият юритиш жараёнида кейинчалик сотиш мақсадида сақлаб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида бўлган, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлар”. Қуйидагилар товар-моддий захиралар ҳисобининг асосий қоидалари ҳисобланади:

тан олиш пайтини аниқлаш, таснифлаш, баланс қийматини баҳолаш;

товар-моддий захиралар таннархига киритиладиган харажатларни аниқлаш, келгусида харажатларни, шу жумладан товар-моддий захиралар қийматини харажат сифатида тан олиш;

товар-моддий захиралар қийматини реализация қилишнинг соф қийматига қадар камайтириш (баҳолаш);

товар-моддий захираларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижаларни аниқлаш ҳамда молиявий ҳисоботда улар бўйича ахборотни ёритиб бериш тартиби.

Товар-моддий захиралар Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (7-сонли БҲС) «Товар-моддий захиралар»да (2019) қуйидагича эътироф этилган: “товар-моддий захиралар — ташкилотларда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган хом ашё ва материаллар, уларнинг доимий фаолияти давомида фойдаланиш ёки сотиш учун мўлжалланган ёки сотиш ёки тақсимлаш учун ишлаб чиқарилган активлар кўринишида бўлади”.

Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг (2016) бир қатор моддаларида товар-моддий захиралар ҳақида тартиб-қоидалар ёритиб берилган. Хусусан, Қонуннинг 17-моддасида «Товар-моддий захираларни баҳолаш қуйидаги иккита баҳонинг энг пасти бўйича — баланс тузилаётган санадаги ҳақиқий таннарх (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) бўйича ёки бозор баҳоси (реализация қилишнинг соф қиймати) бўйича амалга оширилади» деб таъкидланган.

М.Қосимовнинг (2022) такидлашича, «UzASBO» ДМда ТМЗларнинг ҳисоби ва унинг ҳисоботини амалий бажариш учун, аввало товар-моддий захиралар тўғрисидаги дастлабки маълумотларни дастурга киритиб олиш лозим. Бунинг учун ДМнинг «main. uzasbo. uz (new. mdm.uz) «Баланс» модули Бош ойнасидан «Маълумотлар» бўлими, ундан «Ташкилот маълумотномаси» қатори, сўнгра ундан «Товар-моддий захиралар» қатори танлаб очилади.

С.Н.Ташназаров (2017) “миллии стандартимизда товар-моддий захираларга берилган таърифда “...маъмурии ва ижтимоий -маданий вазифаларни амалга ошириш” деган жумлани олиб ташлаш керак, деб у и лаи миз, чунки бу жумлалар узоқ муддатда фои даланадиган моддий активларнинг таърифида ҳам келтирилган”.

М.И.Хайтбоев (2023) “Товар-моддий захиралар ишлаб чиқариш жарае нида истеъмол қилинадиган моддий активлар ҳисобланиб, уларнинг қиймати таи е р маҳсулотлар қиймати га ту лиқ у тказилади. Улар харажатлар таркибида энг катта улушни эгаллаи ди ва молиявий натижаларга сезиларли таъсир ку рсатади”.

Ш.Э. Синдаровнинг (2024) фикрича: “Товар-моддий захиралар бир йилдан ортиқ бўлмаган хизмат муддатига эга бўлади ёки битта эксплуатация даври давомида фойдаланиладиган активлар, шу жумладан қурилиш ва таъмирлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи, ем-хашак, контейнерлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш буюмлари. , наслчилик ва озиқлантиришдаги чорва моллари, ўқув, илмий ва бошқа мақсадлар учун

материаллар, шунингдек, лаборатория синовидан ўтган, узоқ муддат фойдаланиладиган материаллар, илмий шартномалар илмий-тадқиқот ишлари учун махсус жиҳозлар ва бошқаларни ўз ичига олади”.

К.М.Маматов ва бошқаларни (2023) такидлашича, саноат ишлаб чиқаришида товар-моддий захиралар ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблигига, материал сиғим даражасига қараб турли даражада бўлади. Шунинг учун товар-моддий захираларнинг таркиби ишлаб чиқаришнинг хусусиятига ва ишлаб чиқариш цикли даражасига қараб ўзгаради. Товар-моддий захиралар таркибини ундан фойдаланиш учун шуни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш керак.

### **3. Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқотимиз бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобининг назарий асослари ўрганилди, мавзуга боғлиқ кўплаб илмий нашрлар талқин қилинди, илмий тадқиқотларга таянган ҳолда илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, анализ ва синтез усулларида кенг фойдаланилиб хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

### **4. Таҳлил ва натижалар.**

Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар меъёрий ҳужжатларда келтирилган таркибга асосан ҳисобга олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (7-сонли БҲС) «Товар-моддий захиралар»да товар-моддий захиралар таркиби қуйидагича келтирилган:

озиқ-овқат маҳсулотлари;

хизмат кўрсатиш ва қурилиш материаллари;

ҳарбий қурол-аслаҳалар;

асосий воситалар учун эҳтиёт қисмлари;

стратегик захиралар (масалан, энергия ресурс захиралари);

муомалага чиқарилмаган пул белгилари;

сотиш учун мўлжалланган почта инвентарлари;

тугалланмаган ишлаб чиқариш, шу жумладан ўқув ва таълим материаллари ҳамда ташкилот томонидан кўрсатиладиган хизматлар (масалан, аудиторлик текшируви);

сотиш учун мўлжалланган ер ёки мол-мулклар. Бунда узоқ муддатли активлар (ер, бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, мулкӣ (мутлақ) ҳуқуқлар ва бошқалар) кейинчалик сотиш ёки қайта сотиш мақсадида харид қилинган ҳолларда товар бўлиб ҳисобланади;

маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш, маъмурий ва бошқа эҳтиёжлар учун мўлжалланган хом ашё ва материал захиралар, харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи ва ёнилғилар, тара ва тарабоп материаллар, инвентар ва хўжалик жиҳозлари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа материаллар;

қайта ишланаётган ва йиғилаётган деталлар, узеллар, тугалланмаган технологик жараёнлар ва маҳсулотлар кўринишидаги тугалланмаган ишлаб чиқаришлар;

ташкилотда тайёрланган тайёр маҳсулотлар.

Ш.Синдаровнинг такидлашича, Товар-моддий захиралар ташкилотда жорий даврда фойдаланилади ва уларни таннарх таркибига киритиш орқали ҳисобдан чиқарилади. Ташкилотларнинг фаолият турларига қараб, товар-моддий захираларнинг турлари ҳам фарқланади. Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан таъминланиши мумкин. Товар ва моддий захираларнинг кирим манбалари бо'йича алоҳида ҳисоби



юритилади. Бюджет ташкилотларида товар ва моддий захиралардан тўғри фойдаланишни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга [7].

Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштириш йўналишидан бири- ҳисобни автоматлаштиришдир. Ҳозирги вақтда бюджет ташкилотларида товар-моддий бойликлар ҳисоби «УзАСБО» автоматлаштирилган дастурий мажмуасида юритилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги давлат молиясини бошқариш жараёнларини доимий равишда такомиллаштириш ва бюджетни ҳисобга олиш механизмларини такомиллаштириш натижасида УзАСБО-2 дастурий мажмуаси (УзАСБО ДМ – бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисоби ва ҳисоботининг юритилишини комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган дастурий мажмуа) яратилди. 2023 йилнинг 4 чораги учун бюджет ҳисоби ва ҳисоботи жорий йил талаблари ва шакллари мувофиқ амалга оширилади. 2024 йил 1 январдан эса барча бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини таъминлаш учун УзАСБО-2 дастурий мажмуасидан фойдаланилишга ўтиши лозим [9].

Дастурга товар-моддий захиралар кирими ҳисоби ҳақидаги маълумотлар қуйидаги кетма-кетликдаги амалларни бажариш билан киритилади.

Асосий ойнадаги ҳужжатлар **Документы** бўлиmidан товар-моддий захиралар ҳисоби **“Учет товарно-материальных запасов”** бўлими очилади ва ундан товар-моддий захиралар тушуми **“Поступление ТМЗ”** танлаб очилади.

Товар-моддий захираларнинг кирими ҳақида маълумот дастурга киритилмаган бўлса, “Номер” катакчасига 1-сон рақам билан киритилади. Аввал маълумотлар киритилган бўлса, дастур навбатдаги рақамни ўзи автоматлашган равишда танлаб ёзиб кўрсатади.

Товар-моддий захираларнинг кирими ҳақидаги маълумотларни дастурга киритиш учун “+” тугмачаси босилиб, янги саҳифа очилади. Ойнадаги “Номер” катакчасига товар-моддий захираларни ташкилот балансига кирим қилиниш тартиб рақами, “Дата” га кирим қилинаётган сана, “Сумма” га кирим қилинаётган товар-моддий захираларнинг сотиб олиш қиймати ёзилади. “Ишончнома” - “Доверенность” катакчасига аввал “Ҳужжатлар” - “Документы” бўлимининг “Ишончнома” - “Доверенность” бўлимасига маълумот киритилган бўлса, “Ишончнома” - “Доверенность” маълумотини (...) тугмачаси ёрдамида очилган маълумотдан олиш мумкин. Агар тўлдирилмаган бўлса, “Добавить” тугмачасини босганда намоён бўладиган Ишончнома “Доверенность” ойнасидаги катакчалар тегишли маълумотлар билан тўлдирилади.

Товар-моддий захираларнинг кирими **“Поступление ТМЗ”** ойнасидаги катакчалар тўлдириб бўлгандан сўнг, текшириш мақсадида **“Проверить”** тугмачаси босилади. Агар ойнадаги катакчалардан бирортаси тўлдирилмаган бўлса, айнан шу катак тўлдирилмаганлиги ҳақида огоҳлантирувчи ёзув пайдо бўлади. Барча маълумотлар тўла ва тўғри киритилган бўлса, ҳеч қандай огоҳлантирувчи ёзув пайдо бўлмайди. Шундан кейин маълумотларни дастур хотирасида сақлаш учун **“Сохранить”** тугмачаси босилади. Товар-моддий захираларнинг кирими **“Поступление ТМЗ”** ойнасидан чиқилади.

Ҳисобот йилида 114 та давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек банкларда 1477 нафар штат бирлигидан иборат коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг фаолияти йўлга қўйилди. Улар томонидан ўтказилган 4349 та назорат тадбирларида 342,6 млрд сўмлик маблағларнинг талон-торож қилиниши ва 928,9 млрд сўмлик молиявий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг Ички аудит бўлими ва бошқа тегишли бўлинмаларни жалб қилган ҳолда 62 та назорат тадбирлари ўтказилиб, қабул қилинган коррупцияга қарши ички тартиб қоидалар бузилганлиги юзасидан жами 142 127 млн сўмлик 95 та ҳолатлар аниқланди. 2023 йилда тизим бўйича ўтказилган 53 та объект бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига 54 312,4 млн сўмлик ўрганиш материаллари юборилган бўлиб, ўрганишлар давомида 1071,4 млн сўм қисми тегишли бюджетларга тикланган.

Бюджет ташкилотларида товар моддий захиралар ҳисобини такомиллаштириш ва улар бутлигини таъминлашда Давлат харидлари соҳаси самарали давлат бошқарувини ташкил этиш ва мамлакат миқёсида кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган йўналишлардан бири ҳисобланади. 2023 йилда республика миқёсида жами қиймати 253,3 трлн сўмлик 1,5 млндан ортиқ давлат харидлари амалга оширилган бўлиб, давлат буюртмачилари томонидан харидларни рақобатли тарзда амалга ошириш натижасида 8,2 трлн сўм маблағ иқтисод қилинишига эришилган.

### **5. Хулоса.**

Ўрганишлар натижасига кўра, товар-моддий захиралар — фаолият юритиш жараёнида кейинчалик сотиш мақсадида сақлаб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида бўлган, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлар экан.

Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини БҲС ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бюджет ташкилотларида товар-моддий бойликлар ҳисоби «УзАСБО» автоматлаштирилган дастурий мажмуасини янада такомиллаштириш зарур.

Бюджет ташкилотларида товар-моддий бойликлар ҳисобини ҳозирги давр талаби асосида рақамли иқтисодиёт талаблари асосида ташкил этиш лозим.

### **Адабиётлар:**

Mamatov, K. M., Abduvakhidov, F. T., Norov, A. R., Nurmuxammedov, A. Y., & Rustamova, D. F. qizi. (2023). Theoretical Basis for Organizing the Accounting of Commodity Material Reserves. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 3(3), 59–68. Retrieved from <https://www.inovatus.es/index.php/ejine/article/view/1530>.

Sindarov Sh. E. (2024) Improving the account of goods material reserves in budget organizations. Web of Technology: Multidimensional Research Journal, 2 (2), 2024. 83–90. Retrieved from <https://webofjournals.com/index.php/4/article/view/814>.

Буйруқ (2020) Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (4-сонли БҲМС) “Товар-моддий захиралар”. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 28 майдаги 24-сон.

Буйруқ (2018) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2018 йил 12 декабрдаги 151-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (7-сонли БҲС) “Товар-моддий захиралар”. 2019.

Ташназаров С.Н. (2017) Товар-моддий захиралар таннархи ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш масалалари. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. No 6, ноябрь-декабрь.

Қонун (2024) Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги.

Қосимов М. (2022) Бюджетдагилар ТМЗ ҳисобини «UzASBO»да қандай юритади. Soliq solish va buxqalteriya. 7-сон.

Хайтбоев М.И. (2023) Товар-моддий захиралар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. 08.00.08-”Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” иқтисослиги бўйича Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа фан доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. авт.



## ЎЗБЕКИСТОНДА МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

Туракулов Т.А.  
“JEMCHUG HOUSE” МЧЖ

**Аннотация.** Мақола Ўзбекистонда минтақавий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос томонларига бағишланган бўлиб, иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларига асосланиб, мавжуд камчиликлар ва истиқболлар муҳокама қилинган.

**Калит сўзлар:** минтақа, инвестиция, даромад, иқтисодий ривожланиш.

**Аннотация.** Статья посвящена конкретным аспектам развития региональной экономики в Узбекистане, на основе исследований экономистов обсуждаются имеющиеся недостатки и перспективы.

**Ключевые слова:** регион, инвестиции, доход, экономическое развитие.

**Abstract.** The article is devoted to the specific aspects of the development of the regional economy in Uzbekistan, based on the research of economists, discussing the existing shortcomings and prospects.

**Keywords:** region, investment, income, economic development.

### 1. Кириш.

Минтақавий иқтисодий ривожланиш мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатида, хусусан, мувозанатли ўсишни таъминлаш ва минтақавий тафовутларни камайтириш шароитида муҳим жиҳат сифатида пайдо бўлди. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўтиш даври иқтисодиёти сифатида минтақавий иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишнинг ўзига хос мисолини тақдим этади. Мамлакатнинг тарихий, географик ва ижтимоий-сиёсий омиллар таъсирида шаклланган хилма-хил иқтисодий муҳити унинг минтақаларидаги ўзига хос муаммолар ва имкониятларни ҳал қилиш учун мослаштирилган стратегиялар зарурлигини таъкидлайди.

Ўзбекистонда минтақавий иқтисодий ривожланишни ўрганишнинг долзарблиги унинг миллий иқтисодий барқарорликка ҳисса қўшиш, минтақавий рақобатбардошликни ва аҳоли турмуш даражасини ошириш салоҳиятидадир. Тошкент, Фарғона водийси ва Қорақалпоғистон Республикаси каби ҳудудлар иқтисодий фаоллик даражаси, ресурслар билан таъминланганлиги ва ривожланиш устуворликлари билан ажралиб туради. Ушбу фарқларни тушуниш номуносибликларни юмшатиш билан бирга минтақавий кучли томонлардан фойдаланадиган сиёсатни шакллантириш учун зарурдир.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Минтақавий иқтисодий ривожланиш кўп ўрганиладиган мавзу бўлиб, турли методологиялар, омиллар ва натижаларни ўз ичига олади. Мавжуд тадқиқотлар минтақавий иқтисодларнинг мураккаблигини ва уларни тушуниш ва яхшилаш учун қўлланиладиган турли ёндашувларни таъкидлайди. Хусусан, М.Сторпер, (1995) “Худудлар иқтисодий ҳаётни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, институтлар, саноатни ташкил этиш ва технологик ўзгаришлар таъсирида бўлади. Минтақавий ўзаро боғлиқлик уларнинг иқтисодий ролини тушуниш учун жуда муҳимдир” - деб фикр билдирган.

Э.Малески, (1991) фикрича, “Технологик имкониятлар, маҳаллий фирмалараро тармоқлар ва шаҳарларнинг ривожланганлиги минтақавий иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошликни сезиларли даражада оширади. Инновациялар ва тадбиркорлик сиёсати ривожланаётган минтақавий иқтисодиётлар учун калит ҳисобланади”.

Минтақанинг экспорт базаси минтақавий даромаднинг асосий омили бўлиб, унинг ўсиши мавжуд экспортнинг рақобатбардошлиги ва янги экспортнинг ривожланишига боғлиқ (С.Тиебоут, 1956).

А.Ассани ва бошқ., (2012) фикрича, “Маҳаллий ижтимоий ва институционал хусусиятлар билимларнинг тарқалишини рағбатлантириш ва номуносибликларни бартараф этиш учун зарурдир. Номарказлаштириш худудларга стратегияларни ўзларининг ноёб шароитларига мослаштиришга имкон беради”.

Д.Маккиннон ва бошқ., (2002) фикрича, “Инновациялар ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш салоҳияти худудлар иқтисодиётларида рақобатбардош устунликни таъминлайди. Бироқ, маҳаллий ташқи тармоқлар ва глобал тузилмалар ҳам ҳисобга олиниши керак”.

Минтақавий иқтисодий ривожланиш кўпинча худудлар ўртасидаги номуносиблик билан тавсифланади, бу ерда даромадлар ва имкониятлар худудлар бўйича нотекис тақсимланади. Бу халқаро адабиётларда катта эътиборга эга бўлиб, тадқиқотлар ушбу номуносибликларни ва уларнинг вақт ўтиши билан эволюциясини таҳлил қилиш учун статистик усуллардан фойдаланади (П.Филента ва Д.Кедрос, 2022).

Ривожланишнинг табақаланиши муҳим масала бўлиб, у тизимли тадқиқотлар ва сиёсий аралашувлар орқали минтақавий тафовутларни тенглаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар билан бартараф этилади (И.Зварйч & О.Зварйч, 2024).

Минтақавий ривожланишни баҳолаш учун турли методологик ёндашувлар қўлланилади, жумладан тизим таҳлили ва сиёсий таҳлил. Ушбу усуллар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ва сиёсий қарорларнинг минтақавий иқтисодиётга таъсирини тушунишга ёрдам беради (Н.Максубова ва бошқалар, 2024).

Минтақавий ривожланишни ўрганиш, янги тушунчаларни таклиф қилиш ва келажакдаги тадқиқот йўналишларини таклиф қилиш учун миқдорий усуллар ва ижтимоий тармоқ таҳлили ишлатилган (П.Филента ва Д.Кедрос, 2022).

Минтақавий иқтисодий ривожланишни шакллантиришда инвестицион жозибадорлик, инновацион фаоллик ва меҳнат унумдорлиги каби асосий омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ушбу элементлар барқарор ва мувозанатли иқтисодий ўсишга эришишга қаратилган моделнинг бир қисмидир (К.Қозий, 2024).

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва унга таъсир кўрсатувчи устувор омиллар, жумладан, саноат ҳажми ва аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ҳудудий ривожланиш даражасини белгилашда муҳим аҳамиятга эга (Т.Д.Махмудов, 2023).

Ушбу тадқиқотлар минтақавий иқтисодий ривожланишни ҳар томонлама тушуниш имконини беради, кўзланган натижаларга эришишда муаммолар

сақланиб қолмоқда. Аҳоли жон бошига минтақавий маҳсулотларнинг яқинлашиши ва дивергенцияси минтақавий ривожланишдаги беқарор жараёнларни таъкидлайди ва бу муаммоларни самарали ҳал қилиш учун кейинги тадқиқотлар ва янги парадигмаларни талаб қилади (И.Звареч ва О.Звареч, 2024).

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, минтақавий иқтисодий ривожланиш технология, савдо, демография, институционал асослар ва марказлашмаган стратегиялар билан шаклланади.

### **3. Таҳлил ва натижалар.**

Сўнги йилларда Ўзбекистон ўзини савдо ва инвестициялар учун минтақавий марказ сифатида кўрсатиб келмоқда. Ҳукуматнинг ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, инфратузилмани модернизация қилиш ва инсон капиталини ривожлантириш бўйича ташаббуслари Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги потенциал етакчилик ролини муҳокама қилишга туртки бўлди. Бироқ, мамлакат ичидаги ҳар бир минтақа алоҳида тўсиқларга дуч келади, бу ягона сиёсий ёндашув етарли эмаслигини кўрсатади.

Минтақавий иқтисодий ривожланишни ўрганиш, аynиқса, ривожланаётган ва ўтиш давридаги иқтисодлар шароитида олимларнинг катта эътиборини тортди. Мавжуд тадқиқотлар минтақавий ўсиш динамикасини, номутаносибликни ва сиёсат аралашувини тушуниш учун фойдаланиладиган турли асослар ва методологияларни таъкидлайди. Минтақавий иқтисодий ривожланишнинг назарий тушунчаси бир неча асосий модель ва тушунчалар билан асосланади:

Кумулятив сабаблар назарияси (Myrdal) - бу назария ривожланган ҳудудларда иқтисодий ўсишнинг ўз-ўзидан мустақамланишига урғу беради. Ушбу назарияга асосан, иқтисодий фаолият агломерация таъсири туфайли маълум ҳудудларда тўпланиб, минтақавий номутаносибликни янада кучайтирадиган ўсиш циклини яратади. Ушбу асос Ўзбекистондаги иқтисодий фаоллик номутаносиб равишда Тошкент каби шаҳар марказларида тўпланган, қолоқ минтақалар дуч келаётган муаммоларни тушунишда муҳим аҳамиятга эга.

Янги иқтисодий географиянинг (Krugman) асоси иқтисодий фаолиятнинг ҳудудлараро тақсимотини аниқлашда иқтисодлар кўлами, транспорт харажатлари ва бозорга киришнинг ролини таъкидлайди. Ушбу модель тоғ-кон саноатига эга Навоий каби ҳудудларнинг ресурслар базасига яқинлиги ва бозорга кириш имконияти туфайли қандай ривожланганлиги ҳақида қимматли тушунчаларни беради.

Ядро-Периферия модели - бу модель асосий ҳудудлар (иқтисодий марказлар) ва чекка ҳудудлар ўртасидаги нотекис ривожланишни тушунтиради. Ўзбекистонда инфратузилма ва инвестициялардан фойдаланишда Тошкент асосий ўринни эгаллайди, Қорақалпоғистон Республикаси каби ҳудудлар эса чекланган саноатлаштириш ва экологик муаммолар билан курашаётган чекка ҳудуд бўлиб хизмат қилади.

Минтақавий инновацион тизимлар концепцияси иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ҳудудларда инновацион экотизимларни қўллаб-қувватлаш муҳимлигига қаратилган. Бу билимларни тарқатиш, институционал қўллаб-қувватлаш, таълим ва саноат ўртасидаги ҳамкорлик ролини таъкидлайди. Ўзбекистонда минтақавий инновацион тизимларни қўллаш орқали минтақавий рақобатбардошликни, аynиқса, билим талаб қиладиган секторларда ошириши мумкин.

Ушбу назарий асослар Ўзбекистоннинг минтақавий иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш ва мавжуд номутаносибликларни бартараф этиш йўллари аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон банки томонидан олиб борилган тадқиқотлар минтақавий тафовутларни бартараф этишда инфратузилманинг муҳим ролини таъкидлайди. Транспорт, энергетика ва рақамли инфратузилмага йўналтирилган инвестициялар минтақалар ўртасидаги алоқани кучайтириши ва иқтисодий интеграцияни ривожлантириши кўрсатилган.

Ҳиндистон ва Бразилия каби мамлакатларда минтақавий ривожланишга оид тадқиқотлар минтақага хос муаммоларни ҳал қилиш учун маҳаллий ҳокимият органларига ваколат беришда марказлашмаган бошқарув тузилмаларининг муҳимлигини кўрсатади. Номарказлаштириш мақсадли сиёсат аралашуви ва ресурсларни тақсимлашни осонлаштиради.

Европа Иттифоқининг бирлашиш сиёсати минтақавий яқинлашувни рағбатлантириш учун мезон бўлиб хизмат қилади. ЕИ ортда қолган ҳудудларга маблағлар ажратиш орқали мувозанатли ўсишга ёрдам берди ва тенгсизликларни камайтирди. ЕИ тажрибаси кўп даражали бошқарув, манфаатдор томонларнинг ҳамкорлиги ва далилларга асосланган режалаштириш муҳимлигини таъкидлайди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Хитой ва Ветнам каби мамлакатларда минтақавий иқтисодий ўсиш катализатори сифатида аниқланган. Махсус иқтисодий зоналар (МИЗ) ташкил этилиши ва хорижий инвесторларни рағбатлантириш ривожланмаган ҳудудларга капитал ва технологияларни жалб қилишга ёрдам берди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари инклюзив ва барқарор минтақавий ривожланиш зарурлигини таъкидлайди. Халқаро тажрибалар минтақавий сиёсатда экологик барқарорлик, ижтимоий тенглик ва иқтисодий ўсишни интеграциялашувига урғу беради.

